

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ**

**5340300 - Маркетинг (соҳалар бўйича) таълим  
йўналиши талабалари учун**

**“Тадбиркорлик асослари”**

**фанидан**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**ТОШКЕНТ - 2006 йил**

## “ТАВСИЯ ЭТИЛДИ”

“АВИАТАРМОКДА МЕНЕЖМЕНТ” кафедраси мудири

\_\_\_\_\_ проф. Лутфуллаев х.с.

Кафедра йиғилишининг “\_\_\_\_”- сонли  
баённомаси, “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2006 й.

Ушбу маърузалар матнларида тадбиркорликни моҳияти, ривожланиш тарихи, унинг тарихи хорижий мамлакатларда тадбиркорликни ривожлантириш тажрибаси, мулк шакллари, корхоналар-тадбиркорликнинг ташкилий кўриниши сифатида эканлиги, тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш, бошқаришни ташкил этиш, солиқ сиёсати, банк иши ва аудит, мамлакатда тадбиркорликни ривожлантиришнинг устивор йўналиши батавсил ёритиб берилган. Ушбу маъруза матнида фан бўйича янги педагогик технологияни қўллаш бўйича услубий кўрсатма, информацион технологияни қўллаш, БМИ ва МДлар бўйича 15 минг мавзудан фанга тааллуқли мавзулар келтирилган. Мазкур маъруза матни барча таълим йўналишлари талабалари учун мулжалланган.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1. Тадбиркорликнинг моҳияти.....	6
2. Тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва бошқарилиши.....	17
3. Мулк ва тадбиркорликнинг шаклланишининг иқтисодий йўллари.....	27
4. Корхона – тадбиркорликнинг ташкилий курилиши.....	35
5. Маркетинг – тадбиркорлик тизимида.....	43
6. Тадбиркорлик фаолиятини таҳлил этиш.....	52
7. Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш.....	62
8. Тадбиркорликни бошқаришни ташкил этиш.....	76
9. Тадбиркорликни банк, солиқ хизмати ва аудит билан ўзаро алоқалари.....	84
10. Корхонанинг молияси ва уни молиявий аҳволини баҳолаш.....	96
11. Мамлакатимизда тадбиркорликни инвестициялашнинг устивор йўналишлари.....	109
Фойдаланилган адабиётган руйхати.....	118
Иловалар.....	
1 «Тадбиркорлик асослари» фанидан тавсия қилинаётган адабиётларнинг шарҳи.....	120
2 «Тадбиркорлик асослари» янги педагогик технологияларни куллаш буйича услубий курсатма.....	123
3 «Тадбиркорлик асослари» информацион технологияни куллаш буйича тайёрланган слайдлар.....	130
4 БМИ ва МДлар буйича тайёрланган 15 минг мавзулардан олинган мавзулар.....	142
5 “Тадбиркорлик асослари” фанидан мустақил таълим учун тайёрланган услубий курсатма.....	143

## КИРИШ

Мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва глобаллашув йўлидан бораётган жараёнда янги фаолият олиб бориш ва янги фикрлаш услубларини талаб этмоқда. Бозор иқтисодиёти ҳаётимизда тобора кенгроқ кўлам олаётган шароитда хусусий тадбиркорлик соҳасида таълим олаётган мутахассислар кўп қиррали билимга эга, чуқур мулоҳаза ва мушоҳада асосида фаолият олиб боришда қодир, ўз ишини пухта эгаллаган мутахассис бўлиши шарт. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби ўта мураккаб ва нозик соҳада банд бўлган амалиётчиларга жуда юқори талаблар қўйилади. Негаки мавжуд ҳолатлардан мақбул даражада фойдаланиш, ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ўсишига, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг молиявий маблағларини максималлаштиришда ҳамда уларни маблағлар билан таъминлашда ўзига хос хусусиятларини яхши билиши, иқтисодий жиҳатдан турли хулосалар чиқариш уларнинг тўғри ва асосли эканлигини исботлаб бера олиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бозор ислоҳатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасидаги Қонунчиликни такомиллаштириш, хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни кузда тутди.

Республика иқтисодиётининг жадал эркинлаштирилиши хусусий тармоқни ривожлантиришни рағбатлантириш, иқтисодиётда унинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш учун асос яратади.

Шулар қаторида янги Қонуний ва меъёрий –ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши, жумладан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий талбиркорликни ривожлантириш ва қуллаб-қувватлаш соҳасида, иқтисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича асосий устиворликларнинг тизимли асосда асалга оширилишини таъминлаш имконини беради.

Айниқса Президентимизнинг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Бу тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шароитлар яратиш ва ҳужжатларни расмийлаштиришнинг руйхатга олиш тамойилиги босқичма-босқич ўтишнинг ёрқин мисоли ҳисобланади. Шундай қилиб, хусусий тадбиркорлик йўлидаги бюрократик тусиқлар олиб ташланади.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги эълон Қилинган фармонда суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш йўналишлари ҳам кўрсатиб берилган. Энди назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви кескин камаяди, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояти таъминланади. Тадбиркорлик фаолиятини асоссиз чеклашга йўл қўйилмайди, бу эса умуман тадбиркорлик ҳаракатини сифат жиҳатдан янги босқичга кутариш имконини яратади, бизнес билан шуғулланувчиларга янги қафолатлар берилади.

Бу борада тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун лицензиялар бериш тизимини такомиллаштириш ва лицензияларни амал қилиши ёки у қайтариб олинган ҳолларда суд орқали тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Натижада ишбилармонлар, инвесторлар ва Халқаро молия институтларининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларга ишончи мустаҳкамланади.

Фармонлар мамлакатимиз Президенти Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Қушма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Маърузада асосий стратегик вазифамиз- демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор ислоҳатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида самарали, босқичма-босқич ва изчил бориш эканлиги таъкидланган эди. Шунингдек, ушбу маърузада 2005 йилда иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишнинг энг муҳим устивор вазифалари этиб қуйидагилар кўрсатилган:

-асосий устивор масала – аввалгидек, бозор ислоҳатларини чуқурлаштириш ва янада эркинлаштиришдан иборат;

-иккинчи устивор масала- хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши купайишини таъминлаш;

-учинчи устивор масала – кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва куламини кенгайтиришдан иборат;

-тўртинчи устивор масала- банк ва молия тизимларидаги ислоҳатларни чуқурлаштириш;

-принципиал муҳим масала- солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш<sup>1</sup>

Барча таълим йўналишидаги мутахассисларни тайёрлашда «Тадбиркорлик асослари» фанини ўқитиш муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўрганиш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жараёнларини тартибга солиш, уни янада ривожлантириш борасида тўпланган бой тажрибаларни ўзлаштириш имконини беради.

«Тадбиркорлик асослари» фанидан Иванов В.Н., Кузнецов О.В., Лапуста М.Г., Моррелл Д., Рикс Дэвид А., Рубин Ю.Б., кабилар дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаганлар. Тюмен Давлат Университетининг “Тадбиркорлик асослари” фани билан ТДИУ “Маркетинг” кафедраси томонидан ўтирилаётган “Тадбиркорлик асослари” фани қиёсий таҳлил қилинди. Мамлакатимизда С.С. Ғуломов, Ё. Абдуллаев, М. Мухаммедов, С. Истамов, Б.Ходиев, М.С. Қосимова, А.Самадов, А. Улмасовлар томонидан тайёрланган дарслик ва ўқув қўлланмалар “Тадбиркорлик асослари” фанида кенг қўлланилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қушма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январ, 20-сон.

## **1-Мавзу. Тадбиркорликнинг моҳияти**

- 1.1. Тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи.
- 1.2. Чет элларда тадбиркорликни қўллаб- қувватланиши.
- 1.3. Тадбиркорлик тушунчаси, моҳияти ва уни ривожлантириш учун шарт-шароитлар.

### **1.1. Тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи.**

Барча янги мустакил давлатларда ислохотлардан олдинги даврда мулкчиликнинг давлат шакли устунлик килган. Хўжаликнинг давлат секторидида меҳнаткашлар умумий сонининг 4/5 қисми, кооперативларда 14-15% (булардан яримидан қупи қолхозларда), хусусий секторда 3%га яқини банд бўлган. Саксонинчи йилларнинг иккинчи яримида хўжаликнинг кооператив секторини яратиш ижарани ривожлантиришга ҳаракат қилинган. Бу ҳаракат бозор инфратузилмасини ривожланмаганлиги давлат мулкчилигининг ҳукмронлиги, хўжалик юритишнинг янгиша шакллари давлат секторига қарамлиги, хўжалик Қонунларининг ноаниқлиги ва бир қатор сабаблар туфайли натижақисиз бўлган.

Қорхоналарни давлат тасарруфидан қикариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислохотларнинг етакчи бугинидир. Хусусийлаштириш натижақиса демократик қамиятнинг ижтимоий қаминини ташқил қилувчи хусусий мулкчилик қатлами шаклланиб қорди.

Иқтисодиёт қанида тадбирқорлик қоолиятига доир дастлабқи тадқиқотлар XVIII ақрда Р. Қонтильон, А. Тюрго, Ф. Қене, А. Смит ва Ж.Б. Сеи асарларида амалга оширила бошланди. Бирок қозирга қадар қамоатчилик қикрида “тадбирқорлик” тушунқасининг қуп маънолилиги сақланиб қолмоқда. Илмий адабиётда ушбу тушунқа ҳақиди қупинқа бу қавқулодда қодисанинг иқтисодий, ташқилий ва рухий тавсиқлари (турли-туман қарашлар) туқлашидан иборат қар қил тасаввурлар маवқуд.

Қориқий адабиётларда бизнес таърифини қуп турлари мавқуддир. Инсон қамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёқи бу қихатдан доимо бизнес билан боқлик бўлган.

Дастлабқи боққичларда тадбирқорликнинг энг муқим аломати бирон бир шахс-тадбирқор қоолиятининг қойдали ёқи зарарлигини белқиловчи ноаниқлик омили ҳисобланган. Тадбирқорликнинг ижтимоий - иқтисодий вақифиси турли бозорларда талаб билан тақлиф орасида мувоқанат урнатишга доир таққомиллик қоолиятидан иборат деб тан олинган.

Қейинқалик “сармоя эқаси” ва “Тадбирқор” тушунқалари бир-биридан қарқлана бошланди. Тадбирқор сармоянинг муомалада юритишни, қупайиб қоришини таъминлайди ва бу қорада у венқур сармоядор, яъни қалб қилинган молиявий маблагларни усталик билан тасарруф этувчи шахс сифатида ишни юритиб юборишга уз қоялари, қилими ва қуниқмаларини

татбик қилиб, куп фойда олиш мақсадида уша маблагларни таваккали ишларга сарфлайди.

Ўзбекистонда ва МДХда бизнес ҳақидаги мақолалар, адабиётлар 60-йилларнинг урталарида пайдо булди. Хусусий мулкчилик эса уша даврда бизнинг мафқўрамиз учун бутунлай ёд нарса эди. Лекин бизда бизнесни фан тарикасида урганиш факатгина 90-йилларнинг бошларида бозор муносабатларига аста-секин утиш билан бошланади.

“Бизнес” - сўзи инглизча суз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти еки бошкча суз билан айтганда кишиларни фойда олишга каратилган тадбиркорлик фаолиятидир.

Хорижий адабиётларда бизнес таърифини куп турлари мавжуддир. Инсон жамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жихатдан доимо бизнес билан боғлиқ бўлган.

Бизнесмен (тадбиркорлик) сўзи биринчи маротаба Англия иктисодиетида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун Қандайдир тижорат гоёсини амалга ошириш мақсадида иктисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, - деб таъкидлайди. Тадбиркорни узи, уз ишини режалаштиради, ишлаб чикаришни ташкил этади, махсулотни сотади ва олган даромадига узи хужайинлик килади.

Бизнес- бу аввало ишлаб чикаришни ташкил этиш, иктисодий фаолият ва муносабатлар, хаётни узи сунгра эса пул ишлаш демакдир. Бизнес- бу хорижий суздир. У бутун дунё буйича таркалгандир, ундан барча мамлакатларда фойдаланидилар. Ўзбек тилида эса бизнес сўзи тадбиркорлик, бизнесмен эса тадбиркор демакдир. Ўзбекча суз хорижий сузга тугри келади, лекин унга Қўшимча маъно хам беради. Бу сузларни ортида “иш” яъни иш билан шугулланиш еки корхона ташкил килиш этади. Шундай қилиб, бизнес - бу корхона ташкил килиш демакдир (саноат корхонаси, савдо дукони, хизмат кўрсатиш корхонаси, аудиторлик контораси, адвокат идораси, банк ва х.к.). Демак, биз бу йўқ нарсдан пул килиш эмас, балки мураккаб ишлаб чикаришни еки хизмат кўрсатишни ташкил этиш демакдир. Тадбиркорлик - бу доимо уз ишининг фидоийси, билимдонидир. Тадбиркорлик учун укиш керак, нафакат дастлабки пайтларда, балки тадбиркор бир умир укиши, изланишда бўлиши керак.

Тадбиркор нималарни билиши ва килиши керак? У энг аввало, тадбиркорлик фаолиятини Қандай амалга оширишни, Қандай шароитда амалий харакат килишни, тадбиркор олдида учрайдиган тусикларни хал килиш йулларини ва Қандай ютукларга эришишни билиши керак. Тадбиркор - ишлаб чикаришни ташкил этишни, хамда махсулотни сотишни билиши керак. У бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган аник шароитларни баҳолашни ва тугри йул танлашни билиши керак. Хеч ким, хеч қачон тадбиркорга нима килишни ургатмай ва огир пайтларда ёрдамга

келмайди. Хар бир тадбиркор факат уз кучига, билимига ва заковатига ишониши ва суяниши лозим.

Тадбиркорлик фаолиятини акциядорлик мулки шаклида хам, жамоа мулки шаклида хам, хусусий (якка) мулк шаклида хам амалга ошириш мумкин. Бирок акциядорлик мулки шакли ва жамоа мулки шакли доирасида уни ташаббус кўрсатиш, Қарорлар Қабул килиш ва уз фаолияти учун жавобгарлик масалаларида ходимлар ва менежерларга хусусий мулк эгаси имкониятлари канчалик даражада берилишига боғлиқ равишда амалга ошириш мумкин.

Савдо, маиший хизмат, маҳаллий саноат, ижтимоий соҳалар корхоналарини давлатникидан хусусийга айлантириш жараени анча кийин утди. Бу ерда аввал хусусийлаштириш йириклаштирилган ишлаб чиқариш булимлари буйича бажарилди, уларнинг заминида очик турдаги хиссадорлик жамиятлари тузилди.

Аммо ҳаёт бу жамиятларни кичиклаштиришни таказо қилади, шу мақсадда унга қирувчи айрим таркибий биргаликларга катта мустақиллик берилди. Натижада Ўзбекистон Савдо, Ўзмаишийиттифоқ, Ўзбекбирлашув каби тармоқлар буйича 13 мингга яқин хусусий корхоналар ташкил этилди.

1995 йилдан то ҳозирги давргача кичик ва хусусий корхоналар ташкил қилишга энг катта аҳамият берилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиетига утиш даврига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб утганидек, “...Қишлоқ жойларида ихчам ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш хисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширмоқчимиз”.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бозор ислоҳатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасидаги Қонунчиликни такомиллаштириш, хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни кузда тутди.

Фармонлар мамлакатимиз Президенти Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Маърузада асосий стратегик вазифамиз- демократик Қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор ислоҳатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида самарали, босқичма-босқич ва изчил бориш эканлиги таъкидланган эди. Шунингдек,

---

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бусагасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккият кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон 1997. -221 б



ушбу маърузада 2005 йилда иқтисодий ислохатларни амалга оширишнинг энг муҳим устивор вазифалари этиб Қуйидагилар кўрсатилган:

-асосий устивор масала – аввалгидек, бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва янада эркинлаштиришдан иборат;

-иккинчи устивор масала- хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши купайишини таъминлаш;

-учинчи устивор масала – кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва куламини кенгайтиришдан иборат;

-тўртинчи устивор масала- банк ва молия тизимларидаги ислохатларни чуқурлаштириш;

-принципиал муҳим масала- солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш.<sup>3</sup>

Демак тадбиркорликни ривожлантиришни энг асосий буғуни бўлиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади.

## **1.2. Чет элларда тадбиркорликни Қўллаб-қувватланиши.**

Бизнинг мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибаларига суянган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор берилмоқда. Бунда 1999 йилнинг 14 апрелда Олий Мажлис томонидан Қабул Қилинган “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Эркин рақобатга тобора кенг имкон яратиш, турли мулкчилик шаклларидаги бозор субъектлар уртасида бўладиган иқтисодий ҳуқуқий муносабатларни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш борасида ушбу қонун муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонунга биноан тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, якка тартибдаги тадбиркорлик, биргаликдаги тадбиркорлик субъектларининг миқёси аниқ белгилаб берилган. Бундан ташқари тадбиркорлик фаолиятини кафолатлари аниқ курсатиб ўтилган.

Хуш, кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланган давлатларда қандай эътироф этилади ва унинг моҳияти нимадан иборат?

АҚШда 500 тагача ходими бўлган корхона кичик корхона бўлиб ҳисобланади. Германия ва бошқа Ғарбий Европа давлатларида эса, 300 тагача ходими бўлган корхона кичик корхона ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда кичик корхоналарнинг иккита тамоман узгача турларга бўлиш мумкин:

- 1) ҳаётни таъминловчи корхоналар;
- 2) тез усувчи корхоналар.

<sup>3</sup> Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январ, 20-сон.

Одатда кичик корхоналарнинг қарийиб 80-90 фоизи ута кичик бўлиб, улар усиш учун чекланган имкониятларга эга. Бундай корхоналар хаётни таъминловчи корхоналар деб юритилади. Ушбу турдаги корхоналарга консултацион хизмат кўрсатувчи фирмалар, тор доирада ихтисослашган дуконлар, кафе ва шу кабилар киради. Улардаги ходимлар тулик булмаган иш кунига эга бўлиб, фирма манзиллари сифатида тадбиркорлар уз уйларидан фойдаланадилар. Хаётни таъминловчи корхоналар кичик бизнес корхонаси бўлиб, унинг эгаси етарли турмуш даражасини таъминлаш мақсадида ташкил этади.

Иккинчи турдаги корхоналар тез усувчи корхоналар деб номланади. Уларнинг бундай номланишига сабаб, улранинг мақсади тезрок кичик бизнес чегарасидан чикиб ривожланишдир. Тез усувчи корхоналар кичик бизнес корхонаси бўлиб, улар тезкор усиш тенденциясига ва куйилган сармойнинг юкори кайтимлигига ҳисобланади. Одатда, бундай туркум корхоналарга бир неча киши раҳбарлик килади. Тез усувчи корхоналар йирик инвестиция манбаларига тез якинлаша оладилар ва бунинг натижасини кенг бозорда янги товарлар ва хизматларини киритиш имконига эга бўладилар.

Бундай турдаги корхоналарни хар йили АҚШда чоп этиладиган “Инк” журналида эълон килишади. 1990 йили 500та шундай компаниянинг йиллик обороти 9,6 млрд. долларга тенг булди ва 56,8 минг иш жойи хосил килди. 1990 йилда бу руйхатда “Конжентрикс” фирмаси пешкадамлик эгаллаб, унинг асосий фаолияти “Шарлотта” шахрида (шим. Королина штати) электростанцияларни куриш ва таъминлаш бўлган. Маълум йилларда ушбу руйхатда “Чарлз Шваб” ва “Микрософт” корпорациялари карвонбошилик килганлар. Хозирги пайтда ушбу корпорациялар юксак ривожланган корпорациялар сафига киради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик уз куллами жихатдан иктисодиетни узлуксизлигини ва барқарорлигини таъминлашда катта урин эгаллайди. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иктисодиётга таъсир кулами бир катор иктисодий, ижтимоий, маданий, маърифий ва жихатларни уз ичига олади. Биз факатгина иктисодий жихатдан мухим бўлган хусусиятлар хусусида тухталамиз. Булар куйидагилардир:

а) иш жойларини ташкил этишдаги мавкенинг юксалиши. Утган 10 йил мобайнида АҚШ кичик бизнес буйича бошкармасининг ахборотига кўра янги иш жойларининг ярмидан купи 100 кишидан кам ходим ишлаетган корхоналар хиссасига тугри келади. Тез усувчи фирмалар янги фирмаларнинг 27 фоизи ташкил этиб улар 60 фоиз янги иш жойларини хосил килиишда катнашмокдалар. Шу билан бирга кичик бизнес хосил қилинган иш жойларининг:

- иш хакига Кўшимча тўловлар, имтиезларнинг бир мунча пастлиги;
- иш жойларини қарийиб 25 фоизи нотулик иш куни тартибида шаклланади;
- уларда ишловчилар таркибининг турли-туманлиги яъни маълумот дастлаб ишламаганлар, ёш жихатдан урта ёшлар ва урта ёшдан утганлар салмогини куплиги билан ажралиб туради.

б) янги товарлар ва хизматларни тадбик килиш. АҚШ миллий фондининг хисобларига кўра 98 фоиз янги махсулот хусусидаги таджикотлар кичик бизнесда яратилган. Бу ута муҳим кўрсаткичдир. Энг йирик кашфиётлар: хавфсиз устаралар, электрон соатлар, верталётлар, зангламас пулат ва бошка товарлар кулами бевосита кичик бизнесда яратилган.

в) йирик коорпорациялар эҳтиёжини кондириш. Йирик компаниялар махсулотини сотиш, уни бозор талаблари асосида шаклланишига кумак беришда кичик корхоналарнинг роли юқоридир. Уз навбатида йирик ривожланувчи фирмалар уз иқтисодий стратегияларида майда таъминотчилар билан алоқа урнатишни самарали хисоблайдилар. Чунки улар мослашувчанлик хусусиятига эгадир.

г) махсус товарлар ва хизматлар билан тамишлаш вазифаси. Кичик корхоналар миждозларнинг узгача махсус эҳтиёжларини кондиришга етакчи урин эгалайдилар. Чунки 1-дан, махсус талабнинг оммавий тусга эга эмаслиги ва унинг йирик ишлаб чиқаришда ташкил этиш самарали булмаслиги сабаб булса, 2-дан эса, бой харидорларнинг “узига хос” истакларини мавжудлигидир.

Кичик бизнесни ташкил этишда муҳим урини фирмани барпо этиш ва уни самарали сохасини аниқ белгилаш эгалайди. Шу билан бирга статистика янги ишни бошлашдаги куп омадсизликдан далолат беради. Купчилик уни 30% микдорда дейди, чунки 85% янги корхоналар 10 йилик дастлабки ишлаш давридаёқ инкирозга учрайдилар. Шу билан бирга кайд этилган кичик фирмаларнинг 40% 5 йилдан сунг уз ишларини давом жэтирмоқдалар.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига бир катор омиллар таъсир кўрсатади. Булар куйидагилардир.

1) Корхоналарни йириклашуви тенденциясининг пасайиши. АҚШда якин 15-20 йил ичида корхоналарнинг йириклашуви тенденцияси пасаяди. Бу асосан, хизмат кўрсатиш сохасидаги силжишлар билан боглик. Албатта, бу хизмат кўрсатиш сохасида фаолият масштабини унча кенгайтириш имкони пастлиги билан белгиланади. Хозирги пайтда хизмат кўрсатиш сохасидаги кичик корхоналар йирик рақобатчиларга нисбатан айрим юмушларини самарали ташкил кила олмоқдалар. Бу биринчи навбатда бошқариш тизимининг соддалиги ва ихчамлиги билан богликдир.

2) Аёллар иш кучининг иқтисодга кириб келиши. 80-йилларнинг узигагина 2 млн. Аёллар уз иш жойларини очдилар. Хозир АҚШ да 4-5 корхона аёлларга тегишли бўлиб, улар мамлакатдаги жаъми кичик корхоналарнинг 30 фоизини ташкил этади. Бу тенденция давом этса.ю 2000 йилга бориб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёллар ва эркаклар сони тенглашади.

3) Йирик ишлаб чиқаришда ходимларни кискариши. Бу айрим жихатдан демографик омиллар билан боглик. Жумладан “демографик портлаш” даврида тугилганлар хозирги 30-40 ешга, яъни уз ишини мустакил бошлаш вақтига етдилар. Бундан ташқари, йирик корхоналарда иш урни учун кўраш, бутун ходимларнинг кискарилиши

бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

4) Янги корхоналар очиш суръатининг ортиши. АҚШда хар йили уртача 200 мингга якин аҳоли узининг фирмасини очади. Уларнинг ярмидан купи 20 минг доллардан кам оборот билан уз фаолиятларини бошлайдилар. Уларнинг кариб 75 фоизини уз фирмаларида 50 соат ишлайдилар, 25 фоизи эса, 70 соат ва ундан ортик ишлайдилар. Кариб 2/3 кисми янги бизнесни бошловчилар янги ёки бошлатган компаниялар ҳисобланадилар. Яъни, улар амалда ишлаётган корхоналарни сотиб олмаганлигидан узлари хусусий бизнесни бошлайдилар. Уларнинг 80 фоизидан ортиги уз ишларини ута самарали гоёни эмас балки оддий ишларни тартъибли хал килиш билан бошлайдилар.

Демак, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига таъсир этувчи омилларни умумийлаштирсак, улар куйидагилардан иборат:

- корхоналар йириклашуви тенденциясининг пасайиши;
- аёллар иш кучининг иқтисодиётга кириб келиши;
- йирик ишлаб чиқаришда ходимларнинг кисқариши;
- янги корхоналарни очиш суръатининг ортиши ва бошқалардир.

### **1.3. Тадбиркорлик тушунчаси, моҳияти ва уни ривожлантириш учун шарт- шароитлар.**

Тадбиркорлик бозор иқтисодиетига хос иқтисодий фаолиятдир. Бошқача айтганда, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш буйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятдир. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида тадбиркорликка куйидагича таъриф берилган: “Тадбиркорлик-мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир”.

Тадбиркорликнинг моҳияти куйидагилар оркали янада ойдинлашади:

Биринчидан, тадбиркорликнинг субъекти ким бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги Қонунга мувофиқ балогат ешига етган хар бир фуқаро уз мулки асосида ёки мулк эгасининг ваколоти асосида уз ихтиер этган Қонунга зид булмаган фаолият тури билан шугулланиши мумкин.

Иккинчидан, юқоридаги таърифда тадбиркорликнинг яна бир томони мазмуни ифода этилган бўлиб, у мазмунан бой, хилма хил куринишига эга. Тадбиркорлик фаолиятини танлаш, уни ташкил этиш ва ривожлантириш

мохият жихатидан давлат, жамият ахамиятига молик иш булмасдан, балки эркин танланадиган фаолиятдир.

Тадбиркорлик фаолиятининг уч тури ва унга мос равишда тадбиркорларнинг 3 гуруҳини алоҳида кўрсатиш мумкин:

1) янги товар ёки хизмат лойихасини ташкил этиш. Тадбиркорликнинг бу тури билан интеллектуал мулк эгалари инновация тадбиркорлари шугулланади.

2) товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан шугулланувчи тадбиркорлар.

3) товарни сотиш, қайта сотиш ва тижорат ишларини ташкил этиш билан шугулланувчи тадбиркорлар.

Учинчидан, мақсад жихатидан тадбиркорликнинг икки турини:

а) фойда олишни, иқтисодий самарага эришишни мақсад қилган;

б) ижтимоий самарага (масалан, табиат муҳофазаси, ёш авлод тарбияси, соғлиқни сақлаш) эришишни мақсад қилган турларини ажратиш мумкин.

Тадбиркорларга хос хусусиятлар куйидагилардан иборат:

1. Шугулланаётган соҳа буйича илм, билимга эгаллиги.

2. Таваккалчиликка асосланган қарорлар қабул қилиш буйича ташаббускорлик қобилияти.

3. Иқтисодий жараёнларни чуқур фикрлай олиш.

4. Қонунларга итоаткорлиги.

5. Инновациячиликнинг фаоллиги.

6. Мақсад сари интилувчанлик.

7. Ташкилотчилик.

8. Тежамкор бўлиши.

9. Уз сўзининг устидан чиқиш.

10. Рухий поклик ва ҳалоллиги.

11. Уз жамоаси учун кўрашувчанлик.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун куйидаги шарт-шароитлар талаб этилади:

1. Мулк муносабатларининг уйғунлашуви. Бозор иқтисодиети шароитида мулк муносабатлар уч жихат билан белгиланади: -

■ эгалик қилиш, яъни мулк эгаси сифатида мулкка тула ҳуқумронлик қилиш: сотиш, ижарага бериш, ҳадя этиш;

■ фойдаланиб туриш, яъни мулк эгасининг назорати асосида маълум шарт ва тўлов эвазига мулкдан вақтинча фойдаланиш;

■ оператив тезкор бошқаришни, янги мулк эгасининг назорати остида ресурсларни таксимлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш буйича мулкни бошқариш ҳуқуқини жорий этиш.

2. Тадбиркорларга уз қобилиятини тула намоян этиш учун куйидаги иқтисодий эркинликларнинг берилиши.

■ маҳсулот ассортиментини турларини ава ишлаб чиқариш усулини танлаш эркинлиги;

■ ҳамкорликларни мустақил танлаш;

- маблагларни қонунга зид булмаган сохаларга мустакил сарфлаш эркинлиги ва х.к.;
- 3. Бозорнинг очиклиги, яъни товарлар, сармоялар, маълумотлар, иш кучи, хом аше ҳаракати учун сунъий гоъларнинг йуклиги.
- 4. Бозор инфратузилмасининг мавжудлиги.  
Бунга куйидагилар киради:
  - тижорат банклари;
  - товар, фонд, меҳнат, валюта биржалари;
  - тижорат таваккалчилиги ва мулк суғуртаси;
  - маълумот ва реклама манбалари, оммавий ахборот воситалари, алоқа воситалари;
  - эксперт бюролари, сертификат марказлари, божхоналар, солиқ назорати ташкилотлари, арбитражлар ва х.к.
- 5. Тадбиркорлик учун ҳуқуқуий кафолатнинг мавжудлиги, яъни тадбиркорликни химояловчи Қонунчиликнинг мавжудлиги.
- 6. Янги корхоналарга кадрлар тайёрлаш, кредит олиш, солиқ тулаш, табиий бойликлардан фойдаланиш буйича давлат томонидан берилган имтиёзлар ва х.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўрсатилишича: хусусий тадбиркорлик, кичик ва урта бизнесни ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун макбул шароит яратиш мақсадида;

Кичик тадбиркорлик субъектлари куидагича белгиланган:

- мулк шаклидан катъий назар ишлаб чиқариш, илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш сохаларида 100 нафардан, кичик тадбиркорлик корхоналари бўлиб ҳисобланади;

- мулк шаклидан катъий назар бошқа корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларини сони 100 нафардан ошган тадбиркорлик корхоналари йирик корхоналар ҳисобланадилар.

Ҳозирда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасига хорижий сармояларни олиб кириш учун микрофирмалар, кичик корхоналар ва корхоналар ташкил этилиб, макбул шароитлар яратилмоқда.

## ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР

Корхоналарда давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислохотларнинг етакчи бугини бўлиб, хусусийлаштириш натижасида турли мулкчилик катламлари шаклланди ва уларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги шароитларни яратиш ҳукумат маъсулиятидаги иш ҳисобланади. Унинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар каторига давлатнинг иқтисодий сиёсати, аҳолининг ижтимоий аҳоли, рақобатнинг шаклланиш даражаси, тадбиркорликнинг рақобатлантирилиши ва бошқаларни киритиш мумкин.

Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таввақал Қилиб ва мулкий жавобгарлик асосида амалдаги Қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир.

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Тадбиркорлик, тадбиркор, тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорликнинг моҳияти, банк, бизнес, кредит, инновация, инфратузилма, биржа, таваккалчилик.

## НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗАЛАР УЧУН САВОЛЛАР

1. Тадбиркорлик фаолияти Қандай ривожланиш тарихига эга?
2. Хорижий мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятини узига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Хорижий мамлакатларда (Япония, Франция, АҚШларида) тадбиркорлик фаолиятини қайси шаклини ривожланиши катта ахамиятга эга ва унинг сабаби нимадан иборат?
4. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси ва моҳияти деганда нимани тушунасиз?
5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи омилларни таъкидлаб утинг.
6. Сизнингча, тадбиркорлик фаолиятига яна қандай омиллар таъсири бўлиши мумкин?
7. “Бизнес” ва “тадбиркорлик” сузларининг иқтисодий тушунчаси ва уларнинг фарқи нималардан иборатлигини тушунтириб беринг.
8. Ҳукумат томонидан қандай қабул қилинган Қонунлар ва Президент Фармонлари асосида тадбиркорликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига қандай эътибор берилмоқда?

### Адабиётлар руйхати:

### Асосий адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 16 июн.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида.-Т.: Ўзбекистон 1997.

3. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январ, 20-сон.
4. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003.
5. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Меҳнат, 2000.
6. Еременко А. Разработка бизнес-приложений в Microsoft Business solutions-Alapta иерсии. 3.0/Фелексей Ермененко, Руслан Шашков. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.-503 с.
7. Ходиев Б.Ю., ва бошқалар. Кичик тадбиркорлик асослари(ўқув-амалий Қўлланма)-Т.:ЕХ, ТЕМПУС “Консаудит”, 2004.
8. <http://www.ced.bg/eng/projects/project12/publication/book/pdf>
9. Rambler-<http://www/rambler.ru/>;
10. Yandex- <http://yandex.ru/>;

### **Қўшимча адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасида Қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 21 июн.
2. Кемпбелл К. Венчурный бизнес : новые подходы / Пер. с англ.- М.: Альпина Бизнес Букс, 2004-418 с.
3. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. пособие для вузов/ Под ред. Проф. В.Я.Горфинкеля, проф. В.А Швандара.-2е изд., пререб. И доп.-М.: ЮНИТИ- ДАНА, 2003-283 с
4. <http://www.ced.bg/eng/projects/project12/publication/book.htm>
5. <http://www.unece.org/sme/cjnfrm01.htm>



## **2-Мавзу: Тадбиркорликнинг давлат томонидан Қўллаб-Қувватланиши ва бошқарилиши.**

- 2.1. Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурати.
- 2.2. Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари.
- 2.3. Лицензия бериш соҳасида давлат сиёсати.

### **2.1. Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб -қувватлаш зарурати.**

Ўзбекистонда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштиришнинг давлат дастурида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусийлаштиришдан кейинги даврда корхоналар бир маромда ишлашини таъминлаш чоралари кузда тутилган. Бунинг учун давлат:

- махсус инвестиция фондлари ва банклар тузади;
- хусусийлаштиришдан олинган маблағларга хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлашда фойдаланилади;
- давлатга тегишли акцияларга олинган дивидентларни техника жихатдан қайта курулантириш ва асосий фондларни янгилашга йуналтирилади;
- божхона тўловлари ва солиқларининг айрим турларини пасайтириш еки бекор қилиш, нарх белгилаш ва лицензиялаш хажмларини камайтириш ва шу каби қурунишдаги турли имтиёزلарни белгилайди;
- тадбиркорликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий муҳофазаланишини кафолатлайди.

Давлат тадбиркорлар учун шарт-шароитлар яратишда ҳал қилувчи роль уйнайди. Бугунги кунда бозор иқтисодиети шароитида тадбиркорлик ривожлантириш учун хизмат қилувчи шарт-шароитларни яратилиши керак.

Бу зарур шарт-шароитлар нималардан иборат? Бир неча асосий қоидалар борки, уларга амал қилмоқ керак:

- салмоқли ҳуқуқий ва маъмурий тартибга асосланган бозор иқтисодиетига йуналган сиёсат;
- бошловчи тадбиркорларни уқитиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- маблагдан унчалик катта булмаган янги корхоналар ҳам фойдалана олишини таъминловчи тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк муҳофазасини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида” ги Фармони билан хусусий мулкчилик асосидаги тадбиркорликнинг юзага келиши иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги энг асосий вазифаларидан бири сифатида қайд этилди. Бу вазифани ҳал этиш учун

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. У қонунлар, Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини уз ичига олувчи тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади.

Республика бозор иқтисодиетига утишнинг уз йулини танлаб олди. У иқтисодий ислохатларни утказишнинг 5 асосий коидасига асосланиб, “Давлат бош ислохатчи” эканлигини кўрсатди. Ўзбекистон ҳукумати тадбиркорликни Қўллаб-Қувватлашнинг кудратли йулини қабул килди.

Қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари кўшимча қиймат учун солиқ тулашдан озод қилинганлар.

Халқ истеъмол буюмлари, курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи хусусий корхоналар 2 йил мобайнида даромад солиғидан озод қилинганлар, кейинги 2 йил ичида эса, камайтирилган ставкаларда солиқ тулайдилар.

Қишлоқларда жойлашган кичик корхоналар, ердамчи ишлаб чиқаришлар, хунармандчилик мол-мулкига, кўшимча қиймат, ер, транспорт солиғи, амортизация ажратмалари, Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришга солиқлар ставкаси 50 % камайтирилган.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда 70-йилларнинг урталаридан бошлаб иқтисодий танглик даврида иқтисодий усишнинг янги модели шакллана бошлади. Уни инновацион ёки ахборот-индустриал модель сифатида таърифлаш мумкин. Купчилик фирмалар учун урганиш бўлган ишлаб чиқариш ва маркетинг инфраструктураси сифат жихатидан янги технологиялар, талаб ва таклиф конъюктураси билан алмашдики бу хўжаликнинг юритиш субъектлари уртасидаги ўзаро муносабатларда узгаришларга олиб келди. Иқтисодий усиш самарадорлигини оширишда янги босқич бошланди. У тадбиркорлик саъй-харакатнинг хийла хужумкор типини шарт қилиб куйдики, бу рух товар ишлаб чиқарувчига бозор мувафакияти ва етакчиликини таъминлади. Тадбиркорлик фаолият тури сифатида узини узи тартибга солиб турувчи тизим хусусиятларини эгаллайди.

Бу жараен куйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

1. Бозор иқтисодиети амал килган барча мамалакатларда уз хусусий ишини йулга куйишга кулам жихатидан мислсиз интилиш юзага келди. АҚШда кейинги 20 йил ичида корхоналарнинг умумий микдори деярли 3 баробар, Японияда- тахминан 2 марта купайди. Италияда эса, хар йили 300 мингга якин янги корхона пайдо буларди.

2. Тадбиркор жамиятининг ижтимоий таркибида мухим урин эгаллаб, “замонасининг янги кахрамони” га айланди.

3. Барча даражаларда турли хил маъмурий-қонунчилик чекловларини бекор килиш натижасида тадбиркорликнинг хўжалик эркинлиги даражаси кескин ошди.

4. Тадбиркорлик билан шугулланиш учун сифат жихатидан бошкча шарт-шароитлар такиб топди: венчур маблаг бозори тез усди, молия

муассасаларини диверсификациялаш ва аҳолининг молия маблағларини жалб этиш имконлари кенгайди. Фукаралар ва ташкилотларнинг бизнесдаги ахборотларга етишиши яхшиланди (инкубаторлар, инновацион парклар, рюндер марказлари ва шу кабилар).

Ўзбекистон хусусийлаштиришдан олинган барча маблағлар бюджетга эмас, балки хусусийлаштирилган корхоналарни Қўллаб-Қувватлашга, тадбиркорлик ва бозор таркибларини ривожлантиришга йуналлтириладиган ягона давлатдир.

Халқаро ташкилотлар (Жахон банки, БМТ-ЮНИДО) томонидан қайд қилинишича корхоналар ва тадбиркорлик фаолиятини хусусийлаштиришдан кейинги қўллаб-қувватланишнинг Ўзбекистонда амал қилинаётган тизими МДХ мамлакатлари орасида ухшашига эга эмас.

Хусусийлаштириш ва давлат тассаруфидан чиқаришнинг давлат дастуридан ташқари Ўзбекистонда халқ хўжалигининг барча тармоқларида шу жумладан, Қишлоқ хўжалигида алоҳида, тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. 1994 йили Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрини камраб олувчи минтақавий дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошлади.

Солиқ солиш соҳасидаги қонунларни такомиллаштириш борасида ишлар чуқур уйлаб олиб борилади. Мутахассисларнинг баҳолашича Ўзбекистондаги солиқ тизими собиқ итифокнинг барча республикаларидагидан, Европадаги купгина мамлакатлар ва АҚШдагидан кўра прогрессивроқдир.

Бундан ташқари, хусусий корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, махсулот чиқаришни купайтириш, солиқ олинмаган маблағларни ижтимоий эҳтиёжларга йуналлатириш мақсадида даромаддан олинадиган солиқ буйича имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Иш бошлаган дастлабки икки йил ичида хусусий корхоналар мулкга солинадиган солиқлардан, 1995 йилдан бошлаб эса, барча корхоналар 20 % лик амортизация ажратмалари тулашдан озод қилиндилар.

Хусусий мулк шаклида хусусийлаштирилган корхоналар (Маҳаллий саноат, маиший хизмат, давлат савдоси, умумий овақатланиш, матлубот корпорацияси, “Ўзмева сабзавотузум саноат”) ордер олган вақтларидан бошлаб дастлаб 2 йил ичида мулк солиғи, ресурс тўловлари, 20 фоизли амортизация ажратмаларини тулашдан озод қилинганлар.

Халқ истеъмоли буюмлари ва қишлоқ хўжалик махсулотлари ишлаб чиқариш буйича янгидан ташкил этилаётган хусусий корхоналар купгина солиқлардан озод этилган, бошқа чет эл давлатлари билан қиёсланса, уларнинг солиқ юки анча енгил. Чунончи, Германия, Франция, АҚШ ва бозор иқтисодиети ривожланган бошқа мамлакатларда Туркия ва ҳатто уша Россияда ҳам хусусий корхоналар учун солиқ юкининг тушумининг 40 фоизидан 60 фоизгача бўлган қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни кузда тутди.

Республика иқтисодиётининг жадал эркинлаштирилиши хусусий тармоқни ривожлантиришни рағбатлантириш, иқтисодиётда унинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш учун асос яратади.

Шулар қаторида янги қонуний ва меъёрий –ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши, жумладан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида, иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича асосий устиворликларнинг тизимли асосда асалга оширилишини таъминлаш имконини беради.

## **2.2. Кичик тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари.**

Вазирлар маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон республикасида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожланишни қўллаб -қувватлашнинг давлат дастури” (1995 йил 28 август № 334 -сонли қарори) қабул қилиниши билан Ўзбекистонда тadbиркорликни ривожлантиришда янги босқич бошланди.

Кичик тadbиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий мақсади унинг самарали ушшини таъминлайдиган инфратузилмасини шакллантириш учун умумий қулай иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратишдир.

Кичик тadbиркорнинг хусусияти йирик индустриал ишлаб чиқариш учун инкироз даврида унинг устиворлиги ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибаси шундан гувоҳ берадики, узок давом этадиган иқтисодий инкироз муҳитида асосан ишлаб чиқарадиган майда корхоналар йирик корхоналарга нисбатан камроқ жабрланади, хаттоки бозорда уз мавқеини мустаҳкамлайди.

Кичик ва хусусий тadbиркорликни қўллаб- қувватлаш дастурларига 1995 йил 21 декабрда “Кичик ва хусусий тadbиркорликни рағбатлантириш тўғрисида” Қонуни, 1995 йил 5 январдаги “Хусусий тadbиркорликда ташаббускорлик ва уни рағбатлантириш тўғрисидаги” Фармонларини, 1995 йил 26 июлдаги “Хусусий тadbиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб -

қувватлаш фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорларини киртиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ташкил этилган кичик бизнесни ривожлантиришга кумаклашиш жамгармаси ва савдо саноат палатаси энг мухим молиявий восита ҳисобланади. Жамгарма бюджетидан ажратилган, давлат ва муниципал мол-мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағларда уз фаолиятдан келган даромадлардан хусусий ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, кимматбаҳо коғозлар чиқариш ва жойлаштиришдан тушган даромадлардан иборат пул маблағларини жамлаш йули билан кичик тадбиркорликни қўллаб -увватлаш ривожлантиришга қаратилган дастурлар, лойихалар ва тадбирларни маблағ билан таъминлайди.

Бизнес-фонднинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:

■ устувор йуналишларда кичик бизнесни қўллаб -қувватлаш йули билан бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожлантириб бориш мобайнида давлат сиёсатини утказишга кумаклашиш;

■ кичик бизнеснинг бозор инфраструктурасини вужудга келтиришга кумаклашувчи инфраструктура элементлари (банк, ахборот, суғурта, лизинг ва бошкалар)ни шакллантириш;

■ кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш учун уз маблағларини ажратиш ва чет эл инвестицияларни жалб этиш масалаларида халқаро молия ва жамоат ташкилотлари ҳамда жамгармалари, корпорациялари, агентликлари, ваколатхоналари, идоралари, хусусий , ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тадбиркорлик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлашдан иборатдир.

Бизнеснинг асосий вазибалари:

■ кичик тадбиркорлик тузилмаларига республика товар бозорларини тулдириш, четдан келтириладиган товарлар урнини босиш ва четга чиқариладиган товарлар урнини кенгайтириш, янги иш уринларини барпо этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш;

■ кичик тадбиркорлик тузилмалари инновация фаолиятини қўллаб қувватлаш, рақобатга бардошли тайёр махсулотнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

■ Ўзбекистон Республикасида маълумотлар банкини вужудга келтириш ва бизнесни ташкил этиб, ривожлантириш борасида ахборот ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш;

■ кичик бизнеснинг камёб халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ва хизматларни кенгайтиришга қаратилган лойихалари ҳамда, дастурлари учун молиявий маблағлар ажратишдан иборат .

Бизнес фонд билан бевосита ҳамкорликда “Мадад” суғурта агентлиги иш олиб боради, у хар бир валютада уз буюмларига эга бўлади. Давлат унинг ҳам муассасаси бўлиб, кичик ва урта корхоналарнинг фаолиятини кредитлаш билан боглик каттагина хатарнинг молиявий таъминотини уз зиммасига олди.

“Мадад” суғурта агентлиги:

-кичик бизнеснинг дастурлари ва лойихаларини эксперт баҳолаш ва танлаб олишни ҳамда уларни рўйхга чиқариш учун молиявий маблағлар ажратилиши мақсадларини қўллаб халқаро молиявий ташкилотлар билан ишлаб чиқиш;

-тадбиркорлик тузилмалари Бизнес фонддан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиши устидан назорат механизмини ишлаб чиқишни амалга оширади;

-буюртманинг фонд дастурий йуругига мувофиқ, даражасини;

-лойиханинг долзарблиги, ноёблиги, реаллиги, рақобатга бардошлиги, лойиханинг минтака манфаатларига мувофиқ, лойиха бюджети ва графиги (хаётий цикли) мукамаллиги лойиханинг молиявий асосланганлигини белгилайди;

-лойихаларни амалга ошириш билан боғлиқ таввақалчиликни суғурталайди.

Шуни таъкидлаш керакки, суғурталаш соҳасида давлатнинг яққа ҳокимлиги тугатилди ва Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорида бугун 24 та суғурта компанияси иш олиб бормоқда.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

-қонуний-ҳуқуқий таъминот;

-ташкилий таъминот;

-тадбиркорликни ривожлантириш учун моддий-техникавий шароит яратиш;

-молиявий кредит таъминоти;

-тадбиркорликни суғурта билан таъминлаш;

-тадбиркорлик шўъбасини кадрлар билан таъминлаш;

-ТИФ ишини иқтисодий Қўллаб-Қувватлаш;

-ахборот маслаҳат таъминоти;

-тадбиркорликни ижтимоий-руҳий жихатдан таъминоти ва бошқалар.

Ўзбекистонда давлатни иқтисодий сиёсатида кичик тадбиркорлик корхоналарини қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалда реализация қилинмоқда:

■ Республика кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилган бўлиб, молиявий ёрдам кичик корхоналарга давлат, жамоа, ташкилотлар, юридик ва ажнабий шахсларни ихтиёрий тулайдиган йигимлари ҳисобидан қўллаб-қувватланмоқда;

■ 1991 йилдан бошлаб кичик корхоналар биринчи йили оладиган фойдасидан 25 фоиз тўлов белгиланди, иккинчи йили олинадиган фойдадан 50 фоизи солиқ сифатида туланадиган бўлди;

■ дастлабки икки йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ва бу маҳсулотларни қайта ишлайдиган, кенг халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқарувчи, қурилиш, таъмирлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи, янгиликларни тадбиқ этувчи кичик корхоналар бюджетга солиқ тулашдан озод этилган;

- уз фойдаларини курилишга, корхонани қайтадан реконструкция қилиш, асосий фондларни янгилаб боришга, янги техникани, технологияни, ишловчиларни малакасини оширишга сарфлайдиган кичик корхоналардан солиқ солинмайди;
- кичик корхоналарда пенсионерлар қариллиги ва ногиронлиги бўйича ишлаётганларни 50 фоизини ташкил қилган тақдирда олдинги фойдадан давлат бюджетига туланадиган солиқ 30 фоизга камайтирилгандир;
- кичик корхоналарда ишловчи қарилар ва ногирон пенсионерлар умумий ишловчиларни 30 фоиздан то 50 фоизгача ташкил этса, фойдадан олинадиган солиқ 20 фоизга камайтирилади;
- Қонунда кўрсатилган кичик корхона мустақил узи хўжалик фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга, уз-узини молиялаштиради, узини бошқаради, уз Уставида кўрсатилган қонунлар доирасида иш олиб боради;
- кичик корхоналар юридик шахс сифатида корхоналар билан шу жумладан хориж фирмалари билан ҳам турли шартномалар тузиш ҳуқуқига эга;
- кичик корхона номидан директор белгиланган режа асосида фирмани истикболи учун зарур фаолият турларини баҳолаш мажбуриятини олади, молиявий натижалар бўйича бухгалтерия ҳисоботларини тузиб беради;
- кичик корхоналар уз маблағларини узи пул, моддий тушумлар, корхона, ташкилотларга маҳсулот сотишдан келиб тушган маблағ, акцияларни сотишдан, бошқа қимматли қозғаларни сотишдан келган маблағлар, кичик корхона мулкни шакллантиришда шартнома бўйича турли корхоналар пул, моддий шаклда бадал утқишиш фуқаролар, ишловчилар ҳам пул утқишишлари мумкин;
- кичик корхонани ташкил этувчи ташкилот фирмани оладиган фойдасидан таъсисчига утқиладиган нормани белгилайди, кичик корхона бюджет ва таъсисчи билан ҳисоб- китоб қилиб бўлгандан сунг кичик корхонани уз фойдаси ташкил топиб, бу фойда корхона Низоми бўйича тақсимланади.

кўра (даромад, яшаш жойи ва шароити, оила таркиби, жинси, ёши, машгулоти ва бошқалар) даражалаб турларга бўлиш услубини ишлаб чиккан. Шу билан бирга истеъмолчилар хатти- харакатини психографика асосида таҳлил қилиниши (кизикишлари- хобби, янгиликларга прогрессив ва консерватив карашлари, хаётий мужизалар тўғрисидаги фикрлари ва бошқалар) оркали, уларни эмперик турларга ажратиш кенг ривожланмокда. Натижада истеъмолчилар, ижтимоий- иқтисодий ва демографик ухшашларига караб “Модани курувчилар”, “программачилар”, “нафосатшунослар”, “техникасеварлар” ва бошқаларга булинади.

Бозорларни сегментлашда услубий ва ахборот туплаш хамда турларга бўлиш асоси бўлиб ПАНЕЛЛИ урганиш ҳисобланади. Истеъмолчилар панелли- олдиндан тайёрланган дастур асосида доимо кузатиб бориладиган танлама истеъмолчилар гурухи (оилалар) ёки Қишлоқ, махалла, овул, туман ва шаҳар бўлиши мумкин.

Иқтисодиёти ривожланган мамлкатларда истеъмолчиларнинг маданий савияси юкорилашиб борган сари, уларнинг уз ҳуқуқларини бозорда химоя қилишлари учун кўраш хам кучайиб бормокда. “Консьмеризм”- деб аталувчи ана шундай иттифоклар 60- йилларда вужудга келди. Улар бозорда пайдо бўлиб қолаётган, текширилмаган дорилар, сабзавот, полиз экинлари ва хоказоларга карши кўрашмокдалар. Хозир истеъмолчилар ҳуқуқини химоялаш кўраши кенг ривожланган. Уларнинг талаблари билан истеъмолчиларга аталган журналлар, реклама, маслахатлар, товарларни экспертиза қилиш ва сифатсиз махсулот ишлаб чиқарувчиларни жавобгар қилишгача бўлган тадбирлар амалга оширилмокда.

Ана шу харакат катнашчилари талаби ва таъсири натижасида 1985 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ассамблеяси “Истеъмолчиларни химоя қилишга оид куйидаги раҳбарлик талабларини” ишлаб чикдилар:

■ зарарли товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга миллий ва халқаро миқёсда карши кўрашишда мамлакатларга ёрдам бериш;

■ истеъмолчиларга бозорда паст нархлар билан куп миқдорда товар таклиф этиш шароитлари яратилишини рағбатлантириш;

■ товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар орасида истеъмолчиларга юкори даражада эстетик (нафосатли) муносабатда булувчиларниалохида сийлаш.

Бу талаблар истеъмолчилар саломатлигини вва хавфсизлигини химоя қилишга каратилган. Хозир истеъмолчилар Иттифокининг халқаро ташкилоти мавжуд. Унга 70 давлат аъзо бўлган.

Ўзбекистонда хам истеъмолчилар ҳуқуқини химоя қилиш буйича Қонун лойихаси ишлаб чикилди ва муҳокамага куйилди.

#### 5.4. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда маркетинг фаолиятини ташкил этиш.<sup>7</sup>

Маркетинг ташкил этиш деганда унинг вазифаларини бажарувчи таркибий булинмаларининг тузилиши ва уларнинг ўзаро маъсулиятларини ҳамда боғлиқликларини ифодаловчи тизимни яратиш тушунилади. Бундай тизим оддий фирмадан тортиб бозорда иштирок этаётган барча субъектлар, давлат ёки нодавлат, тижорат ёки нотижорат, туман, шаҳар, вилоят ва республика микесида фаолият кўрсатаётган муассаса ва ташкилотларда тузилган маркетинг хизматларини уз ичига олади.

Маркетинг хизмати вазифалари унинг узига хос тамойиллари асосида келиб чиқади. Бунга куйидагилар киради: корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва бозор ҳақидаги ахборотларни туплаш ва таҳлил қилиш, корxonанинг маҳсулот ишлаб чиқариш савдо ва хўжалик фаолиятини реклама қилиш, молиявий ва бошқа жихатлари буйича манфаатларга мос Қарор Қабул қилиш учун зарур ҳисоб- китоб кўрсаткичларини тайёрлаш; талаб шаклланишини фаоллаштириш ва сотишни тезлаштириш

Маркетинг хизмати корхоналарда иқтисодий аҳвол узгариб бораётган бозордаги истеъмолчиларнинг талаби билан корхона ишлаб чиқариши савдо ва хўжалик фаолияти муносабатларини мувофиқлаштириш учун ташкил қилинади.

Маркетинг хизмати бу бозор иқтисодиетига утиш шароитида корхона бошқаруви учун етишмай турган шундай бир фаолияти турики, у ишлаб чиқариш молия, савдо, хўжалик, технологик кадрлар масаласи ва бошқа соҳаларда бозор захираларини кондириш ва фойда олишга асосланган йуналишлар жараенини яратади.

Бозор шароитида харидорга бўлган эътибор катта аҳамиятга эга бўлиб, маркетингнинг устунларидан бири ҳисобланади. Маркетинг фаолияти мураккаб жараёндир.

Корхона (фирма, бирлашма, ва х.к.лар) бозорда уз урнини эгаллаб, уни мустаҳкамлашга, маҳсулотининг рақобатбардош ва харидогир бўлишини ҳамда олаётган даромадининг ҳажми ошишини мақсад Қилиб қуйган булса, маркетинг фаолияти доим тугри ва сифатли олиб борилиши лозим.

Корхонада маркетингнинг асосий мақсади Берилган вақт чегарасида ва фаолияти маблаглар билан таъминланиши доирасида рентабелликни таъминлаш ва белгиланган хўжалик ҳисобидаги фойдани олишдан иборат.

Маркетингни ташкил этишда икки жихат муҳим: мақсадлар ва маркетинг хизмати мақоми эътиборга олинади.

Мақсадни танлаш. Купгина раҳбарлар ҳозирги пайтда уз корхоналарининг асосий мақсади сифатида энг юкори фойда олишни кўрсатадилар. Лекин бу танлов унчалик мақбул эмас. Айталиқ, агар корхона

<sup>7</sup> 1068. Корхонада маркетинг фаолиятини такомиллаштириш. БМИ ва МДлар буйича тайрланган 15 минг мавзулардан. –Т.: ТДИУ, 2005.



узок келажакни кузлаб иш юритаётган булса (маркетинг фаолияти айнан маблагни НИОКРга, асосий сармоёга, ишлаб чиқариш тайёрлигига ва кадрлар малакасини оширишга сарфлаши керак. Бу тадбирларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш харажатларини купайтиради ва фойданинг камайишига олиб келади. Катта фойда олиш ҳақида ҳам, яқин келажакда фойдани купайтириш ҳақида ҳам хашиша гапиравермаслик керак. Масалан, агар корхона янги бозорга кириб бормокчи булса, аввал бошда ҳеч Қандай фойда олмаслиги, аксинча, купинча ҳатто зарарига ишлаши мумкин. бундан ташқари, купгина мамлакатларда Қабул Қилинган фойдага қараб солиқнинг ортиб бориши корхонага режалаб куйилганидан ортикча фойда олиш мабул эмаслигини исботлайди. Япониядаги машхур “Мацусита Денки” фирмасининг асосчиси Коносукэ Мацуситанинг фикрича, фақат унчалик юқори эмас, унчалик кам ҳам эмас, балки оқилона миқдорда фойда олгандагина корхона уз фаолиятини кенгайтириши мумкин.

Маркетинг ташкил этишга киришган корxonанинг мақсадлари Қандай бўлиши керак? Маркетингнинг тан олинган пешкадамлари булмиш японлар тажрибасидан келиб чиқадиган булсак, асосий мақсадлар (афзаллиги тартибига қараб) куйидагилардан иборат:

- сотиш ҳажми
- усиш саръатлари (сотув ёки фойда ҳажми);
- бозордаги хиссаси;
- режаданган фойда, бу фойданинг ҳажми, фойданинг сотув ҳажмига нисбати, барча сармоёга фойда меъёри, фойданинг хиссадорлик сармоёсига нисбати ва бошқаларда акс этиши мумкин;
- сармоёнинг таркиби, яъни фаолларнинг умумий суммасига ёрдам шаклидаги сармоёнинг нисбати (бу Японияда тахминан 20% га тенг).

Бу руйхатни бошқа турлича мақсадлар билан ҳам тулдириш мумкин. Масалан, махсулот сифатини ошириш, харажатларни камайитириш ва шу қабилар.

Мақсадларни ишлаб чиқишда улар корхона ходимларининг нийятларини акс эттириши зарурлигига алоҳида эътибор бериш керак. Акс холда ишловчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнидан “ички узилиш” руй беради. Хар бир япон ишчиси узи ишлайтган фирманинг вазифаларини осонгина айтиб бера олади, чунки бу вазифаларнинг бажарилишидан у ниҳоятда манфаатдор.

Шуни англаш мумкинки. Корхонада маркетингнинг чинакамига жорий қилиниши учун унда тегишли хизматни тузишнинг узи етарли эмас.

Маркетинг булими диққат марказига махсулотнинг пировард истеъмолчилари билан боғлиқ барча муаммолар тушади. Бу пайтда бошқа булинмалар уз эътиборини турли жузъий вазифаларга қаратган бўлади. шунинг учун ҳам маркетинг булими буиун фаолиятни мувофиқлаштириб туришини тан олиш мутлақо табиийдир. У ишлаб чиқариш жараёнида етакчи бўлиши учун унинг мақомини бошқа булинмалар ичида энг юқори Қилиб белгилаш лозим.

Корхона (фирма, бирлашма ва хоказолар) бозорда уз урнини эгаллаб, уни мустахкамлашга, махсулотнинг рақобатбардош ва харидоргир бўлишини ҳамда олаётган даромадининг хажми ошишини мақсад Қилиб куйган булса, маркетинг фаолияти доим тугри ва сифатли олиб борилиши лозим.

## ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР

Маркетинг- мухтожлик ва эхтиёжни айирбошлаш оркали кондиришга каратилган инсон фаолиятининг туридир.

Маркетинг фирмани узок муддатли, юкори даражани фойда олиши ниятида факат истеъмолчига каратилган мақсадли ишлаб чикариш ва сотиш фаолияти ҳисобланади.

Бозорни урганиш, билиш ва ишлаб чикаришни бошкариш бугунги кунга келиб, хар бир тадбиркорнинг энг асосий вазифалардан бири бўлиб колмокда. Мамлакатимиз бозор иктисодиетига утиши муносабати билан тадбиркорликка кенг йул очиб берилганлиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган куплаб фирма ва корхоналар учун, ишлаб чикаришни бошкариш, махсулотни сотиш йулларини, мақсад ва вазифаларини маркетинг асосида ташкил этиши учун шароитлар яратилди.

Маркетинг вужудга келишининг асосий сабабларидан бири, бу ишлаб чикаришнинг кулами ва хажмининг ортиб бориши, янги тармоқларнинг вужудга келиши, товар турларининг купайиши ва тадбиркорлар уртасида махсулотни сотиш муаммосининг вужудга келишидир.

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Маркетинг, бозор сегментацияси, бозор, инновация, талаб, режалаштириш, таклиф, маркетинг стратегияси, мухтожлик, маркетинг мухити, эхтиёж, нарх, маркетингни ташкил этиш, маркетинг хизмати

## ***НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ:***

1. Маркетинг тушунчасини мазмуни нимадан иборат?
2. Маркетинг тушунчасини тадбиркорлик тушунчаси билан богликлиги ва фарки нимадан иборат?
3. Маркетингни мақсади нимадан иборат?
4. Маркетингнинг асосий тамойилларини мазмунини айтиб беринг.
5. Корхоналарда маркетинг фаолияти қандай ташкил этилади?
6. Маркетинг тадқиқотлари қандай ташкил этилади?
7. Маркетинг концепциясини мазмунини тушунтириб беринг.
8. Маркетинг тадқиқотларидан дала тадқиқотлари услубини тушунтириб беринг.

## **Адабиётлар руйхати**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 15 июн.
2. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январ, 20-сон.
3. З. Иванов Л.Н., Иванов А.Л., Методы принятия решений бизнес-плана.-М.: Приор- издат, 2004.
4. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003.
5. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Меҳнат, 2000.
6. Еременко А. Разработка бизнес-приложений в Microsoft Business solutions-Alapta иерсии. 3.0/Фелексей Ермененко, Руслан Шашков. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.-503 с.
7. Ходиев Б.Ю., ва бошқалар. Кичик тадбиркорлик асослари(ўқув-амалий Қўлланма)-Т.:ЕҲ. ТЕМПУС “Консаудит”, 2004.
- 8.Rambler-http ://www/rambler, ru/;
9. www. gov. uz.

### **Қўшимча адабиётлар рўйхати**

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 16 июн.
14. Рубин Ю.Б. Теория и практика предпринимательское конкуренции –М.: ООО Марлет Дс корпорейшен, 2004.
15. Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л., Малое предпринимательство: учебник.-М.: ИНФРА –М., 2004.
16. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. пособие для вузов/ Под ред. Проф. В.Я.Горфинкеля, проф. В.А Швандара.-2е изд., пререб. И доп.-М.: ЮНИТИ- ДАНА, 2003-283 с
17. [www.ziyo.edu.uz](http://www.ziyo.edu.uz)
18. www.edu.uz.

## **6-мавзу Тадбиркорлик фаолиятини таҳлил этиш**

- 6.1. Фаолият натижалари таҳлили
- 6.2. Ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили.
- 6.3. Фойда - тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади.
- 6.4. Рақобат ютуғи таҳлили.

### **6.1. Фаолият натижалари таҳлили.**

Тадбиркорлик фаолияти натижалари систематик ва комплекс таҳлил килинади. Систематик таҳлилда доимо узғариб турувчи бозор муҳитини таҳлил килишдан, корхонани фойдадор ва рақобат қобил килишни таъминлаш учун таҳлил килинади.

Хар қандай корхона узини катта кичиклигига, фаолият йуналишига фойдадор ёки зарар қиувчи эканлигидан қатъий назар бозор муҳити билан ўзаро ҳаракат қиувчи мураккаб тизимдир. Корхона фаолиятини биргина кўрсаткич билан, яъни масалан фойда кўрсаткичи билан ифодалаш мумкин эмас. У кўрсаткичлар тизимига асосланади. Бундай кўрсаткичларга- фойда, сотилган маҳсулот ҳажми ёки кўрсатилган хизмат ҳажми, моддий харажатлар, меҳнат ҳақи фонди, ишчилар сони ва хоказолар, яъни корхона фаолиятини охириги натижаларини характерловчи кўрсаткичлар қиради.

Корхона фаолиятини баҳолашни энг оддий усули ҳақиқий кўрсаткичларни режа (норматив) кўрсаткичларига солиштириш бўлиб ҳисобланади.

Корхона фаолияти самарадорлигини баҳолашни мураккаб услуби эса охириги фаолият натижаларини ўзаро алоқаларини, харажатлар билан ресурсларни, шунингдек турли омиллар таъсирини баҳолашдан иборат.

Бозор иқтисодиётига утиш муносабати билан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган корхоналарни иш сифатини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш асосий фондлардан фойдаланиш самардорлик даражасини янада ошириш, меҳнат унумдорлигини ҳар тарафлама устириш, келгусида республика аҳолисини озик- овқатга ва бошқа товарларга бўлган талабни янада юксалтиришни қузлаб иқтисодий тежашни қучайтириш соҳасидаги вазифаларни оммавий ҳал қилиш лозим. Бу вазифаларни бажариш учун аввало ҳар бир тадбиркорликни хўжалик фаолиятини атрофлича чуқур таҳлил қилиш асосида ички хўжалик имкониятларидан имкон борица яхшироқ фойдаланишга, қамрок харажат қилиб юқори натижаларга эришишга алоҳида эътибор бериш керак.

Тадбиркорлик амалиётида иккита таҳлил турини фарқлаш мумкин, яъни:

1. Стратегик таҳлил.
2. Оператив таҳлил.

Стратегик таҳлил корхонани қучли ва ожиз томонларини, имкониятларини ва ҳавф- хатарларини аналқлашга йуналтирилгандир.

Стратегик таҳлил асосан корxonани сифат характеристикаларини (тавсифномасини) беради.

Оператив таҳлил корxonани фаолият натижаларини баҳолашга йуналтирилган бўлади. Оператив таҳлил махсулот сифатини таъминлашда ва харажатларни оптималлаштиришда муҳим роль уйнайди, у ресурсларни бошқаришни самарали воситаси бўлиб хизмат килади. Оператив таҳлил ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини барча томон ва жихатларига таалукли бўлиб, куйидагиларни уз ичига олади:

- корxона фаолияти натижаларини таҳлил килиш
- ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили
- махсулот таҳлили

Хар Қандай корxона узини катта кичиклигига, фаолият йуналишига фойдадор ёки зарар курувчи эканлигидан катъий назар бозор мухити билан ўзаро харакат килувчи мураккаб тизимдир. Корxона фаолиятини биргина кўрсаткич билан, яъни масалан, фойда кўрсаткичи билан ифодалаш мумкин эмас. У кўрсаткичлар тизимига асосланади. Бундай кўрсаткичларга- фойда, сотилган махсулот хажми ёки кўрсатилган хизмат хажми, моддий харажатлар, меҳнат хаки фонди, ишчилар сони ва хоказолар, яъни корxона фаолиятини охириги натижаларини характерловчи кўрсаткичлар киради.

Корxона фаолиятини баҳолашни энг оддий усули хакикат кўрсаткичларни режа (норматив) кўрсаткичларига солиштириш билан ҳисобланади.

Корxона фаолиятини самарадорлигини баҳолашни мураккаб услуби эса охириги фаолият натижаларини ўзаро алоқаларини, харажатлар билан ресурсларни, шунингдек турли омиллар таъсирини баҳолашдан иборат.

## **6.2. Ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили**

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичларидан бири ишлаб чиқариш харажатларидир. Чунки ҳеч Қандай харажатларсиз бу фаолиятни амалга ошириб булмайдди. Хар Қандай иқтисодий фаолият учун маълум миқдордаги ресурсларни жалб килишга тугри келади. Уз навбатида бу ресурсларни у еки бу ишга жалб килиш учун уларни сотиб олиш, демак маблаг сарф килиш керак. Ушбу ресурслардан фойдаланиш жараенида уларни харид килиш учун сарфларнинг бир қисми тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш харажатларига айланади. Шундай Қилиб, товарларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараенида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг пулдаги ифодаси корxonанинг ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади.

Хозирги пайтда уларнинг таркибига куйидаги харажатлар киради:

I. Материаллар сарфи. Уларга хом- ашё, ярим фабрикатлар, харид Қилинган махсулотлар, ёкилги ва энергия, бошка корxonалар томонидан бажарилган, ишлаб чиқариш хусусиятига эга ишлар ва хизматлар киради.

II. Табиий бойликлардан фойдаланиш харажатлари

Уларга куйидагилар киради:

1. Ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боглик харажатлар
2. Ердан фойдаланиш харажатлари
3. Лимитлар микиесида сув, ундан сув хўжалигига туланган маблаглар
4. Атроф мухитга ташланган ишлаб чикариш колдиклари учун туланган

маблаглар

III. Асосий активларнинг емирилиши, эскириши

IV. Мехнатга ҳақ тулаш харажатлари. Уларга куйидагилар киради:

1. Ишбай расценкалар, таъриф сеткалари, ойлик окладлар асосида туланган иш хаки

2. Ишлаб чикариш илгорларига йиллик иш якунлари буйича ва бошка мукофотлар

3. Компенсация тўловлари (мехнат таътили хаки, узайтирилган иш куни, бекор туриб колиш)

4. Рағбатлантирувчи тўловлар (турли фахрий унвонлар учун рағбатлантирувчи тўловлар)

V. Суғурта тўловлари (нафақа фондига ажратмалар, бандлик фонди, ижтимоий суғурта)

VI. Жорий таъмирлаш харажатлари

VII. Технологик жараенларни ривожлантириш ва махсулотлар ишлаб чикаришни жорий этишга сарфланган харажатлар

VIII. Киска муддатли омонатлар учун туланган фоизлар

IX. Солиқлар, шу жумладан мулк солиғи, автомобил йулларидан фойдаланиш солиғи, хусусий транспорт воситалари учун туланган солиқлар, ер солиғи ва бошкалар.

X. Бошка харажатлар, яъни хизмат сарфлари, телефон ва алоқа ҳамда шунга ухшаш харажатлар .

Тадбиркорларнинг харажатларини белгиларига кўра турлича тавсифлаш мумкин.

Биринчидан, тадбиркорнинг харажатлари смета буйича уларнинг элементлари ва калькуляция моддаларига караб турларга булинади.

Харажатлар сметаси корхона бюджетини аниклаш ва айланма активларга эхтиёж микдорини режалаш учун тузилади.

Колкуляция моддалари умумлашма, мажмуа куринишига эга бўлиб, уз ичига, хом-ашё ва материалларни, ёкилги ва энергияни табиий бойликлардан фойдаланиши буйича харажатларни, иш хакини, жихозларни саклаш ва улардан фойдаланиш харажатларини, ноишлаб чикариш харажатлари ва бошкаларни уз ичига олади.

Иккинчидан, тадбиркорнинг харажатлари ишлаб чикариш хажмига богликлигига караб шартли-доимий ва шартли-узгарувчан харажатларга булинади.

Ишлаб чикариш хажмининг узгариши билан деярли узгармайдиганг харажатлар шартли доимий, харажатлар дейилади.

Уларга биноларни саклаш, хизмат сафарлари харажатлари, телефон ва алоқа харажатлари, ижара харажатлари, ишлаб чиқариш билан банд булмаган ишчиларга туланган иш хақи ва бошқалар қиради. Ишлаб чиқариш ҳажми ошганда шартли доимий харажатлар миқдори деярли узгармайди, натижада уларнинг даражаси, яъни уртача бир сумлик товарга туғри келадиган харажатлар пасаяди. Ишлаб чиқариш ҳажми камайганда бунинг акси юз беради.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг узғаришига мос равишда узгарувчан харажатлар дейилади. Уларга хом-ашё ва материал, ёқилғи ва энергия, ишлаб чиқариш билан банд ишчиларга туланадиган иш хақи, кредитлар учун туланадиган фоизлар, транспорт харажатлари ва бошқалар қиради.

### **6.3. Фойда - тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади.**

Тадбиркорлик фаолиятини юритишдан кузланадиган асосий мақсад фойда олишдир. Бинобарин фойда тадбиркорлик фаолиятининг якуний кўрсаткичи ҳисобланади. Тадбиркорлар фойдани максималлаштиришга интилади.

Савдо ташкилотлари даромадининг асосий қисми товарларнинг сотиб олиш ва сотиш уртасидаги фарқ ҳисобидан юзага келади. Ҳозирги пайтда нафақат товарлар, балки хом-ашё, материаллар ва жихозлар ҳам савдо корхоналари томонидан эркин айирбошланмоқда. Булардан ташқари даромадлар қуйидаги манбалардан юзага келади:

- ҳамкорликда ташкил этилган корхоналардан тушадиган даромадлар;
- акциялардан олиннадиган дивидендлар ва бошқа қимматбаҳо қозғалардан тушган фойда;
- депозитлар буйича банк фоизлари;
- ижарага берилган мулк учун ижара хақи;
- ҳамкорликдан шартнома шартларини тулик бажармаганлиги учун ундирилган жарималар, товар етказиб бериш муддатини кечиктиргани учун ундирилган жарима, шартномани бажаргани учун ундирилган қопламалар (неустойкалар) йиғиндиси.

Ялпи даромад корхонанинг товар сотиш ҳажмига, сотилган товарларнинг таркиби ва уларда рентабелли товарнинг салмоғига, ҳамкорларнинг шартнома шартларини тулик бажаришига, корхонани фаолият маданияти ва ишбилармонлигига ҳамда қуплаб бошқа омилларга боғлиқ.

Тадбиркорлик фаолиятининг яна бир натижавий кўрсаткичи унинг баланс фойдасидир. Баланс фойда корхона фаолиятининг барча соҳаларида тушган фойда бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- товар-моддий бойликларни сотиш, товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишдан тушган фойда, яъни сотилган товарлар Қийматида унинг сотиб олишга ва сотишга сарфланган маблағларни айириб ташлагач қолган қисми;
- ундириб олинган жарималарнинг туланган жарималардан ортиқ қисми.

Баланс фойдадан туланадиган солиқлардан олинган ссудалар учун фойздан ва нобюджет фондларига турли тўловлардан колган кисми соф фойдадир. Соф фойда корхонанинг хохиши билан куйидаги туртта йуналишга сарфланиши мумкин.

1. Акциялар буйича дивидендлар, облигациялар буйича фойзлар ва МЧЖ ларда аъзолик бадаллари учун фойзлар тулашга.

2. Ишлаб чикаришни ривожлантириш фондини юзага келтиришга. Ушбу фондни шакллантириш тартиби ва ажратмалар меъёри корхона низомида кўрсатилиши шарт. ИЧРФ ни шакллантириш манбаларига соф фойда ва асосий воситалар хамда номатериал активлар емирилишига сарфланган маблаглар киради.

ИЧРФ асосан куйидаги мақсадларга сарфланади:

а) асосий активларни янгилаш ва кенгайтириш;

б) номатериал активларни - патентларни, лицензияларни ва бошкаларни сотиб олиш;

в) корхонанинг айланма активларини купайтириш;

г) илмий текшириш ва тажриба конструкторлик ишларини ташкил этиш;

д) ишлаб чикаришга янгиликларни жорий этиш;

е) маркетинг изланишларини ташкил этиш.

3. Ижтимоий таракиёт фондини вужудга келтириш. У куйидаги мақсадларга сарфланади:

-уй жой куришга;

-ижтимоий-маиший объектларини куришга;

-ижтимоий-маиший муассасаларни молиявий таъминлашга;

-ошхоналарга дотация беришга;

-дори-дармонлар сотиб олишга;

-ишчи-хизматчиларнинг укиши, уй жой курилиши ва ёш оилалари хўжалигини тиклаб олишига пул маблагларини ажратишга;

-нарх ошиши туфайли юзага келган кўшимча харажатларни коплаш учун компенсация тулаш.

4. Резерв фондини вужудга келтиришга сарфланади. Ушбу фонд:

-хом-ашё, энергия ва материллар нархининг кутилмаганда ошиб кетиши туфайли юзага келадиган Кўшимча харажатларни коплаш;

-иш ташлашлар, валюта курсининг узгариши, табиий офатлар натижасида юзага келган зиёнларни коплаш ва бошка мақсадларга сарфланиши мумкин.

Корхона рентабеллигини оширишнинг асосий йуналишларига куйидагилар киради:

I. Махсулот тан нархини пасайтириш. Бунинг учун:

1. Материаллар сарфини кискартириш мақсадида махсулот конструкциясини рационаллаштириш, самарали технологияларни куллаш, чикиндиларни қайта ишлаш ва сотишни йулга куйиш ва бошка чораларни куриш лозим.

2. Махсулот бирлигига сарфланадиган иш хаки харажатларини камайтириш.

3. Тупланма харажатларини тежаш.



II. Ишлаб чиқариш ва сотиш тартибини такомиллаштириш. Унга:

1. Бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда харидорғир товарларни ишлаб чиқаришни йулга қуйиш, товарлар ассортиментини такомиллаштириш, рентабеллиги нисбатан баланд бўлган товарлар ишлаб чиқариш ва сотишни йулга қуйиш.
2. Махсулот сифатини яхшилаш ва харидорларга Қўшимча хизмат кўрсатишни йулга қуйиш, баҳо сиёсатини оқилона бошқариш.
3. Самарали инвестиция лойиҳаларини сотиш кабилар қиради.

III. Ишлатилмаётган ёки кам самарали активларни сотиш. Унга:

1. Ортиқча жихозлар ва товар-моддий бойликларни сотиш
2. Уз жихозларини лизинг шартномаси асосида олинган жихозлар билан алмаштириш.
3. Даромадсиз соҳа ва корхоналарни ёпиш, уларнинг жихозларини сотиб юбориш ва янги корхоналарни очиш кабилар қиради.

Фойда ва зарарларнинг ҳисоби қуйидагича ифодаланади.

У қуйидаги маълумотларни уз ичига олади:

1. Сотилган товарлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилаётган ишлар ҳажми.
2. Сотилган махсулотлар таннари, шу жумладан:
  - а) бевосита материал сарфи;
  - б) бевосита меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари;
  - в) тупланма харажатлари.
3. Ялпи даромад. (1-2)
4. Асосий воситалар ва номатериал активларнинг емирилиш харажатлари.
5. Махсулотни сотиш ва умумбошқарув фаолияти билан боғлиқ харажатлар.
6. Асосий фаолиятдан тушган фойда (3-4-5).
7. Дивидентлар ва берилган қарзлар учун олинган ҳақ.
8. Олинган қарзлар учун туланган ҳақ.
9. Солиқ тортиладиган фойда (6-7-8)
10. Даромадларга олинган солиқлар.
11. Кузда тутилмаган зиёнлар.
12. Соф, баланс фойда (9-10-11)

Харажат ва натижаларига нисбатан корхонани самарали ишини қуриб чиқиб, харажатларни баҳолаш ва иккинчидан ташқи муҳитида бўлаётган узғаришларни ҳисоб олиш зарур. Бундан келиб чиқиб, охириги натижаларга иккита шароит таъсир қилади:

1. Ички ташкилий- иқтисодий омиллар.
2. Ташқи ёки бозор шароитлари.

Бу шароитлардан ички омиллари тадбиркорни уз фаолияти билан боғлиқ бўлиб, яъни унга меҳнат унумдорлигини узғариши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари, уни техник характеристикалари ва бошқалар қиради. Ташқи шароитлар эса тадбиркорларга боғлиқ бўлмаган омилларни уз ичига олади. Ташқи омилларни асосийларидан бири нархни узғариши ҳисобланади. Бир томондан корхона махсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланадиган ресурслар (иш қучи, хом ашё, материаллар, ёқилги, энергия

ва хоказолар) нархини, бошка томондан эса бозордаги талаб ва таклифни нисбатан узгариши мумкин бўлган тайёрланаётган махсулотнархини узгаришига боғлиқ.

Корхона фаолиятини самарадорлиги кўрсаткичлари куйидагича ифодаланади:

$$\text{Самарадорлик} = \frac{\text{Махсулот сотиш Қиймати}}{\text{Махсулот ишлаб чиқариш хажми}}$$

$$\begin{matrix} \text{Махсулот сотиш} & \text{Ишлаб чиқарилган} & \text{Битта махсулот} \\ = & \text{Х} & \\ \text{Қиймати} & \text{махсулот сони} & \text{учун нарх} \end{matrix}$$

$$\begin{matrix} \text{Ишлаб чиқариш} & \text{Битта махсулот} & \text{Ишлаб чиқарилган} \\ = & \text{Х} & \\ \text{харажатлари} & \text{харажати} & \text{махсулот сони} \end{matrix}$$

#### **Рақобат ютуғи таҳлили.**

Рақобат ютуғи таҳлилида бозордаги улуш, махсулот сифати, маркетинг учун харажатлар, корхона катталиги (размер), бозордаги улуш ва ИТТКИ (НИОКР) харажатлари каби омиллар таҳлил қилинади.

Рентабелликка таъсир этувчи муҳим омил бўлиб, бозор улуши ҳисобланади. Сөн жихатдан бу кўрсаткичнинг боғлиқлиги шундан иборатки, бозор улушини ҳар 10% га узиш учун рентабеллик 3,5 % усади.

Фойдага таъсир этувчи иккинчи омил бўлиб махсулот сифати ҳисобланади. Тадқиқотлар кўрсатадики, юкори сифат- бозорда юкори улушни саклаш учун ишончли қафолатдир. Махсулотни дифференциацияси (турли хил) ва юкори сифатли махсулотни бозорда юкори улушига эга бўлишининг энг оптимал вариантлари бўлиб ҳисобланади. Бу икки кўрсаткич бозордаги улуш ва махсулот сифати бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бирини бири тулдиради.

Маркетинг учун кетган харажатлар билан махсулот сифати устида аниқ боғлиқлик мавжуд. Сифати паст бўлган махсулотларга маркетинг учун маблағ кетгазишга асос йук.

Рентабеллик умумий сотиш хажмидаги маркетинг учун харажатлар улуши ва махсулот сифатининг ўзаро таъсирига боғлиқдир. Махсулоти юкори сифатли бўлиши маркетинг учун сарф харажатлар минимал булса ҳам.(оборотга нисабатан 6% тартибида) юкори фойда олишни қафолатлайди.

Корхона фойдаси корхона катталиги (улчами) билан ўзаро боғлиқлиги бўлади. Йирик корхоналар (стратегик хўжалик зоналари билан шугулланувчи) катта фойдага эга бўлади. Кичик корхоналар эса, яхши натижаларни кўрсатиб, унинг афзаллиги тор бозор чуқурчасини махсус товарлар билан таъминлаш имкониятидан иборат.

Корхона фойдаси бозордаги улуш комбинациясидан тортиб, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш харажатлари билан боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида купгина корхоналар фаолияти шуни кўрсатадики, бозорга юқори улушга эга бўлган корхоналар бундан юқори фойда олиб илмий ишлаб чиқишга маблағлар киритиши мумкин. Ҳисоб - китоблар шуни кўрсатадики, агар компания ИТТКИ га оборотни 3% ни сарфласа, у 26% рентабеллик даражаси билан ишлаши мумкин. ИТТКИ га харажатлар камайтирилса, рентабеллик даражаси пасаяди (тахминан 22%). Шунинг учун тадбиркор маҳсулот сифати жиҳатидан лидер-мавқеини эгаллашиб афзалдир, бозорда сотиш улушини купайтириш бу фойдани юқори бўлишига олиб келади.

Кичик корхоналар бозорда кичик улушга эга бўлган корхоналар бўлиб, илмий тадқиқот учун катта маблағга эга булмаган ҳолда улар тадқиқот ва ишлаб чиқишга уз маблағларини иқтисод Қилиб, лицензия буйича маҳсулот ишлаб чиқишга мажбур. Юқори нархли технология агар янги ишлаб чиқариш қувватини тулик таъминлай олмаса, йирик корхонада фойдани тушиб кетишига олиб келади. Анологик иш капитал қуйилма билан боғлиқ. Ҳолатдан чиқишнинг бошқа йули замонавий технология ижараси (лизинг) бўлиб ҳисобланади, уз маблағларини иқтисод Қилиб бошқа етарли афзалликларни беради. Янги технология сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди, уз навбатида бозордаги улушни узишга олиб келади.

Корхона фаолиятини таҳлил қилиш ишлаб чиқариш фаолиятини янада такомиллаштириш учун дастур ишлаб чиқаришга олиб келади.

## ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР

Стратегик таҳлил корхонани кучли ва кучсиз томонларини, имконият ва хавф-хатарларини аниқлашга йуналтирилган. Оператив таҳлилда эса корхона ҳўжалик фаолиятини натижалари таҳлили берилади. Унда корхона фаолиятининг натижаларини таҳлили, ишлаб чиқариш харажатларини таҳлили, маҳсулот таҳлили тулик ёритиб берилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири ишлаб чиқариш харажатларидир.

Тадбиркорликнинг харажатларини белгиларга кўра, турли тавсифлаш мумкин. Биринчидан, тадбиркорлик фаолияти харажатлар смета буйича уларнинг элементлари ва палькуляция моддаларига қараб турларга булинади. Иккинчидан, тадбирнинг харажатлари ишлаб чиқариш хажмига боғлиқлигига қараб шартли доимий ва шартли узгарувчан харажатларга булинади.

Тадбиркорлик фаолиятини юритишдан қузланадиган асосий мақсад фойда олишдир. Тадбиркорла фойдани купайтиришга интилади.

Савдо ташкилотлари даромаднинг асосий қисми товарларни сотиб олиши ва сотиш уртасидаги фарқ ҳисобидан юзага келади.

Хозирги пайтда нафакат товарлар, балки хом-ашё, материаллар ва жихозлар хам савдо корхоналари томонидан эркин айирбошланмокда.

Корхонани самарадорлик фаолиятини бахоловчи кўрсаткич бўлиб рентабеллик ҳисобланади. Корхона рентабеллигини оширишнинг асосий йуналишларига махсулот таннархини пасайтириш, материаллар сарфини кискартириши мақсадида махсулот конструкциясини рационаллаштириш, самарали техникаларни куллаш; ишлаб чиқариш ва сотиш тартибини такомиллаштириш; ишлатилмаётган ёки кам самарали активларни сотиш кабилар киради.

### ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Фойда, муомила харажатлари, ялпи даромад, баланс фойда, Ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, соф фойда, оператив таҳлил, рентабеллик, ишлаб чиқариш харажатлари, стратегик таҳлил.

### НАЗОРАТ ВА МУЛОХАЗА САВОЛЛАРИ.

1. Тадбиркорлик фаолияти корхоналарда Қандай таҳлил қилинади?
2. Систематик ва комплекс Қандай таҳлил қилинади?
3. Стратегик таҳлил деганда нимани тушунасиз?
4. Оператив таҳлил хўжалик фаолияти Қандай натижалари таҳлил қилинади?
5. Тадбиркорлик фаолиятини якуний кўрсаткичи бўлиб қайси кўрсаткич ҳисобланади?
6. Даромадлар манбалари нималардан иборат?
7. Баланс фойда Қандай кўрсаткич ва улар уз ичига нималарни олади?
8. Соф фойда Қандай йуналишларга сарфланади?
9. Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи корхоналарди фойда ва зарарларнинг ҳисоби Қандай бўлади?
10. Ялпи даромадга Қандай омиллар таъсир қилади?
11. Рақобат ютуғи таҳлили Қандай олиб борилади?.

### Адабиётлар руйхати

#### Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 15 июн.
2. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасм ва Сенатининг Қушма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январ, 20-сон.

3. Багиев Г.Л. Маркетинг.-М.: Экономика , 2005.
4. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003.
5. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Меҳнат, 2000.
6. Еременко А. Разработка бизнес-приложений в Microsoft Business solutions-Alapta иерсии. 3.0/Фелексей Еремененко, Руслан Шашков. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.-503 с.
7. Ходиев Б.Ю., ва бошқалар. Кичик тадбиркорлик асослари(ўқув-амалий Қўлланма)-Т.:ЕХ. ТЕМПУС “Консаудит”, 2004.
- 8.Rambler-http ://www/rambler, ru/;
9. www. gov. uz.

### **Қўшимча адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя Қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 16 июн.
2. Рубин Ю.Б. Теория и практика предпринимательское конкуренции –М.: ООО Марлет Дс корпорейшен, 2004.
3. Қосимова М.С., Эргашхужаева Ш.Ж., Маркетинг.- Т.: ТДИУ, 2004.
4. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. пособие для вузов/ Под ред. Проф. В.Я.Горфинкеля, проф. В.А Швандара.-2е изд., пререб. И доп.-М.: ЮНИТИ- ДАНА, 2003-283 с
5. [www.ziyo.edu.uz](http://www.ziyo.edu.uz)
6. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

## 7-мавзу: Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш

- 7.1. Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш ва режалаштиришнинг асосий элементлари.
- 7.2. Режалаштиришнинг босқичлари ва унинг турлари.
- 7.3. Бизнес-режанинг моҳияти, мазмуни, ҳамда уни ишлаб чиқиш.
- 7.4. Бизнес-режани тайерлаш ва ундан фойдаланиш.
- 7.5. Бизнес режанинг асосий булимлари мазмуни.

### 7.1. Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш ва режалаштиришнинг асосий элементлари.

Хар Қандай корхона узини фаолият йуналишидан катъий назар режалаштириш билан шугулланиш керак.

Режалаштириш деганда корхонани аниқ келажакдаги мақсадини аниқлаш, уларни амалга ошириш усулларини таҳлили ва ресурслар билан таъминоти тушунилади.

Тадабиркор фаолиятини режалаштириш купгина афзалликларга эга:

- у раҳбар ва мутаххасисларни доимо келажак учун фикрлашга рағбатлантиради;
- режаларни ишлаб чиқариш ва бажариш жараёнида корхона томонидан қилинаётган ишларни аниқ мувофиқлаштириш амалга оширилади;
- у ташкилот уз вазифаларини аниқ белгилашга мажбур қилади;
- режалаштириш ташкилотларни тусатдан бўладиган узгаришларга тайёр қилади, мансабдор шахслар вазифаларини, ўзаро муносабатларини кургазмали равишда намоён қилади.

Ф. Котлернинг фикрича, истикболни режалаштириш бу фирмалар мақсадлари, унинг маркетинг соҳасидаги потенциал имкониятларни ва имконлар орасидаги стратегик мувофиқларни куллашни таккословчи бошқарув жараёнидир.

Янги Қонун чиқарувчи хужжатларди кўрсатиб утилганки, корхона уз фаолиятини мустақил холда режалаштиради ва ривожланиш истикболларини ишлаб чиқариш махсулотлар, ишлар, хизматларга эҳтиёж ва корхона ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш зарурияти, унинг ходимлари шахсий даромадларни ошиши келиб чиққан холда белгилайди. Тадабиркорлик фаолиятини олиб борувчи корхона режани ишлаб чиқишда куйидагиларга эътибор беришлари керак:

**Мақсадлар ва вазифаларни белгилаш.** Бозорга утиш шароитида мустақил хўжалик субъектлари бўлади ва ривожланишни уз -узини маблағлар билан таъминлаш учун етарли бўлган фойда олиш мақсадида махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш, бозордаги улушни устириш ёки саклаб қолиш, аввалги даврга нисабатан махсулотларни сотиш ёки ишлаб чиқаришни усишини таъминлашни амалга оширади.

**Ресурслар.** Хаммадан илгари моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ва унинг тузилишини мувофиқлаштириш талаб этилади. Фаолият турини танлашни ва самарадорлигини баҳолашни фойданинг асосий жамғармалар ва айланма маблағларга муносабати бўлиб, амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

**Мутаносиблик ўрганиш.** Режани ишлаб чиқишда кўрсаткичларни баробарлаштирилганлигини таъминлашни талаб қилади. Шахсий айланма маблағларни уларнинг йигини миқдорига энг оз улушини, МТБ ривожланишини транспорт хизматлари билан таъминланиши ва хоказоларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

**Режани бажарилишини таҳлил Қилиш.** Иқтисодий эҳтиёжларни тулик таъминлаш ва фойда омилига қаратилган иқтисодий ва ташкилий техник чораларини аниқлаш ёки белгиланган мақсадларга эришиш йуллари ва востилар ҳақида боради.

**Режани бажарилишини назорат Қилиш.** Режани бажарилишини доимий уз вақтида текшириш иқтисодий жараёни мақсадга мувофиқ ривожланишни таъминлаш, уз вақтида камчиликларнинг олдини олиш, илгор тажрибаларни қуллаш ва самарадорликни аниқлашга йуналтирилади. Масалан, савдо корхоналарида чакана товар обороти ҳажми даромадлар, харажатлар, фойда, товар захиралари ва баъзи бир кўрсаткичлар.

Стратегик режалаштиришнинг таркибий тузилишидан қуриниб турибдики, стратегик режалаштириш асосида аввало мақсад ва вазифалар билан бир қаторда стратегия муштарак ҳал этилади. Кейинги босқичда жорий ва стратегик дастурларни тузиш орқали бюджетни режалаштириш ва уни рўёбга чиқариш тадбирлари амалга оширилади.

Режалаштиришнинг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

- башорат қилиш;
- вазифани қуйиш (умумий вазифаларни шаклланиши, башорат асосида қелиб чиқади);
- режани тугирлаш (бажарилиш муддати аниқланади)
- бюджетни тузиш (бюджетнинг сон қуринишидаги режаси бўлиб, даромадлар ва харажатлар баланси пул ва натурал қуринишда);
- режани аниқлаштириш (яқунловчи босқич- қуйи бугинларга Қабул Қилинган Қарорлар тарқатилади ва режани амалга ошириш бошланади).

## **7.2. Режалаштиришнинг босқичлари ва унинг турлари.**

Режалаштириш жараёни уч босқични уз ичига олади:

1. Стратегик муаммоларни таҳлили.
2. Фаолиятни қелгуси шароитини башорат қилиш ва вазифаларни аниқлаш.
3. Уз имкониятларини оптимал вариантини танлаш.

Фирманинг истикболини таҳлил қилишда асосий ташқи хавф-хатарлар, имкониятлар, “фавкулотда” ҳолатларни вужудга қелиши ва уларни бартараф этиш имкониятлари ҳал этилади.

Биринчи босқичда корхона иш юритадиган бозорда таҳлил килинади. Таҳлил икки томонлама бўлиб, бозор муҳитидаги позитив ва негатив ҳолатлар ҳақида уйлаш керак бўлади. Шунини ҳисобга олиш керакки, тадбиркорликни ривожлантириш жараенида бир муаммога руҳсат этилиши билан бошқаси келиб чиқади. Эҳтиёж ва харидор хоҳиши узгаради, фан-техникани янги ютуқлари жорий этилади, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси усади, бозор ва рақобатчилар стратегияси узгаради, молиявий кийинчиликлар тугилади. Шунинг учун уз фаолиятини 1-5 йилларга башорат килишга ҳаракат килади.

Иккинчи босқичда, корхонанинг ички имкониятларини аниқлаш зарур. Бу уринда корхонани бозор муҳитини узгаришига қараб ишлаб чиқаришдаги, бозордаги, иқтисодийдаги, бошқаришдаги, ресурслардаги корхонанинг кучли ва кучсиз томонлари аниқланади. Шулар асосида мақсадга эришишдаги энг муҳим вазифалари аниқладанди. Бу босқичда фирманинг қайси йуналишларида “рақобатчилик стратегиясини такомиллаштириб, фирмани ялпи иш фаолиятини Қандай яхшилаш мумкин?” деган саволга жавоб топилади.

Учинчи босқичда уч муҳим кўрсаткич таҳлил килинади:

1. Корхонани бозордаги урни;
2. Тармоққа корхонани мослиги;
3. Ишлаб чиқариш дастурини ассортимент тузилиши.

Бу босқичда фирманинг турли фаолият йуналишлари билан истикболини киёслаш, танланган стратегияни амалга оширишда турли фаолият йуналишлари бўйича приоритет ва ресурсларни тақсимлаш асосий урин эгаллайди.

Реджалаштиришнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлиб, улар: --  
-узук муддатли режалаштириш;  
-урта муддатли режалаштириш;  
-киска муддатли режалаштиришдир.

Корхона фаолиятини режалаштиришда муҳим мақсад бўлиб, товарларни сотиш ҳажми, фойда ва бозордаги улуш ҳисобланади.

Узук муддатли режалаштириш 3 ёки 5 йиллик муддатни уз ичига олади. Дунё амалиетида узук муддатли режалаштириш кенг кулланилади. Хорижда, масалан, Японияда йирик корпорацияларнинг 70 - 80% узук муддатли режалаштиришдан фойдаланилади. Узук муддатли режалаштириш уз ичига урта ва киска муддатли режалаштиришни ҳам олади. Узук муддатли режалаштиришда “махсулот-бозор” янги стратегиялари ишлаб чиқилади. “Махсулот бозор” янги стратегиясини ахтариш уз ичига янги ишлаб чиқаришни ривожланиш имкониятлари таҳлилини, вертикал интеграцияларни, хорижий филиалларни ташкил этишни уз ичига олади. Ушбу босқичда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ҳаражатларни камайтириш вариантлари ураганилади.

Урта муддатли режалар, одатда 2 ёки 3 йилларга тузилади. Урта муддатли режалаштиришда рақибларни кўраш стратегияларни узгариши ва



номенклатурани узгариши натижасида хар бир махсулот гурухи учун режалар тузилади.

Ўрта муддатли режаларни Қабул килиш жараени уч босқични уз ичига олади:

- узининг махсус маълумотлари асосида уз ишини башорат килиш;
- башоратлар солиштирилади;
- корхона раҳбарияти уз ишини умумий куринишини ишлаб чиқаради ва юкори ташкилотга берилади.

Қисқа муддатли режалаштириш 1 йилга, ярим йилга, ойларга мулжалланган бўлади. Киска муддатли режалар 1 йилга ишлаб чиқариш хажмин, фойдани режалаштиришни уз ичига олади.

Бюджетлар режалаштириш тизимининг мухим воситаси бўлиб ҳисобланади. Бюджет уз куринишича харажатлар ва даромадлар режасини кўрсатиб беради. Бюджет Қиймат ва натурал куринишда бўлиши мумкин.

Бюджетнинг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- капитал харажатлари бюджети;
- жорий операциялар бюджети.

Капитал харажатлар бюджети узок муддатли режалаштиришни баҳолаш ва назорат килиш учун ишлатилади.

Жорий операциялар бюджети хар кунги ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини режалаштириш ва назорат килиш учун ишлатилади.

### **7.3. Бизнес-режанинг моҳияти, мазмуни ҳамда уни ишлаб чиқиш.<sup>8</sup>**

Ўзбекистон иқтисодиети руй бераётган тухтовсиз узгаришлар ва рақобат даражасининг усиб бориш шароитида факат машаққатли меҳнат орқали бизнесда муваффақиятга эришиш мумкин, дейиш кийин. Муваффақиятли бўлиши учун бизнесимиз аниқ мақсадга ва унга эришиш учун эса, яхши ривожланган стратегияга эга бўлиш лозим. Бошқача Қилиб айтганда, бизга бизнес - режа зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида бизнес- режа тадбиркорликнинг ҳамма соҳаларида кулланиладиган гуё бир иш асбобидар. У фирманинг иш жараёнини тасвирлаб, фирма раҳбарларининг уз мақсадларига қай тарика эришишларини, биринча галда ишнинг даромадлигини қай тарика ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Яхши ишлаб чиқилган бизнес-режа фирмага усиб боришга, бозорда янги мавкеларни кулга киритишга, уз тарақиётининг истикболларини белгилаб олишга, янги товарлар ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини яратишга ҳамда мулжалларни амалга оширишнинг мақсадга мувофик усулларини танлаб олишга ёрдам беради. Бизнес- режа доимий хужжат бўлиб, мунтазам равишда янгилаб берилади, унга ҳам фирманинг ичида, ҳам умуман иқтисодиётдаги шароитларга қараб руй берган узгаришлар киритилади. Бизнес- режа фирма ичи таҳлилини

<sup>8</sup> 14147. Разработка бизнес-плана создания предпринимательской организации. БМИ ва МДлар бўйича тайёрланган 15 минг мавзулардан. Т.: ТДИУ, 2005.

махсус илмий ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган макроиқтисодий таҳлиллар билан боғлайди. Одатда ҳар бир фирма бизнес-режа тузади, лекин бундай ҳужжатларни тайёрлаш имкониятлари ҳар хил бўлиши мумкин: бизнес-режани ишлаб чиқиш учун кичик фирмалар консалтинг ташкилотларининг мутахассисларини жалб этишлари мумкин.

Бизнес-режа фирманинг муайян бозордаги фаолиятнинг аниқ йуналишини урганиш мақсадида утказиладиган тадқиқотлар ва ташкилий ишнинг натижаси бўлган муносабати билан у куйидагиларга асосланади:

- маълум товарни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) нинг аниқ лойихасига-янги турдаги буюмлар яратиш ёки янги хил хизматлар кўрсатишга;
- фирманинг заиф ва кучли томонларини аниқлаб, олиш мақсадида ҳар томонлама утказиладиган ишлаб чиқариш-ҳўжалик ва тижорат таҳлилига;
- аниқ масалаларни амалга ошириш учун кулланиладиган молиявий, техник-иқтисодий ва ташкилий механизмларга асосланади.

Бизнес-режа фирманинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берадиган асосий ҳужжатларнинг биридир. Шу билан бирга у фирма тараккиётининг умумий концепциясига асосланади, стратегиянинг иқтисодий ва молиявий жихатларини бир мунча батафсил баён этади, аниқ-тайин чора тадбирларни техник-иқтисодий жихатдан асослаб беради. Стратегияни амалга ошириш техник, ташкилий ва иқтисодий узгаришларнинг маълум вақтгача ўзаро маҳкам боғланган бутун бир тизими сифатида тугилган кенгинвестиция дастурларига асосланади, бизнес-режа инвестицион дастурнинг одатда бир неча йил ичида амалга оширилиши керак бўлган бир қисмини уз ичига олади.

Шундай Қилиб, фирманинг стратегик ишида куйидаги тартиб кузга ташланади.

- 1- босқич. Ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш.
- 2- босқич. Ривожланишнинг инвестицион дастури.
- 3- босқич. Урғача муддатли даврга бизнес-режа тузиш.
- 4- босқич. Бизнес-режани амалга оширишга доир чора-тадбирлар.

Бизнес-режанинг бир канча вазифаларни ҳал қилишга имкон беради, лекин буларнинг асосийлари куйидагилардир:

- фирма тараккиёти (стратегияси, концепциялари, лойихалари) йуналишларининг иқтисодий жихатдан мувофиқлигини асослаш;
- фаолиятининг қутилаётган молиявий натижаларини, биринчи галда, сотув ҳажмларини сармоядан олинадиган даромадлар, фойдани ҳисоблаб қуриш;
- танлаб олинган стратегияни амалга ошириш учун керакли маблағлар манбаларини, яъни молиявий ресурсларни жамлаш усулларини белгилаш;
- мазкур режани амалга ошира оладиган ходимларни танлаб олиш.

Режанинг ҳар бир бандини бошқа бандлар билан маҳкам боғланган ҳолда олиб ечиш мумкин ҳолос. Бизнес режанинг асосий маркази молиявий ресурсларни жамлашдир.

Компания сармоясини купайтириб боришнинг мухим востаси айти шу бизнес-режадир. Бу режани тузиш жараёни бошланган ишнинг ҳамма тафсилотларини синчиклаб таҳлил қилиб чиқишга имкон беради. Бизнес-режа булгуси шериклар билан музокаралар олиб борилаётганда бизнес-таклиф учун асос бўлиб хизмат килади, у фирманинг асосий ходимларини ишга таклиф этишда катта роль уйнайди.

Бизнес-режа фирманинг ички хужжати бўлибгина қомай, балки ундан инвесторлар ва кредиторларни таклиф қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Инвесторлар таваккал қилиб сармоя беришдан аввал лойиханинг синчиклаб ишлаб чиқилганлигига ишонч ҳосил қилишлари ва унинг самарали эканлигидан хабардор бўлишлари керак.

Инвесторлар таваккал қилиб пулларни ишга солишдан аввал уларнинг пулини олувчи корхона раҳбарлари уз мақсадларини ҳар томонлама уйлаганлигига нима қилиш кераклигини равшан тасаввур қилишларига, Қандай йул тутишлиги ва нимага эришмоқлигига етарлича ишонч ҳосил қилиш керак. Инвесторларнинг қупилиги инвестиция қилишдан аввал бизнес – режани талаб қиладилар ва одатда, усиз тадбиркор билан хатто гаплашиб ҳам утирмайдилар.

Демак, бизнес – режа потенциал инвестор танишмоқчи бўлган корхона ҳақидаги дастлабки маълумот бўлиб, агар режа ишончли булмаса ва инвесторни жалб қилмаса, шартнома ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шуни эсда тутиш лозимки, биздаги ягона имконият бу биринчи учрашувдаек ижобий таассурот қолдиришдадир!

Бошқача қилиб айтганда бизнес–режа қуйидагиларни амалга оширади

- корхонамизнинг келажакини аниқлаб беради;
- корхонанинг эксплуатацион характеристикаларини, яъни мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизмат турларини, хом ашё ва материалларни олиш мумкин бўлган манбаларни, бозорни ва сотиш стратегиясини баён қилиб беради ва хоказо;
- корхонанинг бошқариш тузилмасини кўрсатади;
- корхонани қандай сармоялашни батафсил кўрсатиб беради;
- потенциал инвесторлар ва кредиторларга йуналтирувчи восита бўлиб хизмат қилади;

Умуман айтганда, бизнес-режа лойиханинг муваффақият даражасини белгилаб берувчи кўрсаткич ҳисобланади.

#### **7.4. Бизнес режани тайёрлаш ва ундан фойдаланиш.<sup>9</sup>**

Бизнес-режани менеджер, тадбиркор, фирма, фирмалар гуруҳи, консалтинг ташкилоти тайёрлаши мумкин. Менеджерда янги маҳсулот

---

<sup>9</sup> 14144. Разработка бизнес-плана при создании предприятия. БМИ ва МДлар бўйича тайёрланган 15 минг мавзулардан. Т.: ТДИУ, 2005.

тайёрлашни узлаштириб олиш, янги хил хизмат кўрсатиш фикри пайдо бўлган булса ёки у уз концепциясини мустикал равишда амалга оширишга ахд килган булса у уз бизнес-режасини яратади.

Йирик фирма ривожланишининг стратегиясини ишлаб чиқиш учун кенгайтирилган бизнес-режа тузилади. Бизнес-режани тайёрлаш босқичидаёк купинча шерик чиқиб қолади.

БарҚарор вазиятда фаолият кўрсатиб келаётган ва етарлича барҚарор бозор учун махсулот ишлаб чиқараётган фирмалар доим ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йулларини излайдилар. Лекин бундай фирмаларнинг хаммаси ишлаб чиқарилаётган уз махсулотлари ёки хизматларини замонавийлаштириш чора-тадбирларини доимо кузда тутадилар. Доим таваккал Қилиб махсулот чиқарадиган фирмалар аввало янги турдаги махсулотларни узлаштириш, янги турдаги буюмларни ишлаб чиқаришга утиш устида мунтазам иш олиб борадилар ва хоказо. Фирма янги узлаштирилган махсулотларни ишлаб чиқаришни анчагина оширишни мулжаллаган булса-ю, лекин буларни ишлаб чиқариш учун етарли кувватга эга булмаса, у ё янги кувватларни юзага келтириш учун сармояларни жалб қилиш йулидан бориши ёки ишнинг бир қисмини бажариб берадиган шерикларни қидириб топиш йулига утиши мумкин. Иккинчи йул, одатда, вазифаларни тезроқ хал қилишга имкон беради ва камрок маблагларни талаб этади. Бу холда булгуси ишлаб чиқаришга қуйиладиган талаблар энди бизнес-режани ишлаб чиқиш босқичидаёк тайин бўлиб қолади.

Бизнес-режани яратишда унда иштирок этадиган концепция муаллифларидан ташқари кредит бозорининг хусусиятларини, каерда буш сармоялар борлигини, мазкур бизнеснинг таваккал талаб хатарли томонларини биладиган молия ходимлари хам фаоллик билан катнашадилар. Бизнес-режани ишлаб чиқадиган мутахассислар гуруҳининг асосини иқтисодчилар, статистлар, системачилар ташкил этади.

Бизнес-режада вазиятнинг фирма ичида хам, ундан ташқарида хам келажакда Қандай бўлиши ифода этилади. Бизнес-режа мулкка акционерлар эгалик қиладиган шароитда ва маълум даражада, ширкатлар тузишда Қандай йул тутишни билиб олиш учун фирма раҳбариятига зарур бўлади. Айни шу бизнес-режа ёрдамида фирма раҳбарияти фойданинг Қандай қисмини жамгармани купайтириб бериш учун қолдириш, Қандай қисмини дивидентлар шаклида акционерлар уртасида тақсимланиш кераклилиги хусусида Қарор Қабул қилади. Бизнес-режадан фирмаларнинг ташкилий-ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштиришда хам фойдаланилади.

Бизнес-режадан янги акционерлар, кредиторлар, маблаг берувчи хомийлар ва бошқаларни қидириб топишда хаммадан куп фойдаланилади. Мавжуд фирмалар акцияларини сотиб олиб ёки янги ташкилий-ишлаб чиқариш структурасини яратиш, ишни кенгайтиришни

мулжаллаётган йирик корхоналар ва фирмаларга бизнес-режа ёрдам беради.

Купгина инвесторлар мазмуни бир ёки икки бетда баён этилган лойиханинг мухим хусусиятларини ва афзалликларини билиб олишга имкон берадиган бизнес-режани укиб чиқишни ёктирадилар. Мазмуни киска ва лунда Қилиб баён этиш жуда кийин. Бу ишни режа бошидаёк ишлаб чиқариб, алохида ургу бериладиган ва кискача мазмун баёнига киритиладиган асосий тадбирлар равшан бўлиб қолган маҳалдагина мохирона уйдлаш мумкин. Кискача баён этилган мазмун дастлабки материал бўлиб, булгуси инвесторнинг шунга қараб фикр юритишини назарда тутиш керак.

Бизнес-режанинг кискача баён этилган мазмунидан кейин одатда фирма тўғрисидаги маълумотлар келтирилади, буларда компанияни бошқариш учун керакли ва инвесторларни қизиқтирадиган тафсилотлар лунда Қилиб баён этилади. Ана шундай материалнинг қуйидаги асосий булимларини ажратиш мумкин:

1. Фирманинг ташкил топиши:

- фирма ташкил топган ва қенгайтирилган вақт (фирманинг қачон, қаерда ва қим томонидан руйхатга олингани, қаерда жойлашгани);
- фирманинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;
- фирма сармоясининг структураси (чиқаришга рұхсат этилган акцияларнинг сони, чиқарилган ва мумолада бўлган акцияларнинг сони, уларнинг номинал Қиймати ва биржа баҳоси);
- фирманинг ҳисоб рақами очилган асосий банк;
- фирма раҳбарияти – раиси, бош директори;
- фирманинг бухгалтери;
- фирманинг юристи;
- асосий менеджерлари, уларнинг малақаси, маълумоти, иш стажид;

2. Фирманинг ташкилий структураси яъни тузилиши, бунда асосий ташкилий чиқариш ва ва бошқарув булимлари кўрсатилади.

3. Фирма имиджи, яъни харидорларнинг фирма тўғрисидаги фикри. Бу булимда қуйидаги саволларга жавоб берилган бўлиши зарур:

- Мазкур фирма Қандай маҳсулоти билан ном чиқарган;
- Бу фирма узига ухшаган бошқа фирмалардан нимаси билан фарқ қилади;
- Фирма товарини қимлар сотиб олади ёки унинг хизматидан қимлар фойдаланади;
- Фирманинг товар белгиси қаерларда маълум;
- Доимий миқозлари қимлар ва қанча;
- Фирма товари ёки хизматларининг илгарилама ҳаракати ҚанаҚа;

4. Фирма фаолияти шароитларининг таҳлили бизнес-режа биринчи булимининг муҳим қисмидир. Фирма фаолиятининг шароитлари икки қатта қисмга бўлинади: ташқи ва ички шароитлар.

Ташқи шароитларга фирма айтирли таъсир кўрсата олмайди, лекин уларни назарда тутиши керак бўлади. Бу шароитлар истеъмолчилар хоши-истаклари ва дидларининг, бозор талабларининг узгариб туришини, ишчи кучи бор йуклигини, моддий ресурслар манбаларини, буюм (маҳсулот, хизмат)нинг ҳаёт цикли, ишлаб чиқариш цикли, солиққа тортиш таҳлили, баҳолар устидан назорат ва бошқаларни уз ичига олади.

Ички омиллар жумласига қуйидагилар қиради: ишлатилаётган технологиялар, асбоб-ускуналарнинг характеристикаси, товар (маҳсулот, хизматлар) сифатини ва ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш усуллари,..

Бизнес-режанинг таҳлилий қисми унинг энг ижодий булимларидан биридир. Фирма бир неча йилдан бери ишлаб келаётган бўлса, таҳлилда реализация қилинган маҳсулот ҳажми ва фойда миқдори сунги молия йиллари давомида қай тарика узгараётганини кўрсатиши керак. Бундан ташқари саноат истикболлари маҳсулот ҳажми билан ассортиментини кенгайтириш имкониятлари тўғрисида қисқача айтиб ўтиш фойдали бўлиши мумкин. Фирманинг узидаги технологиянинг афзаллиги ёки ҳатто унинг йуклиги, шунингдек бозорда рақобатга бардош бериш имконини очадиган савдо усул-амаллари кўрсатиб ўтади.

Хулоса қисмида қанча ҳажмда маблағ ажратилиши мулжалланаётганини қисқача баён қилиб, ажратиладиган маблағлар сармоянинг ушиб боришига ёрдам берадиган бўлиши учун фирмалар нималар қилмоқчи эканлигини айтиб ўтиши зарур.

### **7.5. Бизнес-режанинг асосий бўлимларини мазмуни.**

Бизнес-режада мулжалланаётган лойиҳанинг табиатига қараб унинг узига ҳос хусусиятларини ақс эттирадиган булимлар бўлиши мумкин, лекин бизнес-режадек бу иш ҳужжатининг мазмуни, умуман олганда, бир қолипда бўлиб, қуйидагиларни уз ичига олиши керак:

**1. Резюме.** Бизнес-режанинг биринчи ва қисқа бўлган бу булимида кейинги булимларининг умумий хулосалари келтирилади. Резюмени тугри тузишнинг муҳимлиги шундаки, булғуси инвесторлар, - булар эса, одатда бизнесменлар, яъни доимо банд бўладиган кишилардир, - тақлиф этилаётган лойиҳанинг қисқа баёнидаги дастлабки сузлардан унинг самарадорлигига ва ният қилинган шу лойиҳани амалга ошириш мумкинлигига ишонч ҳосил қиладиган бўлиши керак.

Резюмеда қуйидагилар ниҳоятда қисқа қилиб баён этилади:

- а) лойиҳанинг моҳияти, унинг мақсадлари ва самарадорлиги;
- в) лойиҳани аниқ бозор шароитларида амалга ошириш мумкинлиги;
- с) лойиҳани қим ва қандай қилиб амалга ошириши;
- д) лойиҳанинг маблағ билан таъминланишининг манбаи;

е) лойихани инвестициялашдан курилиши мумкин бўлган фойда; сотув хажми, ишлаб чиқариш ва молни утказишга бўладиган харажатлар хажми. Фойда меъёри, сарф харажатларнинг канча муддатда урни тулиши ва инвестицияланган маблағларнинг қачон қайтиб келиши.

## **2. Товар (Махсулот ёки хизмат турлари):**

А) Ишлаб чиқариладиган мулжалдаги махсулот ёки кўрсатиладиган хизматлар Қандай талабларни қондиради;

В) Буларнинг бозорда мавжуд бўлган шу хилдаги махсулот ёки хизматлардан Қандай афзалликлари бор;

С) Ишлаб чиқариладиган мулжалдаги махсулот ёки кўрсатиладиган хизматлар Қандай муаллифлик ҳуқуқлари билан химояланган.

## **3. Мол ўтказиладиган бозор:**

А) Махсулот ёки хизматларнинг асосий истеъмолчилари кимлар;

В) Хозирнинг узида ва келгусида Қандай хажмларда мол утказиш мумкин;

С) Асосий рақиблар ким, улардаги сотув хажмлари, маркетинг стратегияси, реализациядан олинаётган даромадлар;

Д) Рақибларнинг махсулоти қанака: асосий характеристикалари, сифатининг даражаси;

Е) Рақиблар Қандай баҳода махсулот сотади ёки хизмат кўрсатишади, уларнинг баҳо сиёсати.

## **4. Маркетинг стратегияси.**

А) Махсулот ёки хизматларни ички ва ташқи бозорда тақсимлаш ва утказиш юзасидан қандай тўтилаётган тизим;

В) Реализация баҳоси ва баҳо қуйиш структураси;

С) Рекламага доир зарур чора-тадбирлар, қандай тўтилаётган реклама воситалари ва рекламага қилинадиган сарф-харажатлар структураси;

Д) Молни утказиш, сотишга ёрдам берадиган чора-тадбирлар – публик релейшнз, харидорларга қўшимча имтиёзлар, сотувдан кейин кўрсатиладиган хизматлар ва бошқалар.

## **5. Ишлаб чиқариш дастури:**

А) Қандай махсулот ишлаб чиқарилади ёки хизмат кўрсатилади;

В) Янги ишлаб чиқариш қувватлари яратиш керакли ёки ишлаб турган қорхонадан фойдаланиш мумкинми;

С) Режалаштирилаётган қорхонада энг маъқул келадиган ишлаб чиқариш хажми қанча;

Д) Энг маъқул қувватга эришиш учун қанака инвестициялар зарур;

Е) Қорхона хом-ашё, бутловчи қисмлар, бошқа ишлаб чиқариш омиллари билан Қандай таъминланади;

Ф) Технология ва асбоб-ускуналардан Қандай фойдаланилади;

Г) Қорхона бошқа қорхоналар билан биргаликда ишлайдими.

## **6. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш:**

А) Режалаштирилаётган қорхонанинг ташкилий схемаси Қандай бўлади;

- В) Корхона кадрлар билан канчалик таъминланган, ишлаб турган мутахассисларнинг руйхати, малакаси ва иш тажрибаси;
- С) Хар хил тойифага эга бўлган ходимлар меҳнатига қай даражада, қандай шаклда ҳақ туланади, жумладан уларга қандай махсус имтиёзлар берилади;
- Д) Корхонанинг технологик схемаси қандай бўлади.

#### **7. Корхонанинг ташкилий-режавий шакли:**

- А) Режалаштириладиган корхонанинг ҳуқуқий мавқеи, мулкнинг шакли қанақа (ширкат, акционерлик жамияти, кооператив, ижара корхонаси, қўшма корхона ва ҳоказо)
- В) Булғуси инвестор корхонада қандай ҳуқуқларга эга бўлади (бошқаришда иштирок этиши, акциялар назорат пакетига эгаллик қилиши, оддий акционер бўлиши), корхонанинг ҳомийси ёки энди аниқ бўлиб қолган инвестори қим (давлат идораси ёки концерн, банк, хусусий корхоналар ва бошқалар)
- С) Мавжуд ҳомий ёки инвесторлар қандай ҳуқуқларга эга бўлади (бошқариш, молиявий назорат..)
- Д) Мазкур шаклдаги мулкка эга бўлган корхона қандай юридик ҳуқуқларга эга (корхонанинг ҳуқуқий мавқеини тартибга солувчи қонун-қоидалардан қисқача қучиртма берилади), булғуси инвестор узига таклиф этиладиган ҳуқуқлар (биргалликда эгаллик қилиш, ҳомийлик, акционер ҳуқуқи)ни қўлга киритиш учун у қандай юридик актларни бажо келтириш мақсадга мувофиқ ва бу нарса миллий ва маҳаллий қонунларга қўра қандай ҳуқуқий жавобгарликни зиммага юклайди.

#### **8. Молиявий режа:**

- А) Корхонани барпо этиш учун умумий инвестиция ҳажми қанча бўлиши зарур;
- В) Маблағ билан таъминлаш манбалари қанақа (заёмлар чиқариш, акциялар сотиш, банк кредитини олиш, корхона очадиган шахсларнинг уз маблағлари);
- С) Маблағ билан таъминлаш структуралари валюталарнинг манбалари ва турлари буйича қандай бўлиши керак;
- Д) Узок муддатли инвестициялар ва айланма сармояларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун молиявий маблағлар қандай шартлар билан жалб этилади.

#### **9. Лойиханинг рентабеллиги:**

- А) Корхонани барпо этишга қилинадиган инвестицион харажатларнинг турлари ва умуман маҳсулот бирлиги ҳисобга олинади, яъни қанча ва қанақа (асосий ва айланма сармояга, инфраструктурага бериладиган инвестициялар ва ҳоказо);
- В) Режалаштириладиган корхонани ишга тушириш ва маҳсулот ёки хизматларни утқизиш ишларини ташкил этиш қанчага тушади;
- С) Маҳсулот ёки хизматларни реализация қилишдан тушадиган умумий даромадлар қанча бўлиши мумкин;
- Д) Режалаштириладиган корхона қандай солиқларни тулаши керак;



Е) Заём маблаларини кай муддатларда ва канача хажмларда қайтариш режалаштирилмокда;

Ф) Ушбу корхонанинг умумий фойдаси умуман канча бўлиши мумкин, унинг меъёри.

Бизнес-режанинг булимларида бериладиган ахборот булгуси инвесторни кизиктириш учун зарур бўлади-ю, лекин, айниқса суз анча йирик инвестициялар устида бораётган булса. инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур булмайдими, мутлақо.

Бундай қарорга қелиш учун инвестициядан олдин анча асосланган тадқиқотлар утказиш зарур бўлади.

## ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР

Режалаштириш- бу корхона мақсадлари, унинг маркетинг соҳасидаги потенциал имкониятлари орасидаги стратегик мувофиқликни куллашни таккословчи бошқарув жараёнидир.

Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш купгина афзалликаларга эга бўлиб, у мутаххасисларни доимо келажак учун фикрлашга рағбатлантиради, ржаларни ишлаб чиқариш ва бажариш жараёнида корхона томонидан қилинаётган ишларни аниқ мувоқлаштириш орқали амалга оширилади. режалаштириш ташкилотлари тусатдан бўладиган узғаришларга тайёр қилади ва у ташкилот уз вазифаларини аниқ белгилашга мажбур қилади.

Стратегик режалаштириш асосида аввало мақсад ва вазифалар билан бир қаторда стратегия муштарақ хал этилади. Кейинги босқичда жорий ва стратегик дастурларни тузиш орқали бюджетини режелештириш ва уни рўёбга чиқариш тадбирлари амалга оширилади.

Режалаштириш жараёни уч босқични уз ичига олади, яъни стратегик муаммоларни таҳлили, фаолиятни келгуси шароитини башорат қилиш ва вазифаларни аниқлаш, узиш имкониятларини оптимал вариантини танлашдан иборат.

Режалаштиришни узок, урта ва қисқа муддатли тулраи мавжуд.

Бизнес- режа тадбиркор бошланаётган иш тўғрисидаги умумлашган мулохазалар, гоёлар мажмуи бўлиб, унинг концепцияси, стратегияси, маркетинг режаси ва бошқ томонлари ифодаланган хужжатдир. Бизнес режа корхонанинг келажакини аниқлаб беради, синчиклаб таҳлил қилиб чиқишга имкон беради.

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Режалаштириш, фирмани имиджи, режалаштириш элементлари, бизнес режа, режалаштириш турлари, бизнес режа, булимлари, режалаштириш жараёни босқичлари, резюме, бюджетни режалаштириш, товар, рентабеллик, товар утқазиладиган бозор, маркетинг стратегияси, ишлаб чиқариш дастурлари

## НАЗОРАТ ВА МУЛОХАЗА САВОЛЛАРИ.

1. Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш деганда нимани тушунасиз?
2. Режалаштиришнинг қандай элементларини биласиз?
3. Режалаштириш жараёни қандай босқичларни уз ичига олади?
4. Режалаштиришнинг қандай йулларини биласиз?
5. Бизнес- режани моҳияти ва мазмуни нимадан иборат?
6. Бизнес- режа қандай тайёрланади ва ундан қандай фойдаланиш мумкин?
7. Бизнес- режанинг асосий булимларини мазмуни нимадан иборат?
8. Стратегик режалаштириш жараёни ва унинг босқичлари қандай?

### Адабиётлар руйхати

#### Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 15 июн.
2. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис қонунчилик палатасм ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январ, 20-сон.
3. Иванов Л.Н., Иванов А.Л., Методы принятия решений бизнес-плана.-М.: Приор- издат, 2004.
4. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003.
5. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Меҳнат, 2000.
6. Еременко А. Разработка бизнес-приложений в Microsoft Business solutions-Alapta иерсии. 3.0/Фелексей Ермененко, Руслан Шашков. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.-503 с.
7. Ходиев Б.Ю., ва бошқалар. Кичик тадбиркорлик асослари(ўқув-амалий Қўлланма)-Т.:ЕХ, ТЕМПУС “Консаудит”, 2004.
- 8.Rambler-http ://www/rambler, ru/;
9. www. gov. uz.

### Қўшимча адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 16 июн.
2. Рубин Ю.Б. Теория и практика предпринимательское конкуренции –М.: ООО Марлет Дс корпорейшен, 2004.

3. Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л., Малое предпринимательство: учебник.- М.: ИНФРА –М., 2004.
4. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. пособие для вузов/ Под ред. Проф. В.Я.Горфинкеля, проф. В.А Швандара.-2е изд., пререб. И доп.-М.: ЮНИТИ- ДАНА, 2003-283 с
5. [www.ziyo.edu.uz](http://www.ziyo.edu.uz)  
www.edu.uz.

## **8-мавзу: Тадбиркорликни бошқаришни ташкил этиш**

8.1. Тадбиркорликда бошқаришнинг роли.

8.2. Тадбиркорликда меҳнатнинг шартнома шаклидан фойдаланиш.

8.3. Тадбиркорликни бошқариш ва уни ташкил этиш.

### **8.1. Тадбиркорликда бошқаришнинг роли.**

Бошқаришда тадбиркорлик фаолияти дейилганда—ишни ташкил этишга таъсир кўрсатадиган шарт-шароитлар ва омиллар борлиги тушунилади. Тадбиркорлик фаолиятининг мақсадлари ва вазифалари бевосита бозор тамойилларидан келиб чиқади.

Маълумки, бозор иқтисодиети шароитларида сотувчилар уз товарларини имкон борича купрок фойда берадиган Қилиб сотишга, харидорлар эса бу товарларни имкони борича арзонрок харид килишга интилади.

Бозор иқтисодиётида давлат томонидан кўрсатиладиган чоралар ижтимоий химоя, атрофдаги мухит муҳофазаси, инсон кадрини, демократияни химоя килиш ва бошқаларга каратилган бўлиши мумкин. Тадбиркорликнинг мухим томони унинг фаолиятини бошқариб боришдир. Тадбиркорликни бошқариш мохият эътибори билан олганда мақсадга эришиш йулида килинадиган хатти-харакатларни жонлантириш учун бир шахс еки шахслар гурухи томонидан бошка шахсга таъсир утказишдан иборат.

Тадбиркорликни бошқариш уч жихатни уз ичига олади:

1. “Кимни” “ким” бошқаради?

Бу нарса бошқарув вазифалари, бошқарув органлари вазифаларининг ижросини таърифлайди. Иккинчидан, шахсларни ва Қарорларга алоқадор воситачи кишиларни ким бошқариб бориши шу йул билан аникланади.

2. Бошқарув “кай тарика” амалга оширилади ва бошқариладиган кишиларга у кай тарика таъсир утказади?

3. Бошқарув “нима” билан амалга оширилади? Тадбиркорликни бошқаришнинг мухим вазифаси тадбиркорлик сиёсатини белгилашдир. Тадбиркорлик фаолиятининг сиёсати барча норматив талаблар ва шу талабларни амалга ошириш усуллари уз ичига олади.

Тадбиркорлик фаолиятининг самарали бўлишида тадбиркорлик мухити омилларини тадқиқ этиш мухим уринни эгаллайди. Тадбиркорлик мухити дейилганда фирманинг фаолият кўрсатиб боришига таъсир утказадиган ва бошқарувга оид қарорлар қабул килишнинг талаб этадиган шарт-шароитлар ва омиллар бор йуклиги тушунилади. Тадбиркорлик мухитининг ички ва ташқи омиллари тафовут килинади. Ички мухит дейилганида фирманинг олинадиган фойдани купайтиришга каратилган бошқарув механизмини уз ичига олувчи хўжалик фаолияти тушунилади.

Тадбиркорликнинг ташки мухити дейилганда рақобатчи фирманинг фаолиятини катъий назар атрофидаги мухитда юзага келадиган, лекин, унинг иш олиб боришга таъсир утказадиган барча шарт -шароитлар ва омиллар тушунилади.

Тадбиркор катта фойда олиш учун куйидаги йуналишларда уз мақсадини аниқлаб олиши керак: фан-техника соҳасида - янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва жорий этишни; ишлаб чиқариш соҳасида технология жараёнини такомиллаштириш ва янги технологиядан фойдаланиш, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини яхшилашни; меҳнатни утқишиш, сотишда-хар 1 меҳнатга нисбатан бозор улушини саклаб қолиш ва кенгайтириб бориши лозим.

Бошқаришнинг асосий вазифаси омиллар таъсирининг табиати ва даражасини аниқлаб, тадбиркорлик фаолиятининг самарали амалга ошириши ва ривожига таъминлашга қаратилган Қарорлар Қабул қилишдир. Шу мақсадда тадбиркорлик мухити омиллари куйидаги жараёнларда:

- маркетинг тадқиқотлари ва маркетинг дастурларини ишлаб чиқишда;
- бизнес-режа кўрсаткичларини ишлаб чиқаришда;
- оператив бошқаришда;
- хўжалик фаолияти натижаларини назорат қилиб бориш жараёнида мунтазам таҳлил қилиб борилади.

Республикамизда иқтисодий ислохатларни амалга оширишга асосий мақсад-бозор муносабатларни ташкил этиш, бозорни турли туман зарур товар ва хизматлар билан тулдириб, истеъмолчиларнинг саралаб товар харид қилишига кенг имкониятлар яратиш, пировард натижада халкнинг фаровон турмуш шароитини таъминлашдан иборат.

Халқимизнинг фаровон турмушини яратишда, кенг истеъмол товарлар билан бозорни туқин сочин қилишда, аҳолига турли-туман хизматлар кўрсатишни ташкил этишда тадбиркорликнинг ҳам уз урни бор. Чунки тадбиркор канча ривожланса, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳам шунчалик ривожланади.

Ўзбекистон республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунида белгиланганидек, хар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг шахсан иштирок этишига ёки бошқа фуқароларнинг меҳнатининг куллаш йули билан фойда олишга асосланиши мумкин

## **8.2. Тадбиркорликда меҳнатнинг шартнома шаклидан фойдаланиш**

Тадбиркорликни ривожланишида Республикаимизнинг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни билан бирга Президентимизнинг “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида ”ги Фармони, шунингдек 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий тадбиркорлик бу фуқоролар томонидан узларининг тавакалчиликлари ва мулкӣ жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида, амалдаги Қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир. Хусусий тадбиркорлик икки турдаги қуринишда бўлади. Унинг бири ёнланма меҳнатни жалб қилиш асосида ҳуқуқӣ шахс ва уни белгиланган тартибда руйхатдан утқазиб фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик, иккинчиси эса юридик шахс бўлмай фаолият кўрсатадиган, ёлланма меҳнатни жалб этмайдиган - яка тартибдаги тадбиркорликдир.

Хусусий корхонага янги ходимлар томонларининг ҳуқуқи ва бурчлари қелишилган шартнома асосида қабул қилинадилар.

Меҳнат шартномасида ходимнинг иқтисослиги, малақаси, лавозими; контракт тузилган муддат; меҳнат шароити ва унга меҳнат фаолиятининг у ёки бу турини бир биридан фарқловчи ҳақ тулаш; ижтимоӣ ва тиббий суғурта, ижтимоӣ таъминот, ходимнинг ижтимоӣ химояланганлиги, шартномани бузганлиги учун жавобгарлиги қаби мажбуриятлар, шароитлар ва шартлар белгиланади.

Тадбиркорликнинг мазмуни ва табиатиға кўра айрим кишилар ёки гуруҳларнинг уз узини иш билан таъминлаш ва ташаббускорлиғига асосланган фаол меҳнат фаолияти сифатида баҳоланишимиз мумкин.

Бу уринда тадбиркорлик меҳнатининг бозор муносабатларига ҳос таввақалчилик шароитида меҳнат, ишлаб чиқариш в ижтимоӣ иқтисодий вазиқаларнинг ташкилий ечимини қидириш ва руёбға чиқариш билан боғлиқ иждодий, ақлий иш сифатидаги узига ҳос табиати хусусида гапириш мумкин. Шундай қилиб, тадбиркорликни ўзаро боғлиқ бўлган икки хил қуринишда қараш қерак: биринчидан, бозорнинг ҳаракатлантирувчи қучи сифатида, иккинчидан, меҳнатнинг алоҳида соҳаси сифатида. Ана шунинг учун ҳам тадбиркор инсон билан бозор иқтисодиёти ва меҳнат фаолиятининг узига ҳос, хўжалиқ таввақалчилиги билан боғлиқ турининг субъекти сифатида намоён булувчи шахсдир.

Меҳнатни, ишлаб чиқаришни, бошқарувни илмий ташкил этиш сармоядорларға қатта қатта фойда қелтирганлиги сир эмас, Японияда 1 ишчи йилиға 100тадан ортик автомобиль ишлаб чиқарса, Россияда 18-20 тадан ошмайди, Япониялик қупгина урта ва йирик фирмалар юзлаб, минглаб қичик корхоналар билан ҳамкорлик қиладилар.

Андижонда ташкил этиб, ишға туширилган автомобиль заводида ҳам худди шундай имқониятлар яратилиб, эгилувчан ва қулай, хўжалиқ тартиби бунёд була олади.

“Қичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини рағбатлантириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўрсатилишича, тадбиркорлик соҳасиға ходимлар сони саноат ва қурилишда 50 қишиғача, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда 25 қишиғача , фан ва илмий хизмат кўрсатишда 10 қишиғача, қакана савдода 5қишиғача бўлган, уз меҳнати ва

ёлланган меҳнатни куллаган ҳолда, таввақал қилиб ва мулкӣ жавобгарликни зиммасига олиб, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга фойда олишга қаратилган ташаббускор меҳнат фаолияти қиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва урта бизнесни ривожланишини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кўрсатилишича;

-хусусий тадбиркорлик, кичик ва урта бизнесни жадал ривожланиши асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун макбул шароит яратиш мақсадида қуйидагилар кичик ва урта бизнес субъектлари ҳисобланади:

- мулк шаклидан қатъий назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига урта ҳисобда 10 нафаргача, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар;

-мулк шаклидан қатъий назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига урта ҳисобда 40 нафаргача, қурилиш, қишлоқ хўжалик ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 нафаргача, илм фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар;

-мулк шаклидан қатъий назар, кичик корхоналар учун йилига белгилангандан ортиқ, лекин ишлаб чиқариш соҳасида 100 нафардан, қурилишда 50 нафардан, қишлоқ хўжалик ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода 30 нафардан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 20 нафардан ошмайдиган иш билан банд ходимга эга бўлган урта корхоналар бўлиб ҳисобланадилар.

Корхоналарни турли шаклларида меҳнатни ташкил этиш ва уни бошқаришга алоҳида эътибор берилса, тадбиркор фойдаси олиб боради ва корхона маҳсулоти бозорда рақобатга бардошли бўлиб, ишловчилар эса юксак меҳнат унумдорлиги асосида ишлашдан манфаатдор бўлади. Корхоналарни барча турида яратиладиган фойда асосан меҳнат орқали вужудга келиб, ҳам ишловчини ҳам мулк эгасини бойитади. Бозор муносабатларини ривожланиб бориши туфайли тадбиркорлик корхоналари оладиган фойданинг муҳим манбаи ишловчиларни юқори меҳнат унумдорлиги даражасида яратган маҳсулоти корхонани истикболини белгилаб беради.

### **8.3.Тадбиркорликни бошқариш ва уни ташкил этиш**

Тадбиркорлик фаолиятини тугри ташкил этиш ва бошқариш тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шартлардан биридир. Тугри ташкил этилган бошқарув жараёни мавжуд имкониятлардан самарали

фойдаланиш оркали даромадларнинг купайтиришни, харажатларининг оқилона сарфланишини ҳамда фойданинг ошишини таъминланиши шубҳасиз.

Ташкил этиш усулларига кўра менежментнинг:

-ишлаб чиқариш (товар махсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш);

-илмий-техникавий (ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзасидан илмий-техникавий изланишларни олиб бориш ва уларнинг натижаларини жорий этиш);

-молиявий сармоялар кимматбаҳо коғозлар, валюта бозорида иштирок этиш);

-тижорат (товарлар бозорида айирбошлаш билан шугулланувчи);

-кадр билан ишлаш (кадрларни баҳолаш, жой жойига қуйиш, рағбатлантириш, меҳнат бозорида иштирок этиш) каби турлари бор.

Фирманинг бошлангич вазифаси менежмент стратегиясини, келажак учун бош йуналишларини, мақсадни ва унга эриши йулларини танлашдир. Хақиқий рақобат, қучли қасаба уюшмалари, истеъмолчиларнинг жамоатчилик ташкилотлари давлатнинг монополияга қарши сиёсатидан ҳукмронлиги шароитида бундай стратегияни амалга ошириш осон бўлмайди. Юқори фойда даражасига товар сотиш ҳажмини ошириш, айланма воситалар айлантиришнинг тезлаштириш, ҳамкорлик шароитларига риоя этиш, янги бозорлар ва янги технологияларни эгаллаш оркали эришилди. Жамоа бўлиб тадбиркорлик фаолиятини олиб боровчилар учун нафакат фойданинг қупайиши ва фойда даражасининг юксалиши, балки ялпи даромаднинг ошиши ҳам қатта аҳамиятга эгадир. Чунки меҳнатга ҳақ тулаш ва бошқа фондлар унга боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш ва савдо менежменти мақсадига минимал харажат сарфлаб шартнома асосида қелишилган муддатга товарлар ишлаб чиқариш ёки товарлар моҳиятини етқазиб бериш, ҳамда хизмат кўрсатишдан қупрок фойда орттириш қиради. Менежер учун қийинчилик тугдирувчи масалаларнинг энг асосийлари қуйидагилар қиради:

- компьютер ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнларини қузатиб бориш учун қул қеладиган кўрсатқичларнинг энг зарурлигини танлаш;
- фирма бошқарувининг энг самарали тартибини юзага қелтириш;
- махсулот сифатини бошқариш;
- кадрларни бошқариш;
- ишлаб чиқариш воситаларини янгилаб туриш ва хом-ашё билан ишлаб чиқаришни бетухтов таъминлашни ташкил этиш, ҳамда захираларни бошқариш.

Тижорат менежменти - фирманинг тижорат фаолиятини бошқариш тизими бўлиб, харидорлар талабини таҳлил этиш ва урганишни, ишлаб чиқариш, сотиш ва етқазиб бериш, ҳамда сервис хизматини кўрсатиш режаларини талабга қараб мослаштиришни уз ичига олади. Маркетолог - менежерларнинг мақсади харидорларга аввал ишлаб чиқарилган товарларни



Қандай булсада сотиш эмас балки уларнинг талабига караб товарни ишлаб чиқариш ва таклиф этишга эришиш булсагина, улар рақобатқобил була олади.

Товарнинг қандай ҳаётий босқичда эканлигини ҳисобга олиш зарур, чунки янги товарнинг бозорга кириб келишида унинг рентабелли ёки рентабелсиз товарга айланиши даврини аниқлаш мумкин. Товарнинг андозасини яратишдан тортиб уни ишлаб чиқариш, сотиш ва сотувдан кейин хизмат кўрсатишгача бўлган мураккаб бошқарув ишлари маркетинглар иши бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бозорни ўрганиш, харидорлар талабини, даромадларини, баҳолар даражасини келажак учун аниқлаш;
- лойиҳаловчиларга баҳолар лимитини ва техник вазифаларини бўлиб товар андозасини яратиш бўйича буюртма бериш;
- реклама, турини кургазмалар ташкил этиш буюртмачиларга маълумотлар жунатиш орқали бозор учун янги маҳсулотни шакллантириш;
- шартномалар тизими, ишлаб чиқаришни бошлаш ва моҳиятни янада такомиллаштириш чораларини куриш;
- товар сотилишини ташкил этиш;
- истеъмолчиларга қўшимча хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ҳамда уларни фойдаси бўйича маслаҳат бериш ва бошқалар.

Молиявий менежмент фирманинг молиявий масалаларига раҳбарлик қилишдан иборат. Ушбу масалаларга даромадларни шаклланиш, солиқларни вақтида тулаш, ссудалар ҳамда газ, сув, электр энергияси, коммунал ва алоқа хизматлари учун ҳақ тулаш, сарфланадиган сармоялар резерв маблағларини юзага келтириш, дивидендлар туланишини бошқариш қабилар қиради.

## ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР.

Тадбиркорлик фаолиятини тугри ташкил этиш ва бошқариш тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шартлардан биридир. Тугри ташкил этилган бошқарув жараёни имкониятлардан самарали фойдаланиш даромадларнинг қупайишини, харажатларнинг оқилона сарфланишнинг ҳамда фойданинг ошишининг таъминлаши шубҳасиздир.

Бозор иқтисодиётида давлат томонидан кўрсатилган чоралар ижтимоий ҳимоя, атрофдаги муҳит муҳофазаси, инсон кадрини, демократияни ҳимоя қилиш, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва бошқаларга қаратилган бўлиши мумкин. Тадбиркорликнинг муҳим томони унинг фаолиятини бошқариб боришдир. Тадбиркорликни бошқариш моҳият эътибори билан олганда мақсадга эришиш йулида қилинадиган ҳатти-харажатларни жонлантириш учун бир шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан бошқа шахсга таъсир утқизишдан иборат.

Тадбиркорликни бошқаришнинг муҳим вазифаси тадбиркорлик тадбиркорлик сиёсатини белгилашдан иборат бўлиб, бу сиёсат барча

норматив талаблар ва шу талабларни амалга ошириш усуллари уз ичига олади.

Бошқаришнинг асосий вазифаси омиллар таъсирининг табиати ва даражасини аниқлаб, тадбиркорлик фаолиятининг самарали амалга ошиб бориши ва ривожини таъминлашга қаратилган қарорлар қабул қилишдир.

Тадбиркорлик фаолиятини олиб боровчилар учун нафакат фойданинг қупайиши ва фойда даражасининг юксалиши, балки ялпи даромаднинг ошиши ҳам катта ахамиятга эгадир.

Корхоналарни турли шаклларида меҳнатни ташкил этиш ва уни бошқаришга алоҳида эътибор берилса, тадбиркор фойдаси олиб боради ва корхона маҳсулоти бозорда рақобатга бардошли бўлиб, ишловчилар эса юксак меҳнат унумдорлиги асосида ишлашдан манфаатдор бўлади. Корхоналарни барча турида яратиладиган фойда асосан меҳнат орқали вужудга келиб, ҳам ишловчини ҳам мулк эгасини бойитади. Бозор муносабатларини ривожланиб бориши туфайли тадбиркорлик корхоналари оладиган фойданинг муҳим манбаи ишловчиларни юқори меҳнат унумдорлиги даражасида яратган маҳсулоти корхонани истикболини белгилаб беради.

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Бошқариш, тадбиркорлик мухити, тадбиркорликни бошқариш, ички мухит, молиявий менежмент, ташқи мухит, тижорат менежменти, илмий-техникавий менежмент, ишлаб чиқариш менежменти.

## НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Тадбиркорликда бошқаришнинг роли нимадан иборат?
2. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш усулларига кўра бошқаришнинг Қандай турларини биласиз?
3. Тадбиркорликни бошқариш Қандай жихатларни уз ичига олади?
4. Бошқаришнинг асосий вазифаси нимадан иборат?
5. Тадбиркорлик мухити дейилганда нимани тушунасиз ва уларни Қандай турларини биласиз ?
6. Тадбиркорликда меҳнатнинг Қандай шаклидан фойдаланилади?

### Адабиётлар руйхати

#### Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 15 июн.
2. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасм ва Сенатининг Қушма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январ, 20-сон.

3. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003.

4. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Меҳнат, 2000.

5. Еременко А. Разработка бизнес-приложений в Microsoft Business solutions-Аларта иерсии. 3.0/Фелексей Еремененко, Руслан Шашков. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.-503 с.

6. Ходиев Б.Ю., ва бошқалар. Кичик тадбиркорлик асослари(ўқув-амалий Қўлланма)-Т.:ЕҲ. ТЕМПУС “Консаудит”, 2004.

7.Rambler-http ://www/rambler, ru/;

8. www. gov. uz.

9.Яндекс- http ://yandex/ru/;

### **Қўшимча адабиётлар рўйхати**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя Қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 16 июн.

2.Рубин Ю.Б. Теория и практика предпринимательское конкуренции –М.: ООО Марлет Дс корпорейшен, 2004.

3. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. пособие для вузов/ Под ред. Проф. В.Я.Горфинкеля, проф. В.А Швандара.-2е изд., пререб. И доп.-М.: ЮНИТИ- ДАНА, 2003-283 с

4. [www.ziyo.edu.uz](http://www.ziyo.edu.uz)

5. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

6. <http://www.ced.bg/eng/projects/project12/publication/book.htm>

7. <http://www.unece.org/sme/cjnfrm01.htm>

## **9-Мавзу: Тадбиркорликни банк, солиқ хизмати ва аудит билан ўзаро алоқалари**

- 9.1. Банк билан ўзаро алоқа, кредит шартномаси.
- 9.2. Давлат солиқ сиёсати ва солиқ турлари.
- 9.3. Аудит ва аудиторлик тафтиши.

### **9.1. Банк билан ўзаро алоқа, кредит шартномаси**

Бозор иқтисодиётига утилиши туфайли жамиятда янги молиявий сиёсат ишлаб чиқилди ва ҳукумат томонидан реал ҳаётда амалга оширилмоқда. Жамиятдаги ҳар бир иқтисодий фаолиятни бошланиши давлатнинг яқиндан туриб берган молиявий ёрдами туфайли ривожланиб, такомиллашиб бориши мумкин. Жумладан “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги, Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорида кичик ва хусусий тадбиркорликни Қўллаб Қувватлашда банкларни ролини ошириб боришга алоҳида эътибор берилган.<sup>10</sup>

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини асосий фаолияти банклар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар олиб бораётган фаолият хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тулаш, иш хақи билан ишловчиларни таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар, юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар яъни олинган фойдадан, даромаддан солиқ тулаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари, уз навбатида олинадиган кредитлар ҳам бошқа ҳисоб-китоблар ҳам банклар орқали амалга ошади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз мустақилликка эришгунча банк ва банклар билан бўладиган турли иқтисодий муносабатлар унчалик ошқора этилмас эди. Жаҳон хўжалигини муҳим хўжалик юритиш қисми бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барча фаолияти банклар билан боғланганлиги бугунги кунда ҳаммага маълум бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда, масалан, АҚШда банк тизимини фаолияти ниҳоятда ривожланган бўлиб, тадбиркорларни актив иқтисодий фаолият кўрсатишида банклар барча мулк шаклидаги корхоналарга комплекс равишда хизмат кўрсатади. Умуман банк операциялари пассив ва актив операциялардан иборат бўлиб, пассив операциялар пул маблағларини маълум бирор йуналишга сафарбар этишга қаратилган. Банклар пассив операциялар

<sup>10</sup> 1119. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш. БМИ ва МДлар бўйича тайёрланган 15 минг мавзулардан олинган. Т.: ТДИУ, 2005.

оркали жамгармаларни ва вақтинчалик буш турган маблағларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиб фойда олади. Актив операциялар турли характердаги кредитларни бериш операциялари билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги элементлари буйича туркумланади: 1. Муддатлар буйича кредитлар 1 йиллик, 5 йиллик 7-10 йилга мулжалланган бўлиши; 2. Кредитларни хажми буйича кичик, урта, йирик миқдорда ҳар бир миқдорга индивидуал ва молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади; 3. Айрим турлари буйича махсус қафолатни танлаб танлаб қилмайдиган, гаров эвазига берилмайдиган кредитлар; 4. Кредиторларни турлари буйича яъни давлат, тижорат, хусусий ва бошқа турлари буйича бериш; 5. Заёмни турлари буйича юридик шахслар ва ҳақозоларга бериш; 6. Вақтинчалик фойдаланиш учун инвестиция, истеъмол учун, қарзларни тулаш асосан экспорт ва импорт операцияларини бажариш учун бериладиган кредитлар.

Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида мулк эгаллигининг кичик ва хусусий тадбиркорлик шакли корхоналари уз фаолиятида турли банклар билан муомалада бўладилар. Бу жараён аввало олдингиларидан фарқ қилган ҳолда анча мураккаб ҳисобланади, чунки олдинги жараёнлар асосан корхоналар орқали банк уз фаолиятини олиб борганлиги билан характерланади. Тадбиркорлик фаолияти шаклланиши туфайли банклар хусусий мулк эгалари ва кичик корхоналар фаолияти билан боғлиқ операцияларни бажаришга уз имкониятларини сафарбар этиб борадилар.

Турли мулкчилик шароитида республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни Қўллаб-қуватлаш тўғрисида 1995 йил 14 февралдаги Вазирлар маҳкамасининг № 55 Қарорида Ўзбекистон ҳудудидаги барча тадбиркор банкларни кичик ва хусусий тадбиркорларга ҳисоб счётларини 3 кун ичида уларни аризалари ва ҳокимиятда руйхатга олинганликлари тўғрисидаги гувоҳномалари асосида бошқа кераксиз ҳужжатлар талаб қилмай очишлари тўғрисида кўрсатма берилган. Бу Қарорлар туфайли республикада минглаб кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барпо этилишига имконият яратилиб, бу соҳадаги корхоналар сони кундан кунга қўлайиб бормоқда. Шу билан бирга кичик ва хусусий тадбиркорлар хорижлик мулк эгалари, тадбиркорлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борадиган бўлса, давлат валюта операциялари олиб боришга руҳсат берди. Республика банклари билан тадбиркорлар уртасида бўладиган шартномалар, товарлар савдоси, хизматлар буйича бўладиган тўловларни эркин конвертациялаштирилган валютада амалга ошириш мумкин.

Тадбиркорларни банклар билан бўладиган операцияларида турли эркинликлар бериб қуйилганлиги шунда намоён бўлмоқдаки, хусусий тадбиркор уз жамгармасини Ўзбекистонни турли банкларида уз ҳисоб счётида сақлаши, кредит ва касса операцияларини бажариш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Банклар билан тадбиркорлар уртасидаги муносабатларда амал қилаётган Қонунларга ва шартномаларга асосан пул утқиши йули билан ҳисобкитоблар олиб бориш мумкин.

Банклар тадбиркор счётида пул маблаглари, кимматли коғозлар ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни сақлаши билан кафолатланиб боради. Банклар тадбиркорлар ва мижозлар билан бўладиган операцияларда пул эгаси томонидан топширик коғози банкка келиб тушиши билан 12-13 соат давомида кейинги операциялар бажарилиши зарур. Мулк эгалари ҳисобига пул утказиш шаҳар ичида 4 иш кунида, вилоят ичида 5 иш кунида, республика ичида 10 иш кунида бажарилиши лозим. Агар бир Қонун шартлари бузилса мижозга йиллик фоиз миқдорида банк жарима тулайди. Банк мижозларнинг аризасига биноан уларга тегишли операцияларни бажаради. Банклар тадбиркорларни Республика Марказий банки томонидан киритилган узгаришларни, коидаларни айниқса ҳисоблар бўйича нақд пулсиз тарздаги операциялар бўйича узгаришлар тўғрисида тадбиркорликни хабардор қиладилар. Банк уз вақтида мижозни кечикиб утказган операциялари учун, пулни нотугри перевод қилганлиги учун банк айбдор сифатида ҳар бир кун учун мижозга утказилаётган суммани 3 фоизи миқдорида жарима тулайди. Банкни айби билан ҳисоб ҳужжатлари йуқолса, мижозга ҳужжатда кўрсатилган суммани ҳар бир куни учун 3 фоиз миқдорда банк жарима тулайди.

Тадбиркор томонидан банкка нотугри маълумот берилган бўлса (масалан, пул утказиш бўйича мижозни адреси нотугри кўрсатилган бўлса) мижозлар 5000сум жарима тулайди, агар шу ҳол яна такроланса хизмат фаолият юргизиши тухтатилади. Тадбиркорлар билан банк уртасидаги кредит бериш бўйича бўладиган операциялар икки томон уртасида имзоланган шартнома авсосида амалга оширилади. Операцияларни муваффақиятли бажариш учун ҳар бир тадбиркор “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” Республика Қонунларини чуқур урганиб, унга риоя қилиши лозим. Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик корхоналарини ҳаёти ва иқтисодий фаолияти валюта операциялари билан боғлиқлиги маълум. Тадбиркорлик корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда ҳам миллий валюта ҳамда хориж валютасида операцияларни бажаришга тугри келмоқда. Айниқса ташқи савдо восита валюта операциялари билан боғлиқ ҳисобланади. Валюта операциялари валюта курси бўйича икки томон валютаси нисбати солиштирилиб амалга оширилади. АҚШ доллари валюта котировкасида база сифатида халқаро майдонда Қабул Қилинган. Бошқа мамлакатлар валютаси курс бўйича АҚШ долларига солиштирилиб борилади. Доллар курси абадий булмаб, бу ҳам узгариб туради. Валюта курсини узгариб туриши ҳар куни ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун банклар курсни банк фаолият бошлаш вақтидаги ёки ёпилиши вақтидаги курслар бўйича ҳисоб-китоб ишларини олиб боради. Валюта курсини узгариб бориши ҳақида ҳар ҳафтада матбуотда жадвал бериб борилади. Бу ахборот тадбиркорларни иқтисодий фаолиятида муҳим ҳисобланади. Валюта операцияларида асосий уринни кредит, кимматли коғозлар, валютани фойда олиш мақсидида сотиб олиш ва сотиш қабилар эгаллайди. Хўжалик юритиш жараёнида ҳозирги кичик ва хусусий мулк эгалари валюта ҳисоб-китоб

счетига эга бўлиш ҳуқуқини олиб, эркин тазда валютани сотиб олишлари ҳам мумкин. Тадбиркорлар хориж фирмалари ва тадбиркорлари билан савдо килишлари натижасида валютани эркин сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Умуман бозор иқтисодиёти жаҳондаги йирик ривожланган мамлакатларни муомаладаги валюталарни мамлакат ички бозорида ҳаракат этиши учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Тадбиркорлар валюта билан боғлиқ бўлган фаолиятларидан самарали фойдаланиб, хориж валютасига янги техника ва замонавий технология харид қилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида хизматни сифатини оширишга ишлаб чиқариш соҳасида сифатли маҳсулот қилиб чиқариб унинг реализациясидан катта фойда олиш имкониятларига эга бўладилар.

## **9.2. Давлат солиқ сиёсати ва солиқ турлари.**

Барча мулк шаклларида катъий назар корхоналар Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги”ги Қонунга ва Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ давлат ва маҳаллий бюджетларга туланадиган солиқлар тарзидаги даромадлар манбалари белгилаб берилган. Бу солиқларни жорий этишдан кузланган мақсад давлат ижтимоий кафолатларининг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишдан, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланишни ва атроф муҳитни муҳофаза этишни рағбатлантириш иборатдир. Белгилаш усулига кўра солиқлар бевосита ва билвосита солиқларга булинади. Бевоситалари жумласига куйидагилар киради: даромад солиғи, фойдадан олинадиган солиқ, ресурс тўловлари, мол-мулкка солинадиган солиқлар. Билвосита солиқлар хўжалик ишлари, молиявий муомалалардан келиб чиқадиган (Қўшимча Қийматга солинадиган солиқ, акциз солиқлари, божхона тўловлари, кимматли коғозлар билан Қилинган ишлардан олинадиган солиқ).

Солиқ солиш объекти, корхонанинг ҳисобот давридаги ялпи даромади бўлиб ҳисобланади. Солиқ солиш базаси бўлиб, солиқ тўловчи деб ҳисобланган корхоналарга солиқ солиш мақсадларида моддий ва унга тенглаштирилган узга харажатлар, шунингдек мажбурий тўловлар ҳисобланади. Тадбиркор корхоналардан ҳисоблаб чиқилган солиқ солиш базасига мувофиқ солиқ ставкалари куйидаги тарзда белгиланади:

1. Мулкчиликнинг барча шаклдаги корхоналарининг даромадларига 18 фоиз фойда солиғи тўловчилар 36 фоиз ставка буйича солиқ солинади;

2. Видеосалонлар, ким ошди савдолари, казинолар, пул ютуги чиқадиган уйин автоматлари, давлатга қарашли булмаган идоралар утказадиган лотерея уйинларидан ва оммавий концерт томоша тадбирлари утказишдан олинадиган даромадларга 60 фоиз ставка буйича солиқ солинади;

3. Чет эл капиталининг улуши устав фондининг 30 фоиздан камини ташкил этган кушма корхоналарнинг даромадларига устав фондида чет эл капиталининг улуши 30 фоиздан куп бўлган корхоналарнинг, шунингдек чет эл корхоналарнинг, улар филиалларининг, ваколатхоналарининг ва шубба корхоналарининг даромадларига эса 10 фоиз ставка буйича солинади;

Устав фондида чет эл капитали бўлган кушма корхоналар хорижий катнашчиларининг даромадлари чет элга утказилаётганда, башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида узга тартиб белгиланмаган булса, уларга 15 фоиз хажмда солиқ солиниши белгиланган.

Даромадлар чет элга утказилаётганда солиқ тўловининг суммаси утказилаётган даромад валютасида туланади.

4. Корхонанинг акциялар буйича олинган дивидендлардан тушадиган даромадига ҳамда узга корхоналарнинг устав фондига киритилган капиталдан олган бошка даромадларига 15 фоиз ставка солиқ солиш тартиблари белгиланган.

5. Савдо корхоналарининг даромадлилик даражасига кўра ялпи даромаддан табакалаштирилган ставкалар буйича солиқ Вазирлар Маҳкамасининг “Савдо корхоналари ва ташкилотларига солиқ солишдаги айрим узгаришлар тўғрисидаги”ги Қарорида кўрсатилган тадбирлари белгиланган ва амалда кулланилмокда.

6. Қишлоқ хўжалиги билан машгул дехкон-фермер хўжаликларининг фойдасидан олинандиган солиқ тўловларининг ставкалари уларнинг рентабеллик даражасига узвий боғлиқ равишда белгиланади. Хўжаликнинг рентабеллик даражаси 25 фоизгача булса 3 фоизга, 25 фоиз ва ундан ортик булса 20 фоиз солиқ ставкалари олинади.

Республика худудида ишлаб чиқарилаётган айрим акцизли маҳсулотларга акциз солиғи куйидаги тартибда кулланилади:

Акциз товарни акциз солиғи суммасини ва сотиш нархини аниқлашга доир куйидаги мисолни келтирамыз (ракамлар шартли):

	(маҳсулот бирлигига).
1. Корхонанинг улгуржи нархи	40-00
2. Сотиш нархига акциз солиғи ставкаси (%)	50
3. Сотиш нархи (акцизни ҳисобга олганда), суммларда:	

$$\frac{1 \text{ катор} \times 100}{100-2 \text{ катор}} = \frac{4000}{50} \quad 80 - 00$$

4. Акциз солиғи суммаси, суммларда  
(3 катор-1 катор), ёки:

3 катор x 2 катор



100

Изох: Корхонанинг улгуржи нархи тўловчи томонидан мустикал равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 27 январь 1995 йилдан тасдиқланган № 9 “Молиявий натижаларини шаклланиш тартиби ва махсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган махсулотлар (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш буйича харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом” га мувофиқ, бўлган барча харажатларни узида акс этирган ҳолда аниқланади.

Корхона сотиш нархига акциз суммалари ҳам қиради ва қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$\text{Сотиш (чиқариш) нархи} = \frac{\text{улгуржи нарх} \times 100}{100 - \text{акциз ставкаси}}$$

Бюджетга утқазиладиган акцизлар суммаси қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$\text{Акциз суммаси} = \frac{\text{Сотиш нархи} \times \text{акциз ставкаси}}{100}$$

Акциз солиғи тўловлари буйича қуйидаги имтиёзлар белгиланган.

Акциз солиқлари бекор қилинган товарлар гуруҳига:

- мебель комплектларига;
- хрустал молларига;
- фарфордан тайёрланган сервизлар ва комплектлар;
- холодильниклар, телевизорлар, термослар;
- 1,5 литрли ПТФ бутилкалардаги алкогольсиз ичимликлар;
- спирт настойкалари ва экстрактлари қиради.

Шунингдек, узи ишлаб чиқарган махсулотларни чет элларга етказиб берилгандан, Кизил Ярим ой жамиятининг корхоналари ва ташкилотлари ишлаб чиқарадиган моллардан (бу маблағлар бутунлай Жамият устав вазибаларини бажаришга ишлатилиш шарти) билан акциз солиғи олинмайди.

Нефть ва газ конденсатларига, гилам ва гилам молларига, пахта ёғига Қўшимча дивидентлар ажратиш ҳисобидан дифференциаллашган (табақалашган) акциз ставкалари белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўрсатилган ҳолда тадбиқ этилади.

Қуйидаги ҳоллардан акциз солиғи солинмайди:

- узи ишлаб чиқардан акцизлик товарларни экспортга етказиб бериш; МДХ катнашчилари бўлган давлатларга етказиб берилаётган (олиб кетилаётган) акцизлик товарлар бунга қирмайди;

-тайёр вино ишлаб чиқариш учун республика ичкарасидаги истеъмолчиларга вино материаллари етказиб бериш;

-МДХ катнашчилари бўлган давлатлар билан бирга, экспортга ва саноат Қайта ишловига усимлик пахта ёғи етказиб бериш.

#### **Изоҳ:**

1. *Республика ичкарасидан савдо ва бошқа ташкилотлар томонидан (юкорида кўрсатилган ҳоллардан ташқари) реализация қилинадиган вино материаллари акциз солиғи қулланилган ҳолда реализация қилинади.*

2. *Усимлик (пахта) ёғига ва истеъмол идишида кадокланган тозаланган (дезодолированой саланой) пайта ёғига акциз солиғи кадоклаш буйича харажатларни ҳисобга олмасдан улгуржи нархдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.*

Солиқ суммасини аниқлашда ва уни тулашда акцизларнинг суммасини солиқ тўловчи сотилган товарлар руйхати ва ҳажми ҳамда ана шу товарлар юзасидан белгиланган акциз ставкаларига қараб мустақил ҳолда белгиланади.

### **9.3. Аудит ва аудиторлик тафтиши.**

Тадбиркорларни иқтисодий фаолият юритишларида, молиявий ва бухгалтерия ҳисоб-китобларини тугри амалга оширишларида аудиторлик фирмалари муҳим роль уйнайди. Аудиторлик фирмалари бозор инфратузилмасининг энг муҳим унсурларидан биридир, улар мулкдорлар ва давлатнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мустақил молиявий назоратни амалга оширади.

Ўзбекистонда аудит- Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонуни асосида амалга оширилади.

Аудит - хўжалик юритувчи субъектларни мустақил экспертиза ва молиявий ҳисоботини таҳлил этувчи ташкилотдир, буни шунга вақил Қилинган шахслар - аудиторлар (аудиторлик фирмалари) бажаради.

Аудитнинг асосий мақсади - молиявий ва хўжалик операцияларининг тугрилигини ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига ва бошқа меъёрий ҳужжатларига нечоғлик мослигини аниқлашдан, буларнинг тула-туқислиги, аниқ-равшанлиги, бухгалтер ҳисоби ёки бошқа молиявий ҳисоб юритишга қушилаётган талабларга нечоғлик монандлигини аниқлашдан иборатдир. Аудит тарқибига яна консалтинг, яъни миқоз билан шартнома тузиб, хизматлар кўрсатиш ҳам қиради.

Аудиторлик фаолияти хўжалик юритувчи субъекларининг фаолияти устидан маҳсус вақолат олган давлат идораларининг назорати урнини босмайди.

Аудитнинг асосий “ҳаракатланувчи шахси” аудитор ва аудиторлик фирмасидир.

Аудиторни мижоз билан шартнома тузган аудиторлик фирмаси хўжалик юритувчи субъект мулкдорлари билан келишилган холда тайинланади.

Хўжалик юритувчи субъект мулкдорлари Қарори билан ёки аудиторни тайинлаган юридик шахсининг Қарорига кўра аудитор чиқариб олиниши мумкин, аудитор бу ҳақда барвақт ёзма тарзда, унинг хизматидан воз кечиш сабабларини кўрсатиб хабардор қилинади.

Текширув вақтида ёки буюртмага кўра, бошқа ишлар қилинаётганида хизматдан воз кечилса, хўжалик юритувчи мулкдор аудитор хизматига ҳақ тулаши шарт.

Суриштирув органи, прокурор, терговчи ва суд топшириги билан аудиторлик текшируви утказилса, харажатлар текширилаётган хўжалик субъекти зиммасига тушади, унинг қулида етарли маблағ бўлмаса, текширувни тайинлаган орган зиммасига тушади.

Мабодо хўжалик юритувчи субъект қулида зарур маблағ бўлмаса-ю текширув харажатларини тулашдан буйин товласа, прокурор аудитор ёки аудиторлик фирмасининг мулкӣ манфаатларини химоя қилиб тегишли судга мурожаат қилиши шарт.

Хўжалик юритиш субъектининг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари аудиторнинг талаби билан қуйидагиларни бажариши шарт:

- молиявий- хўжалик фаолиятига дахлдор ҳужжатларни бериш;
- огзаки ёки ёзма тарзда зарур изоҳлар бериш;
- текширилаётган объектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини сифати экспертиза қилиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш.

“Аудиторлик фаолияти ҳақидаги” Қонун ва бошқа Қонун ҳужжатларининг қоидаларини аудиторлик текшируви вақтида бузғунлик учун аудитор ва аудиторлик фирмаси жавобгар бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига биноан мулкӣ ва маъмурий жавобгарлик;

- лицензия ҳуқуқини тухтатиб қуйиш ёки аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берадиган лицензиядан маҳрум этишгача (лицензия берган орган Қарорига мувофиқ) бўлган интизомий жазолар бериш.

Аудиторлик фаолиятини тартибга солиб туриш учун Қонунчиликда аудиторлар палатасини очиш назарда тутилган.

Ўзбекистондаги аксарият аудиторлик фирмаларини аудиторлар узлари ташаббускор бўлиб тузган, аммо мустақил аудит утказиш учун уларнинг сони етарли эмас. Бу муаммони ҳал этиш учун Давлат мулки қумитаси ташаббуси билан 1996 йилнинг май ойида қимматли қозғалар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатиш учун махсус агентлик “Консаудитинфорт” ташкил этилди.

Тез орада барча қорхоналар иш юритиладиган бозор иқтисодиети шарт-шароитлари фавқулодда қаттиқ ва бинобарин, ҳам мамлакат ичидаги, ҳам чет эл рақобатчи қорхоналари мавжуд бўлган бир пайтда самарали, фойдали ва фаолият йуллари ва воситаларини тугри белгилаш

кобилиятининг ахамияти ошади. Бу аудиторларга Қўшимча вазифа юклайди. Улар корхоналарнинг молиявий ахволи ва унинг кейинги ривожини истикболларини тугри бахолалари зарур.

Шуни таъкидалаш керакки, анъанавий тафтиш эски фактлар., муайян даражада тезгина тарих мулкига айланувчи жорий воқеаларни кайд қилиш, ҳамда бахолалар билан қифояланади.

Аудит булса, на фақат эски ва айни шу аснодаги ҳолатни баҳолаши, балки корхонанинг хўжалик фаолиятига ва унинг натижаларига таъсир кўрсатишга кодир булгуси ходисаларни ҳам олдиндан кўра билиши лозим. Алоҳида фактлар буйича, уларни қиёслаш ва урганиш асосида хўжалик фаолиятининг ривожига тамойилларни илғаб олиш, у ёки бу махсулот ишлар ва хизматларга талаб ҳажмини, булгуси даромадлар ва харажатларни, фойда ва рентабелликни таъминлаш зарур.

Табиийки, бу аудиторнинг малакасига оширилган талаблар қуяди. Аудитор башорат қила олиш фазилатига эга бўлиши, бунда у гоёт бой иқтисодий-математик девон ва замонавий ҳисоблаш техникасидан фойдаланиб амалга ошириладиган хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили усулига таяниш керак.

Айтиш мумкинки, эндиликда қушма корхоналардаги аудит, банк аудити, уз ишлаб чиқаришига эга бўлган ҳиссадорлик жамиятларида ишловчи аудит, инвестиция фондларининг аудити ва суғурта компанияларининг аудити шаклланиб чиқди.

Бошқа бозор тузилмалари- биржалари, савдо-харид фирмалари, шунингдек тижорат фаолияти билан шугулланувчи жамоа ташкилотларида шугулладиган аудитларнинг ихтисослашиб чиқиши кун тартибига турибди.

Албатта, аудиторлик ташкилотига бирон бир тармоқда тижорат фаолиятининг хусусиятлари билан яхши таниш бўлган, молиявий ахволни таҳлил қилиб, текшириладиган корхона ва муассасанинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари буйича малакали хулоса беришга қобилиятли мутахассислар булмаслиги мумкин. Шу туфайли ташкилотлар одатда, уз қуч-гайратларини узлари ишида чинакамига ёрдам бера олишларига кодир бўлган миқдор корхоналарга жамлайдилар.

Маълумки, ҳар қандай фаолият муайян даражада ва муайян тартиб-қоидаларга риоя қилиб амалга оширилиши керак. Аудит стандартлари аудиторлик фаолияти мобайнида узининг мақсадга мувофиқлиги ва пухталигини тасдиқлаган, ҳамда жаҳоннинг турли мамлакатларидаги гоёт қуп сонли аудиторларнинг амалий иш тажрибасида пишиктирилган профессионал меъёрлар ва қоидаларни уз ичига олади. Бунда аудит буйича ягона стандартларни дарҳол ва тула ҳажмда жорий этиш вазифаси кун тартибига мутлақо қуйилмайди. Зеро, ҳар бир мамлакатда конкрет иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар, турли анъаналар ва миллий узига ҳослик мавжудки, аудиторлик хизмат этиш чоғида улар албатта ҳисобга олиниши керак. Аудитнинг халқаро стандартлари хусусидаги гап сузларига

келганда эса, стандартларнинг бундай кенг камровли ва умум томонидан Қабул Қилинган стандартлар тизими табиатан мавжуд эмас.

Барча халқаро стандартларни турт гуруҳга бўлиш мумкин:

■ биринчи гуруҳ - ҳар Қандай мамлакатда дарҳол, бутунича ва тула Қабул килиниши мумкин бўлган;

■ иккинчи гуруҳ - маъқулланиб, арзимас узғаришлар билан Қабул килиниши мумкин бўлган;

■ учинчи гуруҳ - фақат аниқлик киритишгина эмас, балки узининг жорий этилиши учун тегишли шарт-шароитларини (масалан, бозор муносабатларининг янада ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши) вужудга келтиришга эҳтиёж сезувчи;

■ туртинчи гуруҳ - мазкур мамлакатда унинг тарихий анъаналари ва миллий руҳиятига кўра Қабул килиниши мумкин бўлмаган стандартларни уз ичига олади. Аудиторлик ишида, у амалга ошириладиган мамлакатдан катъий назар, қуйидаги мажбурий таркибий қисмлар мавжуд бўлади: у ёки бу хўжалик омилларини текшириш, кузатиш, урганиш ва тугрилигига ёки мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш. Аудитнинг бу ҳамма ҳаракатлари конкрет вазифаларини ҳал қилиш учун энг даражада яроқли бўлган фарқланиши бошқа гап. Аудитнинг зарур шарти ҳисоб-китобнинг қулланилаётган шакл ва усуллари мутаносиблигини текшириш, ҳисобдаги молк-мулк ва маблағларини баҳолаш, у ёки бу мамлакатда ҳозирги вақтда амал қилаётган Қонунлар ва меъерларга ҳисоботни қийслашдан иборат.

## ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини асосий фаолиятини банклар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар олиб бораётган фаолият хом-ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тулаш, иш ҳақи билан ишловчиларни таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар, юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар, яъни олинган фойдадан, даромаддан солиқ тулаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари банклар орқали, уз навбатида олинладиган кредитлар ҳам бошқа ҳисоб-китоблар ҳам банклар орқали амалга ошади.

Банклар кредит вазифаларини бажарувчи муассаса бўлиб, қарз берувчи ва қарз олувчилар уртасидаги алоқаларни бажаради.

Банклар пул қарз бериши, пуллар ва қимматбаҳо қозғалар чиқариш, ҳазина сақлаш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Солиқлар давлат бюджетининг манбаи бўлиб, хўжалик фаолиятини рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя вазифаларини бажаради. Солиқлар бевосита ва билвосита турларига бўлинади. Бевосита солиқлар мулк ва даромадларга солинса, билвосита солиқлар (масалан, акция солиғи) товар Қийматида қуйилиб, унинг нархини оширади. Солиқларнинг бош вазифаси иқтисодиётни, иқтисодий жараёнларни тартибга солиб туришдир.

Аудитнинг асосий мақсади- молиявий ва хўжалик операцияларининг тугрилигини ва унинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига ва бошқа меъёрий ҳужжатларига нечоғлик мослигини аниқлашдан иборатдир. Аудит таркибига яна консалтинг, яъни миждоз билан шартнома тузиб, хизматлар кўрсатиш ҳам киради.

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Молиявий назорат шакллари, Солиқ имтиёзлари, Аккредитив, Баланс, Суғурта компанияси, Факторинг, Инжиниринг, Банк, Солиқ хизмати, Аудит, Кредит, Франшиза, Аудиторлик тафтиши.

## НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Корхонани фаолияти устидан Қандай молиявий назорат шаклларини биласиз?
2. Банк билан Қандай алоқалар урнатилади?
3. Кредит шартномасини мазмунини тушунтириб беринг.
4. Давлат Қандай солиқ сиёсатини олиб боради?
5. Солиқни Қандай турларини биласиз?
6. Кичик бизнесни ривожлантиришда Қандай солиқ имтиёзлари мавжуд?
7. Аудит ва аудиторлик тафтиши нима?
8. Аудитнинг халқаро стандартларини Қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?

## Адабиётлар руйхати

### Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноҚонуний талаб этганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 17 июн.
2. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасм ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январ, 20-сон.
3. Основы бизнеса. Учебник. –М.: Маркет Дс, 2003.
4. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003.
5. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Мехнат, 2000.
6. Еременко А. Разработка бизнес-приложений в Microsoft Business solutions-Alapra иерсии. 3.0/Фелексей Ермененко, Руслан Шашков. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.-503 с.

7. Ходиев Б.Ю., ва бошқалар. Кичик тадбиркорлик асослари(ўқув-амалий Қўлланма)-Т.:ЕХ. ТЕМПУС “Консаудит”, 2004.
8. Rambler-[http://www.rambler, ru/](http://www.rambler.ru/);
9. [www. gov. uz](http://www.gov.uz).
- 10.Яndex- [http://yandex/ru/](http://yandex.ru/);

### **Қўшимча адабиётлар рўйхати**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя Қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 16 июн.
- 2.Рубин Ю.Б. Теория и практика предпринимательское конкуренции –М.: ООО Марлет Дс корпорейшен, 2004.
3. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. пособие для вузов/ Под ред. Проф. В.Я.Горфинкеля, проф. В.А Швандара.-2е изд., пререб. И доп.-М.: ЮНИТИ- ДАНА, 2003-283 с
4. [www.ziyo. edu. uz](http://www.ziyo.edu.uz)
5. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
6. <http://www.ced.bg/eng/projects/project12/publication/book.htm>
7. <http://www.unece.org/sme/cjnfrm01.htm>

## **10-Мавзу. Корхонанинг молияси ва уни молиявий аҳволини баҳолаш.**

- 10.1. Корхоналарни молиявий соҳаси ва молия бозори.
- 10.2. Кредит турлари.
- 10.3. Акцияларни чиқариш ва жойлаштириш. Акцияларни сотиш ва сотиб олиш.
- 10.4. Лизинг ва лизинг операциялари.
- 10.5. Корхонанинг молиявий аҳволини баҳолаш.

### **10.1. Корхоналарни молиявий соҳаси ва молия бозори.**

Бозор иқтисодиети шароитида товар-пул муносабатлари-амал қилиши молиявий заруриятни ифодалайди. Муомала доирасида товар харид қилинади, сотилади ва бу жараен яна такрорланади.

Савдо фирма ва корхоналарнинг хўжалик фаолияти товар етказиб берувчилар, банк, бюджет, харидорлар, савдо ходимлари ва бошқалар билан бўладиган турли-туман пул муносабатларидан таркиб топади.

Пул маблағларининг режали равишда вужудга келтирилиши, тупланиши ва сарфланишини ифодаловчи иқтисодий муносабатлар молияни англатади.

Молия марказлашган ва марказлаштирилмаган фондларни ташкил этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатларини уз ичига олади. Марказлаштирилган фондларга давлат бюджети, банклари, омонат кассалари, суғурта органлари ресурслари киради. Марказлаштирилмаган фондларга давлат мулкидан бошқа мулк шаклидаги банклар, омонат кассалари, суғурта фирмалари, корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш фондлари, меҳнатга ҳақ тулаш фондлари, амортизация, суғурта, таваккалчилик фондлари киради.

Одатда молия икки вазифани: таксимот ва назорат вазифаларини бажаради.

Корхоналар уз маблағлари етишмаган ҳолда зарур маблағни банкдан қарз олиши мумкин.

Молия бозори - бу пул бозоридир. Бу бозорни ҳамма агентлари - пул агентларидир. Молия бозорларида бошқа бозорлардагидек сотувчи ва харидорлар мавжуд. Молия бозорида айирбошланадиган товарлар молиявий талаблар буйича ифодаланган.

Молиявий мажбурият - бу келгусида пулни тулашни буйнига олиш, бугунги молиявий бозорда олинаётган пулни келгусида тулаш. Молиявий воситачи ролини банк уйнайди.

*Молиявий бозор иштирокчилари икки гуруҳга бўлинади:*

1. Харакатдаги сектор.
2. Молиявий воситачилар.

*Корхона доимо уз фойдасидан:*

\* давлатга солиқ;



- \* банк кредити фоизини;
- \* акционерларга дивиденд тулаши зарур.

*Молиявий сохада ютук келтирувчи омилларга:*

- вақт омили;
- таваккалчилик омили;
- инфляция омиллари киради.

Вақт омили муваффақият имкониятларини оширади ва ёмон натижалар эҳтимолининг пасайтиради.

Молиявий муҳитни катта ноаниқлиги товарлар ва хизматларга бўлган нарх даражасини доимий ўсишига - инфляцияга олиб келади. Инфляция фоиз ставкасига, молиявий бозорларга, инвесторлар даромадларига. Корпорациялари лойиҳаларига, фирмани капитал қуйилмаларига, яъни барча молиявий муҳитга таъсир кўрсатади.

Вақт омили билан биргаликда олиб борилади. Таваккалчиликсиз тадбиркорлик фаолияти бўлиши мумкин эмас. Таваккалчиликни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин:

- биринчидан, пулни харид қобилияти тушиб кетиши билан боғлиқ бўлган таваккалчилик, бошқача айтганда бу инфляцияли таваккалчиликдир;
- иккинчидан, молиявий таваккалчилик, фирмани молиявий ҳолати ва ҳулқ-атворида боғлиқ бўлади;
- учинчидан, операция таваккалчилик, сизни товарлар ва хизматлар бозоридаги ностадиллигини аниқлайдиган мавқеда.

Бу уринда ўрта турдаги инвесторларни ажратиш мумкин:

- таваккалчиликни ёқтирмайдиган;
- ўнга нейтрал қарайдиган;
- таваккалчиликни яхши деб ҳисоблайдиган.

Таваккалчилик омили қуйидагича ҳисобланади:

K Қ Iс Қ Iв , бу ерда

K - инвесторлар талаб қиладиган даромад нормаси;

Iс - таваккалчиликдан озод бўлган даромад нормаси;

Iв - таваккалчиликга муқофот.

Бозор муносабатлари ривожланиб, ўнинг элементлари тобора купрок тадбир этилаётган, иқтисодиёт ислох этилиб, акциядорлик жамиятларининг сони ўсиб бораётган, банк иши ҳар томонлама ривожланиб, такомиллашиб келаётган, халқаро алоқалар кенгайиб, мамлакат жаҳон иқтисодиёт тизимида кириб бораётган шароитларда молиявий активлар тобора купрок русум бўлиб боради.

Молиявий бозорнинг энг муҳим томонларидан бири шуки, бу бозор юқори самара берадиган иқтисодиётни фаоллик билан шакллантириб боради. Молиявий бозор сармояларнинг сафарбар этилишини рағбатлантириб, буш турган пул маблағларини иқтисодиётдаги турли соҳалар уртасида қайта тақсимланишни таъминлаб беради. Молиявий бозор

рентабел корхоналарга маблаг бериб туриш оркали самарали иқтисодиёт шаклланиб боришига йул очади.

Хозирги замон молия бозорини куп сонли молия муассасалари ёки воситачилар ташкил килади. Бу - сотувчилар ва харидорлар яъни, сотиладиган ва харид килинадиган товар, пул ва бошка молия активлари мавжуд бўлган бозор. Улар вақтинчалик фойдаланиш учун (мажбуриятли карзлар шаклида) ёки бутунлай (акцияга) берилиши мумкин.

Шу билан бирга, молия бозорлари пул маблаглари жамгармаларининг эгаларидан карз олувчиларга борадиган куплаб турли-туман йуллар билан таъминланиб туради. Иқтисодий адабиётда улар иккита асосий гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳга пул маблаглари бевосита жамгармаларининг эгаларидан карз олувчиларга борадиган маблаг билан бевосита молиялаш йуллари киради. Улар уз навбатида икки турга булинади: капитал молиялаш - унга мувофик тадбиркор маблагни мулкнинг бир кисмига алмаштириш хисобига олади (оддий акция) ва карз олиш йули билан молиялаш - унга мувофик фирма маблагни олдиндан келишилган фоиз буйича кейин тулаш ва фирмага эгалик килиш ҳуқуқини олмаслик ҳақидаги шарти билан олади (облигация). Бу барча кимматли коғозлар, кимматли коғозлар бозорининг ривожланиши ва фаолият кўрсатишини белгилайди.

Бевосита маблаг билан таъминлашга омонатчиларнинг маблагларини молия муассасаларига: тижорат банклари, суғурта ва траст компаниялари, пенсия фондлари ва хоказоларга куйишга доир барча операциялар киради.

## 10.2. Кредит турлари.

Кредит деганда уз эгалари кулида вақтинча буш турган пул маблагларини бошкалар томонидан маълум муддатга ҳақ тулаш шарти билан карзга олиш ва Қайтариб бериш юзасидан келиб чиккан муносабатлари тушунилади.

Кредит муносабати икки субъект уртасида юзага келади: бири пул эгаси, яъни карз берувчи; иккинчиси пулга мухтож, яъни карз олувчи. Кредит товар ва пул куринишидаги маблагларни:

- Қайтариб беришлик;
- муддатлилик ва
- фоиз тулаш шартлари асосида бериш натижасида юзага келади.

Кредит ва молия тушунчалари уртасида бир томондан умумийлик булса, иккинчи томондан фаркли жихатлари мавжуд.

Агар молия барча хўжалик субъектларининг узига тегишли пул маблаглари хусусидаги алоқаларини англатса, кредит, бундан фарклирок, узга мулки бўлган пулни карзга олиб ишлатиш борасидаги муносабатларни билдиради ва бозор муносабатларининг бир унсури хисобланади.

Молия билан кредитнинг умумийлиги шуки, уларнинг ҳар хил бўлишидан келиб чикади.

Молияда уз мулки бўлган пул ресурсларини хоҳлаган вақтда, ҳеч бир харажатсиз ишлатиши мумкин. Кредит эса узгалар

Республика халқ хўжалиги тармоқлари корхоналарини кредитлашнинг энг муҳим манбаларидан бири - хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлардир.

Ўзбекистон - хусусийлаштиришдан тушган барча маблағни давлат бюджетига эмас, балки хусусийлаштирилган корхоналарни Қўллаб-Қувватлашга ҳамда бозор инфратузилмасини ривожланишига йуналтирилган дунёдаги камдан-кам давлатлардан бири ҳисобланади.

Шундай Қилиб, хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг биринчи хусусияти шундаки, маблағлар давлат тасарруфидан чиқариш ҳисобига ҳосил бўлади ва Давлат мулки кумитасининг махсус ҳисоб варағида жамғарилади.

Иккинчи хусусияти шундан иборатки, Республика Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда кредитдан фойдаланишнинг имтиёзли сурилувчи фоиз ставкалари белгиланади. Фоиз ставкаси миқдорининг узғариши ҳар чоракда юз беради, лекин у ҳар доим республика уртача банк фоиз ставкасидан паст бўлади. Шундай Қилиб, мулкчилик шаклини нодавлат мулкчилик шаклига узгартирган корхона янги шаклларда фаолият кўрсатишининг биринчи куниданек уз бизнес дастурини амалга ошириш учун давлат корхоналарига нисбатан фойдалироқ шартларда маблағ олиш имконига эга бўлади.

### **10.3. Акцияларни чиқариш ва жойлаштириш.**

*Акция* - ҳиссадорлик жамияти маблағига кушилган улушни ифодаловчи, унинг эгасига соф фойданинг бир қисмини олиш ва ушбу жамиятни бошқаришда катнашиш ҳуқуқларини берувчи қимматли коғоздир.

Акция қимматли коғозлар бозорида олди-сотди қилинади. Акция Қиймати акцияда қайд этилган пул миқдоридир. У сотиладиган нарх акция курси деб аталади.

Акция узининг махсус ва узига ҳос сифатларига эга бўлиб, у бошқа турдаги қимматли коғозлар орасида алоҳида урин тутади. Ана шундай хусусиятларидан бири амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли коғоз эканлигидир. У акцияни чиқарган ҳиссадорлик жамияти фаолияти тугатилгунга қадар амал қилаверади. Сотиб олинган акция уз ҳиссадорларга жамият ихтиёридаги умумий мулкдан узига тегишли улушга ҳуқуқи борлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Ҳар Қандай акцияни, у фуқаро ёки юридик шахс томонидан сотиб олинганми ёки бепул эга бўлинганми, мулкдор Қонунчиликка мос равишда чекланмаган ҳолда сотиши мумкин.

Акция эгаси, агар ҳиссадорлик жамиятининг фаолияти тугатилса, шу жамиятнинг мулкчини тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Бошка кимматли когозлар (хазина мажбуриятлари, облигациялар, векселлар, депозит сертификатлари) амалда кредит куроли бўлиб, кредит муносабатларини узида акс эттирса, акция мулкчилик муносабатларини бошқарувчи восита ҳисобланади. Акция эгаси компания ҳиссадорларининг умумий йигилишида у ёки бу Қарор учун овоз берар экан, мазкур жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Мамлакатимиз ҳудудида чиқарилаётган акциялар куйидаги турларга бўлинади:

- **Номи ёзилган ва "кўрсатувчига"**. Номи ёзилган акцияда эгасининг исми шарифи албатта ёзилган бўлиши шарт, агар акциянинг эгаси юридик шахс булса, у холда акцияга корхонанинг номи ёзилади. Номи ёзилган акциялар одатда нисбатан баландроқ Қийматли Қилиб чиқарилади. Бу уларнинг фонд бозоридаги муомаласи хусусияти билан белгиланади.

- **Оддий ва имтиёзли акциялар**. Оддий акциялар ҳиссадорларнинг умумий йигилишида овоз ҳуқуқини беради, бундай акциялар буйича олинadиган дивидендларнинг ҳажми ҳиссадорлик жамиятининг бир йил давомида ишлаган ишига боғлиқ, бошка бирон-бир нарса билан кафолатланмаган. Оддий акцияларнинг эгалари бошка кимматли когозларнинг эгаларига нисбатан купрок масъулиятини зиммага олганликдари туфайли бундай акциялар буйича олинadиган дивидендлар юкорирок Қилиб белгиланади.

Имтиёзли акциялар уларнинг эгасига умумий йигилишда (баъзи холлардан ташқари) овоз ҳуқуқини бермайди. Бундай акцияларнинг имтиёзлиги шундайки, бир томондан, жамиятнинг хўжалик фаолияти (даромади) Қандай бўлишидан катъий назар, кафолатланган дивидендларни олиши мумкин булса, иккинчи томондан, ҳиссадорлик жамиятининг фаолияти тугатилганда акциялар Қиймати бўйича тўловлар биринчи навбатда ана шундай акцияларга туланади. Имтиёзли акцияларнинг умумий номинал Қиймати жамият низом фондининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

Акцияда кўрсатилган пул суммаси акциянинг номинал нархи ҳисобланади. Бу Қиймат акциянинг дастлабки баҳоси бўлиб, бундан кейин унинг бозорда ҳаракат қилиши учун жиддий аҳамиятга эга эмас, у фақат акция эгаси сармоя улушининг ҳажмини ифодалайди. Купчилик мамлакатларда, айниқса, ҳиссадорлик мулки етакчи урин тутган мамлакатларда (масалан, АҚШ) акциялар номинал нархи кўрсатилмаган холда чиқарилади. Уларда фақат низом фонди маълум ҳиссаларга бўлинганлиги кўрсатилган.

Айрим иктисодчилар харидор акцияга канча пул тулашни лозим деб билса, акциянинг нархи худди ана шунчадир, деб ҳисоблашади. Бирок купчилик мамлакатларда акциянинг номинал нархи кўрсатилади.

Акцияларда номинал нархининг кўрсатилиши фонд бозори эндигина ривожланаётган бизнинг республикамизда ҳам уз аҳамиятини саклайди. Биринчидан, номинал акция эгасига рухий таъсир кўрсатади, унга бу шунчаки маъхум мажбурият эмас, балки балки маълум бир ҳажмдаги мулкчилик унвони деб ҳисоблаш асосини беради. Бундан ташқари, чиқарилган

акцияларнинг номинал нархидан хиссадолик жамиятининг низом фонди вужудга келади, акциялар номиналсиз чиқиши уларни ҳисобга олишни қийинлаштиради. Нихоят, акциялар иккиламчи бозорда сотиладиган ижобий лаж (номинал нарх ва курс нархи уртасидаги фарк) сармоядорларга компания ишларининг ахволи ҳақида баъзи бир хулосалар чиқариш имконини беради.

Турли мамлакатларда акцияларнинг минимал номинал нархи ҳар хил қилиб белгиланган. Масалан, Олмонияда нархи - 50 марка, Францияда - 100 франк, Японияда - 100 иен ва хоказо. Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилигига кўра, акцияларнинг минимал номинал нархи - 100 сумдир.

Акциянинг бозорда сотиладиган баҳоси унинг курси саналади. Бу акция қийматининг асосий шаклидир. Акция курси акциянинг ҳақиқий нархини аниқлайди. Курс акциялар буйича олинadиган дивидендга боғлиқ. Акция курсининг номинал нархдан юқорида бўлиши *кажем* деб номланади ва аксинча, курснинг акция номинал нархидан пастда бўлиши эса *дизажно* дейилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кимматли коҳозларни, жумладан, акцияларни муомалага чиқариш (депозит сертификатлари ва векселлардан ташқари) ва уларни руйхатдан утқизиш қоидаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланади. Кимматли қогозлар бозорининг фаолияти ҳамда ушбу кимматли қогозларга эғалиқ қилувчи сармоядорларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари "Кимматли қогозлар бозори ва фонд биржаси тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Қонунларда белгиланиб қуйилган.

#### 10.4. Лизинг ва лизинг операциялари.

*Лизинг* - машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоатларини узок муддат фойдаланиладиган товарлар экспортини кредитлашнинг шаклларида бири.

Лизинг - бу инвестицион тадбиркорлик фаолияти бўлиб, у мулкка эғалиқ қилиш ва мулкни шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсга маълум вақт ва маълум тўловга фойдаланиш учун топшириш ҳисобланади.

Лизинг - бу ҳаракатда бўлган ва ҳаракатда булмаган мулкни жойлаштириш буйича операциялар бўлиб, у махсус равишда лизинг фирмаси томонидан сотиб олинади ва унинг шахсий мулки бўлиб қолади, лекин уни тадбиркорларга ижарага берилади. Одатда лизинг машина ва асбоб-ускуналарни қуп муддатли ижарага олинаши ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш омиллари олиш мумкин, яъни нефтни қайта ишловчи комплекслардан тортиб атом электростанцияларигача, "Боинг" самолётларини ва автомобилларини то ишхона асбоб-ускуналаригача, ҳаттоки йирик қорамолларни ҳам.

Ҳаракатда бўлган мулк - фирманинг бир йил ёки белгиланган (нормал) муддат вақти мобайнида тулалигича пулга алмаштириш ёки истеъмол қилиб тугатилиши қузда тутилган мулк деб айтилади. Ёки бошқача қилиб айтганда,

ишлаб чиқариш жараёнида бир марта ёки киска вақт ичида ишлатилиб тугатиладиган ишлаб чиқариш воситаларига айтилади. Мисол учун, электроэнергия ишлаб чиқаришда ишлатиладиган кумир, керосин, бензин киради. Чунки улар фақат бир маротаба ишлатилади, ениб бўлгандан кейин тугайди. Харакатда бўлган мулкка яна мисоллар келтирадиган бўлсак, улар куйидагилардан иборат: пул, кимматбаҳо коғозлар ( бир йил муддатгача белгиланган), киска муддатли қарзлар (бир йилгача).

Харакатда бўлмаган мулк харакатда бўлган мулкни коидасининг акси бўлади. Унга мисол, ер ва бино қурилган жойлар тагидаги ерлар, бинолар, цехлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва воситалар (транспорт ва ва хоказолар).

Лизингни асосий хусусиятлари шундан иборатки, лизинг объектини олувчи (мисол учун асбоб-ускуна) унинг Қийматини тезда тулаши шарт бўлмайди, балки уни тулашга керакли микдорда пули бўлмаслиги мумкин.

Лизинг объектдан фойдаланганлик учун тулаш узок вақт давом этади, яъни лизинг объектини сотиб олувчи шартнома асосида лизингни кассасидан тайинсиз олиб, уни шартноманинг тугаш муддати давомида тулаб бориши мумкин. Лизинг объекти фойда олишга имконият беради, бу фойда оркали эса объект фойда олишга имконият беради, бу фойда оркали эса объект Қиймати тулаш амалга оширилади, бу эса уз навбатида лизинг фирмасига фойда ҳисобланади.

Лизинг оддийгина ижарага бериш шакли эмас, балки у молиялаштиришдир.

*Лизинг сўзи (инглизча "to lease" сўздан олинган бўлиб, ижарага бериш, фойдаланиш учун топшириш деган маъноларни англатади) 1877 йил "Белл" телефон компанияси узининг аппаратларини сотмай, балки ижарага беришга Қарор қилгандан кейин кунга кирди, яъни фойдаланиш жорий этила бошланди. Лекин лизинг ҳојасидан то биринчи лизинг жамиятини тузишга анча вақт кетди. Биринчи мустақил лизинг компанияси "Юнайтед" стейдс лизинг корпорейшн" 1952 йили Сан-Францискода ташкил этилган. Ҳозирги вақда лизинг барча мамлакатларда капитал куйилмаларини молиялаштириш ҳисобланади. Хар йилги лизинг оркали жамланувчи инвестиция ҳажми ҳозирги келиб 100 млрд. доллардан ошди; АҚШдаги ишлаб чиқаришдаги капитал куйилмаларнинг 25-30 % лизинг оркали амалга оширилади; Буюк Британияда -20% дан ортик; Олмонияда - 15 %; Францияда -16-17 % ва хоказо. 80- йиллар охири 90 йиллар бошларида бу кўрсаткичлар буйича Австралия биринчиликни ушлаб туряпти, чунки лизинг буйича ишлаб чиқаришдаги (капитал куйилмаларнинг) инвестицияларни молиялаштириш 30-33% ни ташкил этади.*

Лизингни асосан икки тури мавжуд: **молиявий** ва **оддий**.

**Молиявий лизинг** - муайян муддатда ижарага берувчининг капитал харакатларини тулик коплашга етарли тўловлардан иборат бўлиб, мулк эгасига бир микдор фойда ҳам беради.

**Оддий лизинг** - ижара даврида ижарага олинган мулк қисман амортизацияланади. Лизинг компанияси асбоб-ускуналар сотиб олиб, уларни ижарачи фирмага одатда бир йилдан 10-15 йилгача ижарага беради. Лизингда ижарачининг шартнома муддати тугагандан сунг асбоб-ускуналарни қолдиқ Қиймат буйича сотиб олиш (бу ҳолда эгалик ҳуқуқи янги сохибга утади); янги келишув асосида шартнома муддатини чузиш; моддий бойликларни лизинг компанияларига Қайтариш ва бошқалар кузда тутилиши мумкин.

**Лизинг операцияларини ҳисобга олиш.** Лизинг шартномалари тугалланмаган битимлар бўлиб ҳисобланади ва иккала ҳамкорнинг балансларида кўрсатилмайди. Бу дегани, лизинг олувчининг тулайдиган бадаллари уни ҳисобга мажбурият сифатида кирмайди, ва лизинг берувчи уларни талаб сифатида ҳисобламайди. Бухгалтерия ҳисоби меъёрларига биноан лизинг олувчи лизинг бадалларини бухгалтерия китобига жорий харажатлар каби киритади ва бунда у фоиз тўловлари ва амортизация ажратмаларини чекламайди. Лизинг шартномаси объекти бухгалтерия китобига лизинг берувчи капитал куйилмаси сингари утказилади ва шунинг учун унинг асосий капитали ҳисобланади.

Шундай Қилиб, лизинг берувчи (ижарага берувчи) инвестицион солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкин ва оддий амортизация ҳисоб китобларини амалга ошириши мумкин.

Лизинг операцияларининг асосий турлари:

**Нотулик тўловли лизинг** - асбоб-усқунанинг бутун жисмоний ишлаш циклидан кичик бўлган муддатларга имзоланадиган келишув. Лизинг шартномасининг асосий муддати мобайнида асбоб-усқуна тулалигача амортизацияланмайди ва бу муддат тугаши билан, койдага асосан, икки мартаба арендага берилади. Нотулик тўловли лизингга мисол бўлиб, оператив лизинг хизмат килади.

**Оператив лизинг** - лизинг берувчининг, асбоб-усқунанинг сотув Қийматини молиялаштириш билан бирга лизинг олувчига хизмат кўрсатиш, ремонт қилиш ва техник консультация бериш мажбуриятларини олган нотулик тўловли лизинг ҳисобланади.

Охирги йилларда *махсуллашган хизмат кўрсатиши лизинги* кенг ёйилди. Бунда лизинг берувчи асбоб-усқунанинг ремонтини ва хизмат кўрсатилишига тулалигача жавобгарликни уз буйнига олади. Лизинг берувчи бунда маълум мулк ёки машина ва асбоб-усқунанинг бир турига ихтисослашади.

**Тулик тўловли лизинг** - машина ёки асбоб-усқунанинг ишлаш циклига тенг муддатдаги даврига имзоланадиган лизинг шартномасидир. Бунда, лизинг шартномасининг асосий даврида лизинг берувчи асбоб-усқунанинг тулик сотиш Қийматини тулалигача олади. Бундай келишувларга мисол бўлиб, молиявий лизингни келтирсак бўлади. Молиявий лизинг операциялари орасида ажратилган ва қайтувчи лизингни алоҳида ажратиш керак. Ажратилган лизинг молиявий лизингни мураккаблашган тури

ҳисобланади. Ажратилган лизинг операцияларида лизинг фирмаси ижарага берилаётган мулкнинг эгаси мулкдор бўлиб ва мулкдорнинг ҳамма ҳуқуқ ва мажбуриятларини узида саклаб қолган ҳолда операциянинг фақат бир қисмини молиялаштиради. Молиявий воситаларнинг катта қисми қоида буйича каттароҳи банк заёмлари ёки бошқа заём берувчилар томонидан таъминланади. Қайтувчи лизинг операцияларида эса фақатгина икки томон қатнашади - маълум мулкка эга шахс ва лизинг фирмаси. Мулкдор мулкни лизинг фирмасига сотади, сунг уни молиявий лизинг шартларига асосан ижарага олади.

#### **10.5. Корхонанинг молиявий аҳволини баҳолаши.**

Хар Қандай корхонанинг, ҳиссадорлик жамиятининг молиявий аҳволи барча учун бефарқ эмас. Чунки, уларнинг молиявий аҳволи давлат, ҳиссадорликлар ва таъсисчиларнинг манфатларига бевосита таъсир этади. Шунинг учун корхоналарнинг молиявий аҳволини баҳолаш катта аҳамиятга эга.

Корхоналарда мулкӣ ва молиявий муносабатларни расмий ҳужжатлаштириш учун бухгалтерия ҳисоби олиб борилади. Давр охирида у молиявий ҳисобот тузиш билан яқунланади. Ҳужжатнинг молиявий ҳисоботлари эса хар 1 хўжалик йили охирида ҳиссадорликларнинг ёки уларнинг вакилларининг умумий йигилишида муҳокама этилади ҳамда тасдиқланади.

Ҳужжатнинг таъсис ҳужжатлари ва таъсис шартномасида қузда тутилган тақдирда унга кредит ажратувчи банк муассасасига, жамият ихтиёрий аъзо бўлган ассоциацияларга, биржаларга ва бошқа ташкилотларга бухгалтерлик ҳисобининг нусхаси топширилади.

Уз маблагӣ ёки мулкни ҳужжат фаолиятига сафарбар этган инвестор ёки кредитор мулкдан жамиятнинг нечоғли самарали фойдаланганини баҳолай олиши, фойданинг ва дивидентнинг тугри ҳисобланганига ишонч ҳосил қилиши керак. Молиявий ҳисоботнинг асосий шакли бухгалтерлик балансидир.

Янғича ҳисобот балансида активлар ва пасивларнинг тавсифи бозор иқтисодиёти муносабатларига мувофиқ келадиган даражада уз ифодасини топган. Ҳужжатнинг активлари балансида жамият томонидан ҳисобот даврида тасарруфида бўлган ва унинг назоратига олинган воситалар ҳамда берган қарзларнинг Қиймати сифатида ифодаланган.

Пассив узилиши воситалар Қиймати ва тушадиган даромадларнинг қамайишига олиб келадиган қарз ҳамда кредиторлик қарзи буйича жамият зиммасидаги мажбуриятлардир. Активлар Қийматининг пасивлар Қийматидан ошиши жамиятнинг узига қаршли воситаларини товарлар этади ва унинг Қиймати ҳисобот балансининг пасивида, узига қаршли воситалар манбаи бўлимида ифодаланади. Шу ерда жамият фойдаси ҳам уз фойдасини топади. Ҳужжатнинг янғича баланси активларнинг 3 та бўлими



ва пассивларнинг 3 та булимидан иборат. Баланс активларининг 1-булимида асосий воситалар номатериал активлар, сармоя сарфлари ва пудратчиларга берилган аванслар, узок муддатли молиявий куйилмалар Қиймати ифодаланади. Шу ерда фойданинг ишлатилиши, зиёнлар, хиссадор куйган воситалар амалга оширилган хисоб китоблар ҳам ифодаланади.

Баланснинг актив кисми 2-булимида жамият ихтиёридаги моддийлашган айланма воситалар: ишлаб чиқариш захиралари Қиймати, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр махсулотлар ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар берилади. Ишлаб чиқаришдаги арзон воситалар, махсус жихозлар ва мосламалар, махсус кийимлар ва пойафзал дастлабки Қийматида ифодаланади. Жамгарилган емирилиши, эскириш Қийматида эса алоҳида модда шаклида баланс пассивида ифодаланади.

Баланс активларининг 3- булимида газнадаги ва банк счётидаги мавжуд пу л маблағлари, киска муддатли Қийматли коғозлар сотиб олишга Қилинган сарфлар ва бошка сармоя сарфлари, товарлар ва хизматлар буйича дебиторлик қарзлари тўғрисида маълумотлар жамланган.

Баланс пассивининг 1-булимида хужжатнинг узига қарашли активлари манбаи тугри маълумотлар уз ифодасини топган. Бу ерда устав фонди, махсус фондлар, таъминлаш фонди, келгуси давр даромадлари ва баланс фойдаси, хисоб-китоблар ва молиявий капитал куйилмалари буйича кредиторлик қарзларининг ҳажми қайд этилади. Ушбу булимда асосий фондлар ва номатериал активларининг эскиришига Қилинган ажратмалар, кам Қийматли воситалар, кутилаётган харажатлар ва тўловларни коплашига ажратилган резерв маблағлари, ҳам сотилмаган товарлар савдо устамасининг жамланган Қиймати фойдаланилади.

Баланс пассивларининг 2- булимида банклардан ва бошка маблағлардан олинган кредит тўғрисидаги маълумотлар ифодаланади. Шу булимда барча турдаги узайтирилган ссудалар буйича жамиятнинг банкдан қарзи тўғрисидаги маълумотни ҳам ифода этилади. Балансда банк кредитлари 3 модда буйича турларга ажратилади:

- киска муддатли кредитлар (1йилга);
- урта муддатли кредитлар (1йилдан 3йилгача);
- узок муддатли кредитлар (3 йилдан ортик муддатга олинган кредитлар)

Баланс пассивларининг 3 - булимида тулаш муддати юзага келган кунидан бошлаб, 1 йил мобайнида тугайдиган киска муддатли кредиторлик қарзлари ифодаланади. Ушбу булимда тулаш муддати 1 йилдан ошмайдиган вексель эвазига олинган қарзлар ҳам кўрсатилади. Узок муддатли векселлар билан расмийлаштирилган қарзлар эса баланс пассивининг 2- булимида “узок муддатли қарзлар” таркибида ифодаланади.

Баланс фойда хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси сифатида хар Қандай жамоа учун қатта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Баланс фойда мазмунан бруто кўрсаткич бўлиб, хужжат ундан фойдага куйилган солиқни тулаган қолган соф фойдага эгаллик қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хужжатнинг барқарорлиги сармоядорларнинг диққатини тортиши, бошқа корхоналар билан рақобатлашга олиши унинг рентабеллик даражасига боғлиқ. Хўжаликнинг рентабеллиги унинг фойдалилиги бўлиб, фойда суммасининг воситалар Қиймати ва сармоёга нисбатан фоиз ҳисобидаги даражасини билдиради. Таҳлил амалиётида 3 турдан иборат рентабеллик кўрсаткичлари:

- маҳсулот рентабеллиги;
- ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги;
- корхоналарга қуйилган қуйилмалар рентабеллиги -ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллиги сотилган маҳсулот рентабеллиги, фондларнинг ҳажми ва таркиби, айланма воситалар айланиши тезлиги узгариши, фойда узгариши ва бошқа куплаб омиллар таъсир этади.

Рентабеллик кўрсаткичлари соф фойда бўйича ҳисобланади.

## ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР

Бозор иқтисодиёти шароитида товар -пул муносабатлари амал қилиши молиявий заруратни ифодалайди. Молия бозори- бу пул бозоридир.

Молия бозори сармояларнинг сафарбар этилишини рағбатлантириб, буш турган пул маблағларини иқтисодиётдаги турли соҳалар уртасида Қайта тақсимланишини таъминлаб беради.

Хусусийлаштиришдан тушган барча маблағни давлат бюджетига эмас, балки хусусийлаштирилган корхоналарни Қўллаб- Қувватлашга, ҳамда бозор инфратузилмасини ривожлантиришга йуналтирилган дунёдаги камдан-кам давлатлардан бири ҳисобланади.

Кредитлар қисқа муддатли, урта муддатли, узок муддатли кредит турларига булинади. Лизингни асосий хусусияти шундан иборатки, лизинг объектини олувчи унинг Қийматини тезда тулаши шарт булмайди, балки уни тулашга керакли миқдорда пули булмаслиги мумкин. Лизингни молиявий ва оддий турлари мавжуд. Корхонанинг молиявий аҳолини баҳолаш катта аҳамиятга эга бўлиб, молиявий ҳисоботнинг асосий шакли бухгалтерлик балансидир. Баланс фойда хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси сифатида ҳар Қандай жамоа учун катта ижтимоий- иқтисодий.

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Молия, кредит операцияларни суғурта Қилиш, акция, акция турлари, дивиденд сиёсати, лизинг, лизинг операциялари, молиявий хужжатлар, баланс, молиявий бозор, инфляция, таваккалчилик омили, кредит, кредит турлари, баланс таҳлили, рентабеллик таҳлили.

## НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Корхонанинг молиявий соҳаси деганда нимани тушушнасиз?
2. Корхонанинг молия бозори ва уни функциялари ҳақида тушунча беринг.
3. Кредитни Қандай турларини биласиз?
4. Кредит операцияларини суғурта қилиш Қандай амалга оширилади?
5. Лизинг нима?
6. Лизинг контрактини асосий булимлари нимадан иборат?
7. Акцияларни чиқариш ва жойлаштириш Қандай амалга оширилади?
8. Акцияларни Қандай турларини биласиз?
9. Корхонанинг молиявий аҳолини баҳолашнинг аҳамияти нимада?
10. Корхонанинг асосий молиявий ҳужжатларига нималар қиради?
11. Баланс ва рентабеллик таҳлилини Қандай амалга оширилади?

### **Адабиётлар руйхати**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноҚонуний талаб этганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 17 июн.
2. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январ, 20-сон.
3. Основы бизнеса. Учебник. –М.: Маркет Дс, 2003.
4. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003.
5. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Меҳнат, 2000.
6. Еременко А. Разработка бизнес-приложений в Microsoft Business solutions-Alapта иерсии. 3.0/Фелексей Ермененко, Руслан Шашков. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.-503 с.
7. Ходиев Б.Ю., ва бошқалар. Кичик тадбиркорлик асослари(ўқув-амалий Қўлланма)-Т.:ЕҲ. ТЕМПУС “Консаудит”, 2004.
8. Rambler-http ://www/rambler, ru/;
9. www. gov. uz.

### **Қўшимча адабиётлар рўйхати**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя Қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 16 июн.

- 2.Рубин Ю.Б. Теория и практика предпринимательское конкуренции –М.: ООО Марлет Дс корпорейшен, 2004.
3. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. пособие для вузов/ Под ред. Проф. В.Я.Горфинкеля, проф. В.А Швандара.-2е изд., пререб. И доп.-М.: ЮНИТИ- ДАНА, 2003-283 с
- 4.[www.edu.uz](http://www.edu.uz).
- 5.<http://www.ced.bg/eng/projects/project12/publication/book.htm>
6. <http://www.unecse.org/sme/cjnfrm01.htm>

## **11-Мавзу. Мамлакатимизда тадбиркорликни инвестициялашнинг устивор йўналишлари.**

- 11.1. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш.
- 11.2. Тадбиркорликнинг кредитлаш тизимининг ривожланиши.
- 11.3. Бизнесга молиявий ердам кўрсатиш инфратаркибини роли.
- 11.4. Карз олиш, уни расмийлаштириш тартиби ва Қайтариш.

### **11.1. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш.**

Ҳозирги босқичда ҳар Қандай давлатнинг тез суръатларда ривожланишини хорижий инвестицияларни жалб этмай туриб таъминлаб булмайди.

Чет эл инвестициялари фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига ва бошка турдаги фаолият объектларига кушаётган мулкый бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқларнинг, шунингдек интеллектуал мулкга нисбатан ҳуқуқларнинг барча турлари чет эл инвестициялари ҳисобланади.

Тадбиркорлик сармоясини чиқариш унинг чет элларда узок муддатга ишлаб чиқариш , савдо, молия объектларига сарфланиши демакдир.

Жахон тажрибасидан келиб чиқадиган булсак, инвестиция муассасалари юридик шахслар бўлиб, куйидаги вазифаларни амалга оширади: воситачилик фаолияти: кимматли коғозларни чиқаришни йулга куйиш: уларни учинчи шахс фойдасига жойлаштириш юзасидан кафолатлар бериш; инвесторларнинг пул маблағларини жалб қилиш мақсадида акциялар чиқариш ҳамда пулларни турли инвекетларнинг турли кимматли коғозларига куйиш; кимматли коғозларни чиқариш ва муомаласи буйича маслахат тарикасидаги хизматлар кўрсатиш.

Молия брокерлари, инвестиция компаниялар, инвестиция буйича маслахатчилар, инвестиция фондлари шулар жумласидандир. Молия брокери юридик шахс бўлиб, миждоз ҳисобидан ва унинг топшириги билан комиссия шартномаси еки топшириги асосида кимматли коғозлар олди-сотдиси пайтида воситачилик вазифасини бажаради. Бизда одатда уларни брокерлик фирмалари деб юритишади. Улар купинча инвестиция буйича маслахатчи вазифасини ҳам бирга кушиб олиб боради.

Инвестиция компанияси юридик шахс бўлиб, кимматбахо коғозлар бозорида миждоз ҳисобига эмас, балки узининг ҳисобига ишлайди, яъни молия брокеридан фаркли уларок, у диллер ҳисобланади.

Инвестиция компанияси кимматли коғозлар чиқаришни ташкил этади, учинчи шахслар фойдаси учун уларни жойлаштириш юзасидан кафолатлар беради, кимматли коғозларга маблағ куяди, уз номидан ва уз ҳисобидан кимматли коғозларнинг олди-сотдиси билан шугулланади, жумладан кимматли коғозларни котировкалаш йули билан амалга оширади. Республикада йигирма иккита инвестиция компанияси руйхатга олинган.

Республикада фонд бозорининг узига хос хусусияти шундан иборатки, у эндигина шаклланиб келаяпти.

Даслабки босқичда инвестиция компаниясининг асосий вазифаси кейинчалик фонд операцияларини утказиш учун миждозлар ва шериклар тармогини вужудга келтиришдан иборат. Хозир ҳам келажакда ҳам асосий инвестиция оқими давлат мулкани хусусийлаштиришга боғлиқ бўлади. Компания хусусийлаштириш хизматлари бозорида фаол ҳаракат қилиши, услубий ердандан тортиб акцияларни бирламчи жойлаштиришнинг эмиссия проспектини тайерлашгача бўлган бутун бир хизматлар туркумини такдим этиши зарур. Шунингдек, инвестиция компанияси хусусийлаштираётган корхоналарнинг акцияларини уз маблағига сотиб олади.

Инвестиция буйича маслаҳатчи ҳам юридик (консалтинг фирма), ҳам қимматли қогозлар чиқарилиши ва муомалада бўлиши юзасидан маслаҳат тарикасидаги хизматни такдим этадиган жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Инвестиция буйича маслаҳатчилар қуйидаги иш турларини бажаради: қимматли қогозлар бозорини таҳлил қилиш (аниқ битимларни экспертизалаш, конъюктурани урганиш ва башоратлар); ҳуқуқий маслаҳатлар бериш; қимматли қогозлар билан бўладиган операциялар буйича услубий, меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қимматли қогозлар эмиссиясини тайерлаш ва ташкилий-услубий таъминлаш; қимматли қогозларни таъминлаш; қогозлар мажмуасини таъминлаш, умумий мажмуа стратегиясини ишлаб чиқариш, мажмуа жорий бошқариш юзасидан маслаҳатлар бериш; ахборот хизмати кўрсатиш.

Инвестиция фонди юридик шахс бўлиб, у қупчилик капитал эгаларининг жамоа инвестицияларини бошқаради. Инвестиция фонди кредит тизими ривожланган молия муассасаларининг жуда муҳим қуринишларидан биридир.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, инвестиция фондларига эҳтиёж шундай пайтларда бўладики, бунда қупдан-қуп майда маблағларни бир ерга туплаш имқонияти ва зарурияти туғилади.

Инвестиция фонди очик ва епик турда бўлиши мумкин. Епик турдаги фондлар уз акцияларини унинг эгаларидан сотиб олиши мажбур эмас, очик турдаги фондлар эса биринчи талабдаек сотиб олади.

Инвестиция фондининг асосий вазифаси қупчилик инвесторларнинг маблағларини сафарбар қилиш ва уларни фонд номидан хусусийлаштириладиётган корхоналар акцияларига, бошқа қимматли қогозлар ва омонатларга жойлаштиришдан иборат.

Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб этиш йули билан бозор иқтисодиетига утишининг Қонуний-ҳуқуқий асослари яратилган.

Шунингдек бир қатор фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига кўра, республикада чет эл инвесторларининг фаолияти учун қулай ҳуқуқий шароитлар яратилди, республикада ишлаб топилган фойдани чет эл валютасига алмаштириш ва хорижга утказишни асослаштириш буйича валютани тартибга солиш тўғрисида, ташки иқтисодий фаолиятнинг

